

МАТЛУБА МУРОДОВА

ФОЛЬКЛОР ВА ЭТНОГРАФИЯ

(Ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ - 2006

КИРИШ

Ўзбек халқининг бой ва ранг-баранг фольклор меросига эгаллиги унинг этник таркиди серқатламлиги ва тарихий тараққиёт йўлини асосан Марказий Осиёдаги икки дарё ораллиғида кечганлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки, Амударё ва Сирдарё ораллиғидаги ҳудуд қадим-қадимдан халқларнинг буюк кўчишлари ҳамда турли сиёсий, маданий, иқтисодий муносабатлардаги юксалиш ва тушишларда бир чорраҳа вазифасини ўтаган. Бу борада биргина Буюк ипак йўлининг ушбу ҳудудни деярли тўлиқ кесиб ўтганлигини эслашнинг ўзи кифоя. Ўз навбатида, қайси ердан савдо йўллари ўтса, ўша жойда иқтисодий-сиёсий ва маданий юксалиш жараёнлари кечганлиги табиийдир.

Ўрта Осиё ҳудуди, жумладан икки дарё ораллиғида пайдо бўлган этнослар ва давлат тарихи бутун дунё тарихи ва тараққиётида муҳим ўрин тутиши бу ҳудуднинг ҳар жиҳатдан қулай шароитда жойлашганлиги билан ҳам белгиланади.

Ўзбек халқи учта катта этнодан ташкил топганлиги ва қорлуқ, кипчоқ ва ўғиз қабилаларнинг ўзаро бирлашуви натижасида бугунги ўзбек халқининг ядроси пайдо бўлди.

Маълумки, бу уч қabila бирлашмалари бошқа ҳудудларда ҳам туркий халқларнинг шаклланиб, таркиб топишида муҳим роль ўйнаган. Бу жараёнлар халқ оғзаки поэтик ижодида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Ўрта Осиё халқлари фольклорининг генизисида, сюжет қурилишида, етакчи мотивларида ҳам ўзига хосликни кўрамиз. Бундан ташқари фольклор асарлари ижтимоий қимматга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Келажак авлодни ҳам маърифий, ғоявий-тарбиявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда асосий аҳамиятга эга.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ВА ЭТНОГРАФИЯНИНГ ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган қисқи муддатда аждодларимиз томонидан яратилган барча тарихий, маданий, адабий, санъат ёдгорликлари ва халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, улардаги умумбашарий ва миллий ғояларнинг замонга хизмат қилдирган ҳолда ўзбекона, шарқона тафаккурни, ғурурни шакллантириш ва камолга етказиш доимий эътиборда бўлди.

Юртбошимиз И.А.Каримов айтганидек, истиқлол туфайли «Республикани ҳақиқатдан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари, кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларини ҳар томонлама ҳисобга олиб юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди. Юртбошимиз халқнинг миллий кадриятларини, халқ оғзаки ижоди намуналарини, гўзал урф-одатларини тиклаш учун унинг узоқ асрлар давомида шаклланган бой халқ оғзаки ижодига, эзгулик, меҳр-муҳаббат билан йўғрилган байрамларига диққат эътибор қаратиш зарурлигини мустақилликнинг дастлабки кунлариданок уқтириб келинди.

Истиқлол халқ оғзаки поэтик ижодини ривожлантиришга, халқ яратган маънавий-маданий меросни аввалгидек синфийлик, партиявийлик эмас аниқлик, реалликка биноан ёзиб олиш, чоп этиш ва таҳлил этишга имконият яратди. Президентимизнинг халқ оғзаки ижодни, халқ миллий донишмандлик кадриятларини ўзига хос ахлоқ Кодекси деб атадилар.»Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тил билан айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак»- деганларида ҳозирги ўсиб келаётган ёш авлод учун ниҳоятда керакли бўлган маънавий тарбия масаласи кўзда тутилган эди.

Шундай экан, Ўзбекистон Олий таълим тизимида маънавий тарбия масалаларига бугунги тамойиллар нуктаи назаридан қаратилган бўлиб, комил инсон тарбиясида халқ донишмандлигининг манбаи ҳисобланган халқ оғзаки ижоди кадриятлари энг муҳим маънавий бойлик ҳисобланади.

Бадий суз санъати маданиятининг энг қадимги ва узоқ тарихга эга бўлган соҳаси фольклордир.

Фольклоршуносликда «халқ ижоди» атамасининг моҳияти ва бу тушунчанинг маъноси ҳақида турли хил фикрлар билдирилган бўлса-да, халқ ижодиётининг ўзига хос табиати ва етакчи хоссалари тўла очиб берилган эмас. Меҳнат жараёнида инсоннинг тажрибасини ортиши, онгининг ривожланиши, табиат ва жамият ҳақидаги фикр-тушунчаларни

образли сўзлар орқали тасвирлашга интилиш оғзаки ижод шаклини пайдо бўлишига туртки бўлди.

Халқ оғзаки ижоди- меҳнаткаш халқ ижоди. Халқ бадиий фаолиятининг таркибий қисми, халқ санъатининг бошқа турларидан (музыка, театр, рақс, тасвирий ва амалий санъат ҳамда бошқалардан) ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган оғзаки сўз санъатидир. У оғиздан оғизга, авлоддан авлодга, даврдан даврга ўтиб, халқнинг истеъдодли вакиллари ижросида сайқал топиб, ўзбек халқ поэтик ижодини ташкил этди.

Бироқ, у дастлаб қандай яратилган бўлса, ўша ҳолича сақланиб қолмай, ижодий қайта ишланиб, турли ўзгаришларга учраб, янги-янги маълумотлар билан бойиб, тарихий шароитга мослашиб, шу билан бирга ёзма адабиётга ижобий таъсир этди.

Халқ оғзаки поэтик ижоди-оғзаки сўз санъати «фольклор» ёки «фольклористика» деб юритилади.

Фольклористика турли даврларда ва турли мамлакатларда гоҳ этнография, гоҳ антропология, гоҳ музикашунослик ва ҳатто социологиянинг бир қисми деб қаралиб келинган.

«Фольклор» термини биринчи марта XIX аср тадқиқотчиси Вильям Томс томонидан 1846 йилда қўлланди. «Фольк»-«халқ», «лор»-«билим», «донолик», «донишмандлик» яъни «халқ билими», «халқ донолиги», «халқ донишмандлиги» деган маънони англатади. «Фольклор» термини халқаро терминга айланиб, турли мамлакатларда қўлланила бошлади.

Англия ва АКШ да халқ бадиий фаолиятининг барча турлари-поэтик ижод, музыка, рақс, уйин, театр, тасвирий ва амалий санъат шунингдек, ирим-сирим, ишонч- эътиқод ва урф-одатлар шу термин билан аталади.

Ўзбек фольклоршунослигида «фольклор» термини 1932 йилларда Ҳоди Зариф киритди ва олий укув юрти талабалари учун мўлжалланган биринчи китобларини «ўзбек фольклори» деб аталади. Унга «фольклор» термини ўрнига «эл адабиёти», «оғзаки адабиёт», «ўзбекларда оғзаки адабиёт» каби атамалар қўлланиб келинарди. Бу термин ўрнига «фольклор» термини мустаҳкам ўрнашиб қолди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида эса «фольклор» деганда асосан халқ поэтик ижоди тушунилади. Халқ санъатининг бошқа турлари, масалан, музыка учун «музыка фольклори» термини қўлланилади.

Фольклор асарларида музыка, рақс, театр санъати элементлари қўшилиб кетганлиги сабабли фольклор синкретик санъат дейишимиз мумкин. Айти пайтда фольклор асарлари санъатнинг бошқа турларидан ўзига хос томонлари билан фарқланади. Фольклорда сўз, куй ва ижро бирлиги доимо сақланади. Шунинг учун халқ ижодини ўрганувчи, текширувчи фан фольклоршунослик деб юритилади. Фольклоршунослик асослари қадимги дунё эстетик тафаккурига бориб тақалади. Қадимги дунё

сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар ҳақидаги ёзма ва оғзаки ёдгорликлари фольклоршунослик учун муҳимдир. Фольклор асарларини ёзиб олишдаги биринчи тажрибалар XI асрдан бошлаб кўзга ташланди.

Фольклор асарларида меҳнаткаш халқнинг ҳаётини акс эттиради. Халқнинг олам ҳақидаги тушунчаларини ижтимоий-тарихий, сиёсий, фалсафий ва бадиий-эстетик қарашларини ўзида мужассамлаштиради. Бу нарсаларни фольклор асарлари мазмуни ва ғоясининг чуқур халқчиллигини кўрсатади. Фольклордаги халқчилликнинг асосини унинг прогрессив моҳияти ташкил қилади. Тарихий- ижтимоий воқеалар фольклор асарларида халқнинг муносабатлари нуқтаи назаридан.

Фольклор ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб: оғзакилик, халқчиллик, анъанавийлик, жамоа бўлиб ижро этиш, ўзгарувчанлик, вариантлик каби хусусиятларни ўз ичига олади.

ФОЛЬКЛОР-ЖАМОАВИЙ ИЖОД

Ўзбек халқ бадиий ижоди асрлар давомида яратилиб, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келган жамоа ижоди маҳсулидир. Чунки фольклор асарлари бир киши томонидан эмас, балки бутун бир жамоа нинг ижодий тажрибаси асосида вужудга келади ва жамоа томонидан ижро этилади. Баъзи фольклор асарлар эса истеъдодли кишилар томонидан яратилиб, ўз қабиласи ва уруғлариодатлари, эътиқоди, орзу истаклари, табиат билан бўлган муносабатлари ҳикоя қилинган. Қабил ва уруғ аъзоларга маъқул тушган бу асарлар оғиздан оғизга ўтиб, жамоа ижодига айланган. Асарлар шу тариқа жамоа орасида такомиллашиб, халқ мулкига айланади. Халқ куйчиси (достончи, эртақчи, қўшиқчи, латифагуй, аскиячилар) жамоа томонидан яратилган асарларни айнан сўзма-сўз ижро этмай унга ижодий ёндошади. Шунинг учун ҳам у ижро этаётган асарларни ҳамиша «халқники» деб тан олинади.

Якка ижодкор қанчалик истеъдодли бўлмасин жамоа ижодининг анъаналарига бўйсунган, халқ ҳаёти, халқ диди ва талабига мослашишга ҳаракат қилаган.

ФОЛЬКЛОР-ОҒЗАКИ ИЖОД

Халқ поэтик ижоди ёзув пайдо бўлмасдан илгари юзага келган. Унинг яратилиши ва кишилар ўртасида тарқалиши жонли оғзаки анъана билан боғлиқдир. Оғзакилик хусусияти уни халқ санъатининг бошқа турларидан масалан: мусиқа, рақс, ганч-ўймакорликлардан ажратиб туради. Фольклор асарларининг узоқ асрлар давомида оғзаки яратилиши ва оғзаки ижроси унинг шакл ва мазмунига таъсир этмасдан қолмайди.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги замонларга оид айрим оғзаки ёдгорликлари баъзи бир манбалар бизга қадар сақланиб қолган. Бу

манбалар тарих китоблари, илмий асарлар, ёзма ёдгорликлар ва бошқалардан иборат. Антик тарихчилардан Геродот, Ктезий, Полиэн, Харес Митиленский ва бошқаларнинг китобларида халқ оғзаки ижодининг айрим асарларининг мазмуни ҳикоя қилиб қолдирилган. Шунингдек, ўрта аср тарихчиларидан Ҳамза Исфаконий, Табарий, Маъсудий, Беруний, ва бошқаларнинг асарларида ҳам оғзаки адабиётга доир қимматли материаллар ва маълумотлар бор. «Авесто», «Бехустун», «Бундаҳиши», «Денкард», каби ёзма ёдгорликларда оғзаки адабиётнинг баъзи бир намуналари ўрин олган. Маҳмуд Қошғарий эса ўзининг машҳур лингвистик «Девону луготит турк»ида қадимги ҳушиқ, лирик шеър ва моқоллардан турли намуналар беради.

Маълумки, айрим тарихий фактларнинг тўлиқ эсда қолмаслиги, замон тақозоси билан унутилиши натижасида, уларни асарларидан тушиб қолиши, ўзгариши, қориштирилиб, талқин этилиши учраб туради. Шунинг учун ҳам тарихий воқеа ва ҳодисалар ҳам фольклорда айнан акс этмайди. Баъзан эса дostonларда мавжуд бўлган шеърӣ парчаларни унутилиши, мазкур жанрларни эртак шаклига келтириб қўйиши ҳам мумкин ёки аксинча эртакни дostonга айлантириши мумкин. фольклорда юз берадиган бу каби ҳодисалар унинг ғоявий-бадий, эстетик қийматини камайтирмайди.

АНЪАНАВИЙЛИК

Анъанавийлик жамоа ижоди маҳсулидир. Бу ўзининг тарихий манбаларига эга. Фольклор асарларининг дастлабки намуналари ибтидоӣ жамият даврида яратилган. Шу сабаб фольклор асарларининг сюжети, тимсоллар мотивларида ибтидоӣ турмуш шарт-шароитлари, урф-одатлари ва дунёқарашларининг инъикоси сифатида юзага келган Фольклор асарларининг оғзаки яратилиши ва оғзаки ижро этилиши уларнинг ўзгармас барқарор шакллари- анъанавийликни юзага келтирган. Масалан, қаҳрамонлик типигаги эртаклар ва дostonлар жанрларда маълум даражада тафовут мавжуд бўлса ҳам бадий услуб анъанавий шаклга эга. Ҳар иккисида ҳам (эртакда ҳам, дostonда ҳам) композиция анъанавий бошлама, сюжет баёни ва тугалланмадан иборат. Бош қаҳрамон ва воқеалар муволаға шаклида тасвирланади. Асар матни нисбатан турғун ҳолда сақланади. Фольклор асарларидаги асосий сюжетлар, тимсоллар ва бадий тасвир воситалари анъанага айланади, ҳамда оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиш жараёнида қисман ўзгаради, айрим деталлар қўшилади, бироқ асосий манба анъана бўлиб қолаверади.

Тарихий тараққиёт натижасида баъзи бир асарлар дастлабки шаклини ўзгартириши мумкин. Фольклор асарларига анъанавийлик билан бир қаторда ижодий ўзгарувчанлик ҳам ҳосдир Асарлар ҳар гал қўйланганда ва ижро этилганда нималардир ўзгаради, нималардир қўшилади. Бироқ бу

Ўзгаришларнинг барчаси пухта ва мустаҳкам анъаналар доирасида бўлади. Анъанавийлик фольклорнинг сўз санъати сифатида жонли оғзаки ижрода яшаши ва тарқалишининг бош мезонларидан биридир.

ВАРИАНТЛИЛИК

Фольклор асарларининг даврдан даврга, ижродан ижрога ўтишида юзага келган ўзгаришлар вариантларда акс этади. Фольклор асарларини кўп вариантларда, бир неча нусхаларда тарқалиши вариантлилиги ҳисобланади. Вариантлар муайян бир асарнинг бир-бирини инкор этмайдиган, жонли ва оғзаки анъанада мустақил яшай оладиган турли туман матнларидир. Масалан: «Алпомиш» достонининг 30 га яқин вариантлари ёзиб олинган, лекин халқ орасида эса бундан ҳам кўп вариантлари тарқалган. Вариантлар асосан ҳаётий шарт-шароитлар натижасида юзага келади. Достон куйловчи бахши-шоир ёки эртакчи асар ижро этаётган давр, шароит ва тингловчиларга қараб достон ёки эртакка ўзгартиришлар киритади. Масалан, катталарга айтилган бир эртак болаларга бошқача қилиб айтилади. Шу тарзда ўша эртак ўзгара боради. Ниҳоят, эртак вариантлари вужудга келади. Демак, ҳар бир фольклор асарининг яратилган вақти тарқалиши ва яшаш шароитлари жуда мураккаб. У ижтмоий ва иқтисодий муҳит, тингловчилар аудиторияси, ижодкор ва ижрочи маҳорати билан боғлиқ бўлади. Вариантлилик халқ ижодининг тарқалиш доирасини, оммавийлигини ва халқчиллигини белгилайди. Фольклорда кечаётган ўзгаришларнинг сабабларини аниқлашга, халқ оғзаки ижодиётида кечган ва кечаётган жараёнлар асосида ётувчи қонуниятларни очиш учун бой манба беради.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАККИЁТ БОСКИЧЛАРИ. ҚАДИМГИ ДАВР ФОЛЬКЛОРИ

Адабиёт-сўз санъати. Сўз санъатининг дастлабки намуналари инсоният нутқи пайдо бўлиши билан пайдо бўла бошлаган. Унинг райдо бўлишида ўша давр шарт-шароити. Одамларнинг меҳнат ва турмуш тажрибалари, дунё қарашлари, урф-одат ва маросимлари ҳал қилувчи ўрин тутди. Энг аввал насрий асарлар вужудга келган. улар ниҳоятда содда бўлиб. турли хилдаги ундов-хитоблар ва воқеалар баёнидан иборат бўлаган халос. Яъни меҳнатни енгиллаштирувчи. руҳни тетиклаштирувчи. ҳаёл оғушига олиб кетувчи эртаklar ва афсоналар яратилди, меҳнат жараёнини ифодаловчи кўшиқларнинг намуналари пайдо бўлди.

Энг қадимги фольклор намуналари ёзув юзага келмасдан анча олдин пайдо бўлган ва ёзма адабиётнинг ташкил топишига муҳим ҳисса қўшган. Улар асл ҳолида бизгача етиб келмаган ёки етиб келганлари ҳам оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиш жараёнида ижодий ишланган.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги фольклор намуналари баъзи тарихий ёдгорликлар, ёдномалар, илмий асарлардагина сақланиб қолган. Улар мифлар, жангнома кўринишдаги афсоналар, қаҳрамонлик ва паҳлавонлик эпослари, қўшиқлардан ва мақоллардан ташкил топган.

Ўрта Осиёда VI асрдан XX асргача бўлган давр ижтимоий- иқтисодий жиҳатдан мураккаб тарзда кечган давр бўлди. Бу давр ўзбек халқининг ўтроқ деҳқончилик билан кўчманчилик ҳаёти тартибларини узоқ вақт ёнма-ён яшаб келган давр ҳисобланади. Ўзбек халқининг бу даврдаги бой ва ранг баранг оғзаки ижоди намуналарига назар ташлар эканмиз, уларда ижтимоий-сиёсий жараёнлар, қадимий тасаввурларни ва қарашларни излари ўз ифодасини топганлигини кўрамиз. Чунки ижтимоий тараққиётга узвий боғлиқ бўлган фольклор асарлари ўзига хос хусусиятларига кўра, халқнинг ҳаётидаги тарихий ўзгаришлар билан ўзгара борган, уларда бир неча даврлар ўз изини қолдирган.

Фольклор асарларига хос бундай ўзгарувчанлик ва кўп қатламлилиқ уларнинг кўпгина намуналарини айрим олинган даврлар билан боғлаб текширишни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам у ёки бу жанрларнинг муайян даврдаги ҳолати ва тараққиёти ҳақидаги мулоҳазалар кўпгина ҳолларда тахминий бўлади, албатта. Ҳозирча мавжуд текширишларга суяниб туриб, шунини айтиш мумкинки, энг қадимги даврларда кўпчилиқ халқларда мифлар, уруғ, қабилалар ҳақидаги ривоятлар, айтимлар, урф-одат, мавсум ва маросим, меҳнат қўшиқлари кенг тарқалган. Илк давлатларнинг шаклланиш даврида қаҳрамонлик дostonлари яратилган, кейинроқ эпик, лирик ва тарихий қўшиқлар, оғзаки драма пайдо бўлган.

Кейинги вақтларда ёзиб олинган фольклорнинг анъанавий намуналари, асосан VI-XX-асрларда яратилган асарлардир. Фольклор асарларнинг айрим намуналарини, айрим жанрларнинг кейинги тараққиёти ва ҳолатини муайян даврлар билан боғлаб ўрганиш мумкин. Масалан, ўзбек дostonчилигининг қадимий кўринишлари, уни авлоддан авлодга ўтказиб келган бир неча авлод халқ бахшилари ва улар ижро этган дostonлари ҳақида ёзма маълумотлар деярли сақланиб қолмаган. Масалан, Амир Темур ўз сафарларини бахшиларга дoston қилиб куйлашни топширган, Тўхтамиш саройида Камолзода ва Жаҳон Мирзо каби жировлар бўлган халқ дostonларига яқин шаклда ёзилган «Або Муслим» китоби XII -асрда яратилган.

Оғзаки маълумотлар бизни XVII- асрга етаклайди. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг авлодларидан бири Ёдгор бахши XVII-асрнинг иккинчи ярми ва XVI-асрнинг бошларида яшаган. Эргаш шоирнинг еттита

ота-бобоси дostonчи ўтганлигини ҳисобга олсак, айтайлик, XVI-аср аср охирларида яшаган дostonчи шоирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам XVI-асрнинг бошларигача етиб келган. Ўзбек халқининг жуда мураккаб этногенизи ва этногенитик тараққиёти, VI-VIII асрлардан XV асргача давом этган миграция, яъни туркий қабил ва уруғларнинг олдинма кейин Ўрта Осиё ҳудудларига кўчиб келиши, жойлашиши ҳамда ерли, туркий бўлмаган ўтrock элатлар билан аралашиб кетиш жараёнлари ҳам ўзбек дostonчилигининг бу даврида янгилашиш даврини бошлаган, тараққий қилган деган хулосага келишимиз мумкин.

XVII-XVIII асрлар давомида дostonчилик тараққиётида жуда жиддий кўтарилишлар бўлди. XIX аср унинг энг гуллаган даври бўлиб халқ орасида кенг ёйилди.

Халқ дostonларида марказлашган, мустақил, фаровон ватан ва чет эл босқинчиларига қарши кураш ғояси муҳим ўрин тутди. «Чамбил қамали», «Райҳон араб», «Бектош араб» каби дostonларда араб босқинчиларига қарши кураш тасвирланган ва бу дostonлар араблар Ўрта Осиёга ҳужум қилган даврда яратилган, марказлашган давлат ғояси, ватан, эл-юрт осойишталиги ва мустақиллиги учун кураш узок давом этган бу даврда турли уруғ ва элатларнинг ягона халқ бўлиб шаклланиш даврида ғоят муҳим ижобий ҳодиса эдики, бу ғоялар ўзбек эпосининг қон-қонига сингиб кетган дейишимиз мумкин.

Худди шунингдек, муғул босқинчиларининг хуружларини, уларга қарши маҳаллий аҳолининг курашларини акс эттирган асарлар ҳам анчагина. «Гулдурсун» афсонаси ҳам шу номли дoston ҳам ўша давр воқеалари ҳақида ҳикоя қилади. Муғул истилочиларига нисбатан халқ муносабати эса рамзий ифодаларда, умуман, чет эл босқинчиларига нисбатан халқ нафрати баёнида, афсонавий ва мифологик салбий тимсоллар тасвирида сақланиб қолган.

Бу давр ўзбек фольклорида айрим тарихий воқеалар ва шахслар номи билан боғланган дostonлар, афсона ва латифалар кўп учрайди. Масалан: «Тулумбий» (XV аср), «Шайбонийхон», «Ойчинор» (XVI аср), «Тулғаной» (XIX аср) каби бир қанча дostonлар борки, улар яратилган даврларидан анча кейин ёзиб олинган, демак бир қанча ўзгаришларга учраган бўлишларига қарамай, маълум даражада ўз даври воқеаларини акс эттиради. Шунингдек, машҳур тарихий сиймолар Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек, Машраб, номлари билан боғлиқ бўлган кўплаб афсона ва ривоятлар яратилди. XIX-аср бошларида халқ орасида ёзма адабиёт намуналари кенг тарқала бошлади. Айрим шахслар томонидан ўзбек фольклори асарларини ёзма адабиётга яқин руҳда қайта ишлаш ёки ёзма намуналарини «фольклорлаштириш» жараёни кучайди. Бунинг натижасида турли характер ва мазмундаги қиссалар («халқ китоблари») юзага келди. ҳатто айрим бахшилар ижодий фаолиятида,

масалан, Қўрғон достончилари репертуарида ёзма адабиёт намуналари кўрина бошлади

Бу даврда халқ ижодчиларинг муайян жанрларда профессионалашуви кучайиб достончи, эртақчи, кўшиқчи, аскиябоз, масхарабозлар ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фольклорнинг эстетик жиҳатдан мустақиллашувида, унинг мифология ва ибтидоий ирим-сирим ҳамда маросимлардан ажралиб чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу давр ўзбек фольклорида халқ ижоди тараққиётининг илгариги босқичларида майдонга келган айрим жанрлар, хусусан, мавсум-маросим кўшиқлари баъзи ўзгаришлари билан узоқ вақт сақланиб қолди. Эртақлар билан топишмоқларда эса бир мунча ўзгаришлар рўй берди: уларнинг тотемистик қарашлар билан боғланиши анча сусайиб, купрок аллегорик характер касб эта бошлади. Бир қатор янги жанрлар (лирик ва тарихи кўшиқлар, латифа ва лофлар, аския ва огзаки драма) пайдо бўлди.

Шундай қилиб, бу даврда ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг деярли ҳамма жанрлари кўплаб асарлар яратилди. Бу асарлар халқимиз маданий ҳаётидаги улкан кўтарилишлар, муҳим тарихий воқеалар билан маҳкам боғлиқ. Халқимиз босиб ўтган тарихий йўл, унинг бошидан кечган ижтимоий- сиёсий жараёнлар фольклорининг сермахсул бўлишига муҳим замин бўлди.

АНИМИЗМ ВА ТОТЕМИЗМ

Туркий халқлар фольклори билан урф-одатлари излари сақланиб қолган анимистик ва тотемистик қарашлар қадимий тасаввурлар тизимини ташкил этади. Маълумки, ибтидоий инсон ўзига номаълум бўлиб кўринган табиат кучларидан талвасага тушар экан, айна пайтда уни енгишга ҳаракат қилади, уддасидан чиқа олмай иложсиз қолиб табиатга сиғиниши, нотабиий кўринган ҳодисаларга топиниши, уларни культ даражасига кўтаришга олиб келган. Уларнинг табиатдаги жонсиз нарсаларга жонли деб қарашлари, ўзини табиат кучлари ва ҳодисалар билан айнан бир нарса ҳисоблашлари анимизм номини олган. Анимизмда жон ва руҳларнинг борлигига ишонч бўлади. унинг ёрқин намунаси эртақларнинг қадимий мотивларида ўз ифодасини топган. «Оқ билакхон» эртагида йигитнинг тошга айланиб қолиши, «Ёрилтош» да тошнинг ёрилиш мўъжизаси, қизни бағрига олиб яна ёпилиши, «Ялмоғиш кампир» эртагида одамларни тошга айланиб қолиши, «Қилич ботир»да эса қаҳрамоннинг жони қиличида эканлиги кабилар анимистик тушунчалар натижасидир.

«Ёрил, ёрил, тошлар-ай», «Очил, очил қамишлар», «Сим-сим, оч эшигингни» каби илтижо қилиб ёлворишлар ўша нарсада жон бор деган тушунчани образли ифодасидир. Тўйларда ёқиладиган олов, қуёш ва ой тутилганда қозон, жом, челақларни тарақлатиш ҳолатлари ҳам йўқолиб бораётган қадимий тасаввурларнинг излари ҳисобланади.

Тотемизм одамнинг кўпинча бир ҳайвон ёки ўсимлик, баъзан жонсиз нарса ёки табиат ҳодисалари билан алоқаси борлиги ҳақидаги ишонч-эътиқоддан келиб чиққан. Туркий халқлар, жумладан ўзбек уруғларининг ота-боболари қуёш, сув, оловга сиғинган, кейинчалик эса от, хўкиз, илон, бўри, ит ва бошқа ҳайвонларга эътиқод қўйганлар Бўрини бало, офатлардан сақловчи, ҳимоя қилувчи куч, уруғ, қабиаларнинг аجدодлари деб билганлар. Шу тариқа тотемлар юзага келган. Тотем- у ёки бу уруғнинг эътиқод қўйган ҳимоячисидир. Тотемлар билан боғлиқ бўлган бир қанча афсоналар мавжудки, уларда кўпроқ от ва бўри тимсоли тасвирланган. Бўри билан боғлиқ эътиқод янги туғилган болани саломат сақлаш, яхши ҳаёт кечириш, чорвани эҳтиётлаш, экинларни ёвуз кучлар таъсиридан сақлашдан иборат бўлган. Ҳатто Ашина номли турк уруғларининг бирида бўри калласи тасвирланган байроқ ҳам бўлган. Ибтидоий кишилар оғир ва аянчли турмушни яхшилашга интилганда ҳам бўрига ёлворган ва сиғинган. Бўри тотемига алоқадор баъзи эртак («Чўлоқ бўри», «Бўри қиз», «Бўри») ва афсоналар ҳозирги кунга қадар халқ орасида айтилиб келинади.

От тимсоли қадимги кишиларнинг тумуш тирикчилиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, отларни хонакилаштириш, улардан иш ҳайвони сифатида хўжаликда фойдаланиш давомида юзага келган. Археологик қазилмаларда аниқланган ярми от ярми одам сифат ишланган расмлар, ҳали-ҳалигача экин майдонлари, полизларда отнинг калла суягини кўриқчи сифатида қўйилиши от култи ҳақидаги эътиқоднинг тимсоли ҳисобланади. Хоразмдаги Ҳазорасп,, қадимги Бактриядаги Зарисп сингари географик жой номлари аслида от култига алоқадор бўлган уруғ номлари билан номланади. Ўзбек халқ достонларида ўирот, Бойчибор, Жийронқуш, Мажнунқўк каби от тимсолларининг ғоят катта ўрин тутиши ҳам беъжиз эмас Табиат ва ҳаёт ҳақида юзага келган ибтидоий тушунча ва эътиқодлар анимистик ва тотемистик қарашларни вужудга келтирди.

ҚАДИМГИ МИФЛАР

Маънавий бойликларимизга мурожаат қилиш, уларни ўрганиш азалий қадриятларимизни тиклаш демакдир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «...миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, хуллас маънавиятимизга дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти», деб таъкидлаши бежиз эмас. Маълумки, халқ бадиий тафаккурининг энг қадимги намуналари мифлар бўлиб, улар «... кейинчалик ягона халқ бўлиб шаклланган ҳар бир уруғ ёки қабила бирлашмалари ижодида бўлган ва ҳозирда ҳам бор». Мифларнинг энг қадимий намуналари бизга «Авесто» орқали етиб келган бўлса, маълум қисми халқ оғзаки ижодиётининг турли жанрлари таркибида сақланиб қолган.

Мифология фақат сеҳр-жодудан иборат бўлмай, унда ибтидоий инсон тафаккурининг турли қирралари намоён бўлади. Уларда ҳаётга, жамиятга табиатга бўлган муносабат акс этади.

Мифология ўзида «ибтидоий инсон маънавиятининг мужассам этган бўлиб, мифларда юксак тарбиявий-ахлоқий масалалар ҳам ўз ифодасини топган.

Порлоқ келажакни орзу қилиб, унга умид кўзи билан боққан қадим аجدодларимиз кишиларни қудратли ривожини олдиндан сезиб, уларнинг қобилиятини идеаллаштирувчи мифологик тимсолларни яратганлар. Миф грекча- сўз- «ривоят» деган маъноларни билдиради. Миф дунёнинг пайдо бўлиши, табиат ҳодисалари, ҳудодлар ва паҳлавонлар ҳақидаги тўқима афсонадир. Мифология -мифларни ўрганадиган соҳа. У ибтидоий инсоннинг табиатни билишга интилишнинг натижаси сифатида вужудга келган. Инсоннинг табиатга қарши курашдаги ожизлиги уни номаълум кўринган ҳодисаларга жавоб топишга, қандайдир тушунча ва тасаввурлар яратишга мажбур этган, бўрон, зилзила, сув тошқини, сел каби айрим табиий кўринган кучларга қарши кураша олувчини излашга олиб келган. Буларнинг натижасида яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги мифологик тасаввурлар вужудга келган. Олам ҳақидаги тасаввурлар ана шу тарзда юзага келган бўлиб, у ўз навбатида осмон, ой, қуёш ҳамда турли хил ҳайвонлар ҳақидаги ҳудодларни, ғайри табиий тасвирлаган паҳлавонлар ҳақидаги мифларни ҳосил қилди. Мазкур мифлар кишиларга руҳий куч, тетиклик ва осойишталик бахш этган, инсониятни ғалабага чорлаган. «Кишилар яхшилик, бахт-саодат, қуёш нури, иссиқликни ёмонлик, бахтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарама-қарши қўйиб, бахт ўлкаси ва бахтсизлик ўлкаси деган мифларни яратганлар. Кўпчилик мифологик тимсоллар мана шу икки ўлка ва улар ўртасидаги кураш фонида гавдаланади.

Зардуштийлик китоби «Авесто» да икки яратувчи куч-яхшилик ва ёмонлик Ахурамазда ва Ахриман қиёфасида намоён бўлади. Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, ободончилик ва эзгу кучларнинг худосидир.

Ахриман барча ёвузлик ва ёмонликни бошқаради. У Ахурамаздага қарши чиқади ва ўзига қарашли девлар ёрдамида одамларга азоб уқубат, машаққат, кулфат келтиради. Ахриман зўр куч ва қудратга эга бўлсада, бироқ Ахурамазда каби ҳар нарсага қодир ва қобил эмас, шу сабабли ёмонлик кучлари яхшилик олдида доим мағлубиятга учрайди. Ёруғлик манбаи қуёш деб кўрсатилади. Қуёш нури инсонга ҳаёт бағишлайди. Олов эса қуёшнинг бир парчасидир. Шунинг учун ҳам инсон оловни муқаддас ҳисоблаб, оташкадаларда сақлар эди. Бундай оташкадалар Хоразмда, Жонбос қаълада топилган. Ўзбеклар орасида қуёшга-оловга эътиқод қўйиб, унга топиниш жуда қадимдан давом этиб келган. «Авесто»да *Митра*- қуёш ва ёруғлик худоси, *Нохит*- ободончилик ва фаровонлик худоси... *Хумо*- бахт, толе ва давлат худоси, *Анахита* ва *Хубби* (Фарғонада *Эр Хубби*) -

ҳосил ва сув худоси, *Миррих*- уруш ва ғалаба худоси, *Қаюмарс*- эзгулик худоси қилиб тасвирланган.

Ардвисура Анахита ҳақида мифлар «Авесто»да берилган бўлиб, Анахита забардаст, хушқомат, камарини маҳкам боғлаган, тўғри сўз, марҳаматли гўзал қиз сифатида намоён бўлади. У кишиларга куч-қудрат бахш этувчи, сувнинг мўл бўлишини таъминловчи маъбуда.

Қаюмарс ва Жамшид ҳақидаги мифлар Ўрта Осиё халқлари орасида қадимдан кенг тарқалган.»Авесто»да, Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли китобида Гайх Маретан деб юритилади. Ушбу мифнинг Беруний асаридаги баёнига кўра, Ахриманнинг ёмон қилмишларидан худо хайратда қолади. Унинг пешонасидан тер чиқади, У терни артиб ташлаганда, тер донасидан Қаюмарс тўкилади. Худо Қаюмарсни Ахриманнинг ёнига жўнатади. Қаюмарс Ахриман ёнига келиб, унинг елкасига миниб олади ва шу ҳолда дунёни айлана бошлайди. Ахриман хийла билан Қаюмарсни елкасидан улоқтириб ташлайди..

Мифда Қаюмарс ерда пайдо бўлган биринчи одам сифатида таърифланган. Қаюмарс яхшилик ва эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси ҳақидаги ибтидоий ишончнинг рамзий тимсолидир.

Жамшид ҳақидаги миф намуналари-Эрон ва Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган. Унда тасвирланишича у нажоткор қаҳрамон ва яхшиликнинг тимсолидир. «Авесто»да ҳикоя қилинишича, у адолатли подшо бўлган Ўша пайтда ер юзида қаҳратон қиш ҳам, жазирама иссиқ ҳам йўқ эди. Бироқ минг йиллик подшоликдан сўнг қаҳратон қиш бошланиб, кишиларга офат келтирди, яйловларни, ўтлоқларни сув босади. Жамшид шунда одамларни қутқара бошлади, катта тўғонлар куриб, ариқлар очди, кишиларни мол-мулкини асраб қолди. Бу афсона Жамшид номи билан «Шохнома» ва Алишер Навоийнинг «Тарихи мулки Ажам» асарларидан ҳам ўрин олган. Бундан ташқари Табарий, Беруний асарларида мазкур тимсол ҳақида маълумотлар келтирилган. Халқ ўртасида «Қиссаи Жамшид»нинг оғзаки ва қўл ёзма вариантлари кенг тарқалган эди. Демак, мифлар ва мифологик тимсоллар кўхна дунё қатламида муқаддас саналиб, халқ ўртасида оғиздан-оғизга ўтиб, қайта-қайта айтилиб келинган.

«Авесто»да тасвирланган худолар, паҳлавонлар тўғрисидаги афсоналарнинг ўзбек фольклорида вариантлари учрайди. «Одами Од» ҳикояси шу жиҳатдан ўзига хосдир. Бу ҳикояда инсоннинг зўр куч-қудратга эга бўлиш ҳақидаги орзу-умидлари ўз ифодасини топган. Мифда баён қилинишича ўтган замонда Нух пайғамбар бўйи булутга етадиган бир дурадгор устани чақириб, кема ясаб беришни сўрабди. Бу одамнинг оти Одами Од экан. У ниҳоятда баланд бўйли, кучли экан. У Нух пайғамбарни елкасига миндириб тоққа олиб чиқиб, тўртта катта чинор

олиб денгиз бўйига равона бўлибди, кемани битириб, одамларни кемага солиб, денгизга тушиб, ўзи кемани тортиб кетибди.

«Эр Хубби» билан боғлиқ бўлган мифлар Хоразм ва Фарғонада кенг тарқалган. Эр Хубби, Одами Од каби сув муаккили, марҳаматли қахрамон сифатида намоён бўлади. У етти юз йил даъвомида Амударёда яшаган. У балиқ билан овқатланган. Жамшид тахтга ўтиргандан сўнг Хубби домдараксиз ғойиб бўлган. Хоразмда Хуббиниёз, Хубби кўли, Бухоро воҳасида Хўжа Хуббон кудуғи номлари мана шу қадимий мифология билан боғлиқ.

Мазкур мифлар одамлар ўртасида аجدодларга топиниш, уни муқаддас деб билишга чақириш ва ниҳоят, унинг ёрдамига ишонтиришни ташвиқ қилган.

ҚАДИМГИ КАХРАМОНЛИК ЭПОСИ

Халқ орасида оғзаки ижод вужудга келиб, авлоддан-авлодга кўчиб юрган мифологик тимсоллар қахрамонлик типигаги эртак ва дoston қахрамонларини шаклланишида асосий замин вазифасини ўтайди. Дастлаб табиатнинг сирли кучларига қарши курашиб, кейинчалик ижтимоий моҳият касб этган хаёлий тимсоллар тимсоллар ривожланиб, ватанпарварлик ва қахрамонликни мадҳ этувчи тимсоллар даражасига кўтарилди. Бундай тимсоллар Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш, Алпомиш ва Гўрўғли каби қахрамонларни мисол қилиш мумкин.

«Тўмарис», «Широқ» афсоналарида тарихий воқеа ва ҳодисалар ҳикоя қилинади. Бу асарлар жангнома типигаги қадимги эпос намуналари ҳисобланади.

«Тўмарис» қадимги жанговар аёллар ҳақида яратилган афсона, бу афсонанинг ягона варианты «Ойсулув» достонидир.

«Широқ» афсонасида эса Доро (Эрон шоҳи) билан Шак қабилалари ўртасида юз берган жанглар ҳақида ҳикоя қилинади.

МАХМУД ҚОШҶАРИЙ- ФОЛЬКЛОРШУНОС ВА ЭТНОГРАФ СИФАТИДА.

Мустақиллигимизнинг дастлабки 15 йиллиги мамлакатимиз ҳаётида ҳам, халқимизнинг турмуш тарзи, дунё қарашида ҳам кескин бурилиш ясади. Халқимиз ўз аجدодлари тарихига ўтмишига эътибор билан қараб, миллий қадриятларни тиклашга ҳаракат қила бошладилар. Республикамиз Президенти И. Каримов «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли рисоласида ўзбек миллати азалдан ўз фикри-зикри ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат, юртимизнинг фидойӣ фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Истиқлол туфайли биз ўзимизни англадик. Биз бутун маънавий бисотидан жудо қилинаётган халқ эдик. Ўз миллий тилимиз, адабиётимиздан узоқлашиб бораётган эдик. Истиқлолнинг асосий қадриятларидан бири- халқимизнинг утмиш тарихи, халқ оғзаки ижодини урганиш ҳиссини кучайтиришдан иборат бўлди. Собиқ Шўролар даврида асрлар мобайнида тилдан-тилга ўтиб, авлодлар давомийлиги ва ворисийлигини сақлашга олтин халқа бўлиб келган афсоналар, ривоятлар, халқ қўшиқлари, халқ мақоллари, ёзма адабиёт умуман миллий маданий ёдгорликлар зўравонлик билан йўқ қилинди. Бугун барча йўқотилган, унўтилган қадриятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш, ўрганиш, халқимиз миллий анъаналарини тиклаш, буюк аجدодларимиз Абу Райҳон Беруний, Фаробий, ал Хоразмий, Маҳмуд Қошғарийларнинг меросини ўрганиш қайта тиклаш, ўрганиш пайти келди. Туркий халқларнинг халқ оғзаки ижодини авлоддан авлодга етказишда алоҳида урин тутадиган олимларимиздан бири, Ўрта Осиё халқларининг атоқли фарзанди Маҳмуд Қошғарийдир.

Маҳмуд Қошғарий XI асрда яшаб, туркий халқлар оғзаки ижодини тўплашда жонбозлик кўрсатиб, туркшунослик фанини асосчиларидан бири бўлиб, бу фаннинг ривожига улкан ҳисса қўшган олимларнинг устозидир. М.Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асари устида 15 йил тинимсиз ишлади, узоқ йиллар юртма-юрт кезиб манба тўплади.. Юқори Чиндан бошлаб то Моварауннахр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган ҳудудни бирма-бир кезиб чиқди. Бу ҳудудда яшаган уруғ ва қабилалар, халқнинг яшаш тарзи, касб-кори, турар жойлари, урф-одатларини, уларни тилларини синчиклаб ўрганди. Натижада, у шунча катта ҳудудда яшаган барча қабилаларни ва уларнинг тилларини жуда пухта ўрганди, мукаммал аниқлашга муваффақ бўлди. Девон ёзиш устидаги ҳаракатларини шундай изоҳлайди: «мен турклар, туркманлар, ўғизлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб

чикдим, луғатларини тўпладим, турли хил тил хусусиятларини ўргандим, аниқладим. Мен бу ишларни тил билмаганимдан эмас, балки бу ишлардаги барча кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса мен тилда уларнинг етуқларидан, энг катта мутахассислардан хушфаҳмлардан, эски қабилалардан, жанг ишларида уста найзаларидан эдим». М.Кошғарий тўплаган манбаалар ўша давр тилини ҳар томонлама ёритишга имконият туғдирган бўлса, иккинчидан, пухта илмий хулосалар чиқаришга ҳам йўл очган эди.

XI асрларда бир қанча илмий асарлар яратилган бўлса ҳам бизгача фақат «Девону луғотит турк» асари етиб келган. Бу асар ҳажми 3 жилддан иборат бўлиб, 18 ҳарфдан иборат бўлган турк «уйғур» алифбосида келтирилган Бизга девоннинг биргина қўлёзма нусхаси етиб келган. Қўлёзма Истамбулда сақланади. Девон 2 та асосий бўлимдан иборат-Муқаддима, Луғат қисм, туркий халқлар оғзаки ижоди ва ёзма адабиётига доир 300 дан ортиқ шеърӣ парчалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар ва лавҳалар берилган. М. Кошғарий халқ оғзаки ижоди намуналарида келтирилган сўзларни ҳам алоҳида тўплади, уларни ҳар қандай жанрларда қандай қўлланганлигини зўр чидам билан ўрганди. У халқ оғзаки ижодида фойдаланилган четдан келган сўзлар устида ҳам ўз қарашларини баён қилди. Турмушда ишлатилиб келинаётган асбоблар, ашёлар воситаси билан кирган сўзлар, турли хил хитой, рус, ҳинд кийимлари номлари, овқатлари номи, дорилар номига алоҳида тўхтайди ва изоҳлайди, улар ўрнига туркий тилда қайси сўзларни қўллаш мумкинлигини кўрсатиб ўтади. Халқ оғзаки ижодидаги-эртаклар, афсоналар, мақоллар, ҳикматли сўзларни тўплар экан уруғ, қabila масаласига алоҳида тўхталиб ўтади.

Девонда берилган меҳнат қўшиқларида меҳнат билан боғлиқ бўлган ўйинлар, кишиларни меҳнатга бўлган муносабати, меҳнат машаққатларини енгиллаштиришга, ҳордиқ чиқаришга, ёшларни меҳнатга кўниктиришга ва ўргатишга ёрдам бераётганлиги ифодаланган.

МЕҲНАТ ҚЎШИҚЛАРИ

Ов ҳақидаги қўшиқларда қадимги кишиларни овчилик санъатини, ов меҳнатига бўлган муносабати тасвирланади.

Чағру бериб қушлату,

Тойғон изиб тишлату.

Тилки, тўнғиз тошлату,

Ардам билан ўклатим.

Мазмуни: Йигитларга чағри (ов қуши) бериб

қуш овлайлик.

Ов итини(қушларни) изидан солиб

тишлатайлик,

Тулки, туғизларни тош билан урайлик.

Ютуқларимиз билан мақтанайлик.

Ов ҳақидаги бир тўртликда овчининг овдаги фаолияти, отда юриб, овчи итлар ёрдамида кийик тутиш ва ов маҳсулотини кўпайтиришга имнтилиши ифодаланган. Овчиларни бўриларга қарши кураши шундай тасвирланади:

Кеча туруб юрир эрдим,
Қара-қизил бўри кўрдим.
Қатиғи ёни кура кўрдим,
Қоя кўриб бақў оғди.

Мазмуни: Кечаси туриб кезиб юрар эдим,
Қора-қизил бўри кўрдим,
Бақувват ёйни (отишга) ҳозирландим,
(У) кўрқиб қоянинг орқасига яширинди.

Кишилар қадимдан ҳам овчилик, чорвачилик билан бирга деҳқончилик ва боғбончилик билан шуғулланганлар. Маҳмуд Кошғарий деҳқонлар ва боғбонлар, уларни машаққатли меҳнатлари ҳақида фикр юритиб улар касбини энг қутлуғ касб деб таърифлайди.

Йигитлари ишлату,
Йигач ямиш ирғату.
Қулан, кийик авлату,
Базрам қилиб авнвлум.

Мазмуни: Йигитларни ишлатайлик,
Дарахтлардан меваларни қоқтирайлик.
Кулон, кийтк овлатайлик,
(сўнг) байрам қилиб овунайлик.

ҚАҲРАМОНЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

«Девону луғотит турк»даги айрим адабий парчалар қабилалар ўртасидаги жанг эпизотларини ва қabila баҳодирларини мардона курашини тасвирлайди. Жумладан, қуйидаги тўртликларда ҳужум қилувчи томоннинг ҳарбий тактикаси ва жанг эпизоди тасвирланади. Ҳужум қилувчи томон иккинчи томонни ғафлатда қолдириб, қўққисдан ҳужум бошлайди.

Тунла билан кучалим,
Яшар сувин качалим,
Тарнчун сувин ичалим,
Юқға яғи ўкулсин.

Такра олиб акуралим,
Аттин тушиб юкаралим,
Арсланлаю кукаралим,
Куча анин кавилсун.

Мазмуни: Туни билан кўчайлик,

Ямар сувидан ўтайлик.
Чашма сувидан ичайлик,
Қочаётган душман тор-мор бўлсин.

(Душманни) атрофини ўраб қамал
қиламиз,
Отдан тушуб югирамиз,
Арслондек наъра тортамиз,
Уни кучини қуритамиз.

Бундай қўшиқлар баҳодирнинг қаҳрамонлиги, ҳарбий қурооллардан моҳирлик билан фойдаланиш ҳамда айрим жанг эпизодлари кўпгина баҳодирлар тилидан куйланади. Жанг тугагач ғолиб лар тантанага йиғилади. Баҳодирлар тақдирланади. Ҳамма «қочди сақинч савналим» («қайғулар кетдт, энди севинайлик»)- деб ғалаба ва шодлик таронасини бошлайди.

МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ

Девонда маросим қўшиқларининг марсия жанридан парчалар келтирилади. Бу марсияларда жанг майдонида баҳодирларча курашиб ҳалок бўлган қаҳрамонларга бағишланади. Уларда бу баҳодирликнинг мардлиги, жасорати, фидокорлиги ва бошққ фазилатлари мақталади, жудолик ҳасратлари, мотам қайғулари ифодаланади.

Алп Эр Тўнгага бағишланган марсия шулар жумласидандир, бу қаҳрамон эрон тилларида сўзлашувчи халқлардвa Афросиёб номи билан юритилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ва бошқа асарларида унинг афсонавий, бадиий тимсоли яратилган.

Алп Эр Тўнга марсиясидан бир парча келтирайлик;
Улушиб эран бўрлаю,
Йиртин яқа урлаю.
Сикриб уни юрлаю,
Сигтаб кўзи ўртилур.

Мазмуни; Мардлар йиғлаб бўридай увлашдилар,
Ёқаларини йиртиб бақиршдилар,
Фарёд чекдилар.
Қаттиқ йиғидан кўзлари хиралашиб,
парда босди.

Алп Эр Тўнга ўлдуми,
Эсизажун қолдиму,
Озлак очин алдиму,
Энди журак жиртилур.

Мазмуни: Алп Эр Тўнга ўлдими,

Ярамас дунё қолдими,
Дунё ундан ўчини олдими,
Энди юраклар у учун яраланмоқда,

МАВСУМ ҚЎШИҚЛАРИ

Девонда берилган оғзаки ижод намуналарининг кўпчилиги мавсум қўшиқлари ва табиат тасвири лирикаси жанрларига мансуб қўшиқлар сирасига киради. Бу қўшиқларда қадим засондаги кишиларнинг табиат ҳодисалари ҳақидаги тушунчаси ва бу ҳодисаларга муносабатини ифодалайди. Уларнинг табиат ҳодисмаларини яхши ва ёмон руҳлар билан боғлаш каби қарашлари йил фасллари ҳақидаги тушунчаларида ҳам яққол кўринади. Йилнинг бир фасли уларни шодлантирса иккинчи фасли ғоят ғам-ғуссага солади. Қиш фасли учун етарли озиқ -овқат, ем-хашак жамғара олмаганлар, қаттиқ қишда қийинчиликка дуч келса, ёз фаслига ижобий қараб, қишга нисбатан салбий муносабатда бўлганлар ва ёз фаслини қувонч билан қарши олсалар, қишни даҳшат ва мусибат келтирувчи фасл деб ҳисоблаганлар. Натижада қиш ва ёз фасли қўшиқларда бир-бирига қарама-қарши қўйилган.

Қиш ёй билан тўқишди,
Қинир кўзунуғ бақишти.
Тутиш қали яқишти,
Ўтғолимаёт ўғрашур.

Мазмуни: Қиш билан Ёз тўқнашди.

Қинғир кўз билан бир-бирига қарашди.
(Бир-бирини) тутиб олишга интилишди.
(Бир-бирини)ютишга тиришар эдилар.

Қиш билан Ёз мунозаралашиб, улардан ҳар бири ўз фазилатлари билан мақтаниб, иккинчи томонни камситади.

Масалан: Қиш Ёзга айтади.

Қиш ёйғиру сувланур,
Эр ат манин явруюр,
Иклар ема савриюр,
Атйин тақи тағришур.

Мазмуни:Қиш Ёзга қарши бақириб-чақириб
сўз бошлади:

Одамлар ва қорамолларнинг эти менда
пишади, мустаҳкамланади.
Менда касал камайади.
Одамларнинг гўшти қотади, ўзлари
қувватли бўлади.

Ёз эса Қишга шундай деди:

Балчиқ балиқ югурулуру,

Жиғай ёвуз йигрилур,
Аринчаклари уғрулур,
Ў зғич била авришур.

Мазмуни: Лой балчик ҳамма ёқни қоплайди,
Камбағал , юпин кишилар қийналиб,
машаққат чекадилар.
Бармоқлар совқотиб,
Оғиз ели билан (туфлаб) иситадилар.

Бу курашда қиш «енгилади», ёз ғалаба қозонади. Табиат гўё қайтадан жонланади, қирлар гиламга ўхшаш майса-кўкатлар билан қопланади, тоғлардаги қор- музлар эрийди, сувлар оқа бошлайди, турли-туман гуллар очилади, ер юзига чирой бағишлайди. Табиатдаги бу жонланиш кишиларни ниҳоятдаа завқлантиради, ёзнинг ғалабаси кишиларнинг ғалабасига айланади, кишилар ёзни ўз қўшиқларида куйлайдилар. Мавсум қўшиқлари кўпинча лапар айтиб, ўйинга тушиб ижро этилган. Туннинг қисқариб, кундузнинг узайиши бориши қоронғулик кучлари устидан ёруғлик кучларининг ғалабаси деб қаралган. Баҳор шодиёнаси анъаналари ривожланиб, Наврўз байрами тусини олади.. Бу байрамда қўшиқ ва ўйинлар билан бирга кураш ва масхарабозлик каби халқ ўйинлари ҳам кенг намоёиш этилади.

Девонда меҳнат қўшиқлари, маросим ва қаҳрамонликка оид қўшиқлар билан бирга ишқий, ахлоқий-таълимий шеърлар ва мақоллар ҳам бор. Бу қўшиқ ва мақолларда севги -садоқат, инсоний фазилатлар улуғланиб, кишиларни ор-номусли, мард ва шижоатли бўлишга ундайди.

Кўркинг тонуг ўзуна,
Татлиғ ошиғ азинқа,
Тутғил қонук ағирлиғ
Жазсун жавинг бузунқа.

Мазмуни : Кўркам, чиройли тўнинг ўзингга,
Ширин овқатингни бошқаларга ата.
Қўноқларни хурматла,
Токи шухратинг эл-юртга таралсин.

Қазған алиҳ тузумлик,
Қолсин жақинг яранқа.

Мазмуни: Номим ўчмасин десанг, яхши
хулқларни эгалла.

Асизлигинг анунма,
Тилга чиқар азгу сўз.

Мазмуни: Ёмонликка кўникма, фақат яхши

сўзлардан сўзла.

Қуйида берилаган мақол ва ҳикматли сўзлар узоқ ҳаёт тажрибаси асосида вужудга келган халқ донишмандлигининг ифодасидир.

Қуриқ қошиқ оғизга жарамас,

Қуриқ сўз қулоққа жақишмас.

(Қурук қошиқ оғизга ёқмас, қурук сўз қулоққа)

Сабанда сангдирали болса,

Ортиргўнга иртиш болмас.

(Ер хайдаш вақтида пухталиқ бўлса, хирмонда англашмовчилик бўлмайди.)

Девондаги қўшиқлар, мақоллар ва ҳикматли сўзлар кўпчилик олимларнинг, жумладан К. Броккельман, А.Фитрат, Т.Жалолов, С.Муталлибобоев, А.Қаюмовларнинг эътирофича уларнинг кўпчилиги бармоқ вазнидадир.

Хуллас, «Девону луғотит турк» даги қўшиқ, мақол ва ҳикматли сўзлар туркий тилларда сўзлашувчи халқлар билан бирга ўзбек халқининг ҳам кадимги муштарак адабий ёдгорлигидир.

АЛИШЕР НАВОЙИЙ ИЖОДИДА ХАЛҚ ОЎЗАКИ ИЖОДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг аждодларимиз томонидан яратилган миллий кадриятларни, урф-одатларни, тиклаш, буюк шоир ва мутафаккирлар ижодини ўрганишга киришилди.

Бугун Ўзбекистон миллий истиқлол ва мустақиллик йўлидан оғишмай олға томон бораётган бир пайтда ёшлар онгида миллий онг, мустақиллик

тафаккури ва миллий бирлик каби ғояларни шакллантиришда Мир Алишер Навоий ижодига мурожаат қилинмоқда.

Улуғ шоир ва мутафаккир А. Навоий ижоди ҳам, босиб ўтган йўли ҳам ҳамма учун ибратдир. Навоий фаолияти ва ижоди инсоннинг бахт-саодати учун курашга, илм-фан, санъат ва адабиётига бағишлади.

А. Навоий меросини ўрганишда биринчи манба унинг «Муншаот», «Вақфия», «Муҷолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн» каби асарлари, иккинчи манба ўзбек, тожик, туркман ва бошқа халқларнинг оғзаки ижодига кўпгина эртаклар, афсона, ҳикоялар, учинчи манба эса унинг замондошлари томонидан яратилган асарлари қимматлиги билан эътиборга лойиқдир.

Алишер Навоий асарлари билан танишар эканмиз шоир халқ ижодиётидан бевосита ва бавосита фойдаланганлигини кўрамиз шу билан бирга шоир асарларини яратишда турли манбалардан-тарих, тазкира, луғат, илмий ва бадиий асарлардан фойдаланганлигини, мукаммал билганини кўрамиз. А. Навоийга манзур бўлган фольклор асарлари туркий халқларнинг бадиий ижоди билан бирга, шу халқлар билан асрлар давомида яқин алоқада бўлиб келган форс-тожик, араб халқлари фольклори орқали антик дунё хусусан, Юнонистоннинг маданияти, санъати ва улуғ кишилари ҳақидаги латифа ва афсоналар билан ҳам яқиндан таниш эканлиги намоён бўлади. А. Навоий ўз асарларида хилма-хил манбалардан, турли ўлка ва халқларга мансуб бўлган ёдномалардан, санъат ва адабиётдан фойдаланганлигини ошкор ёки ишора тарзида бот-бот таъкидлайди. Жумладан, «Сабъаи сайёр»да туркий шу билан бирга Ироқ Ажам халқлари достони, нағма суруди ҳақида бундай дейди:

Ўнгда турки навоз уруб дoston,
Қўзғoлиб ҳар навода Туркистон.
Тортқон турк нағмасида суруд,
Оқизиб халқ кўзларидан рўд.
Сўл сори форси суруди нағам,
Фитнаи форс, бал Ироқу Ажам.

Улуғ шоир ва мутафаккир асotир (мифология) ва халқ афсоналаридан эртак ва қиссалардан, уларнинг сюжети ва композицияси, тимсоллар системаси, тил ва услуб бойликларидан баҳраманд бўлди. Халқ қахрамонлари тимсолини қайта ишлади, ўз асарларига фольклор мотивларини киритди, халқнинг санъаткорлик маҳоратини, услубини, тилини ижодий ўрганди. Шоир фольклор материалларидан фойдаланар экан, уларни айнан сақлаб қолишга интилади, баъзиларини қайта ишлади, ўзгартирди. Унинг асарларида қадимги мифология ва афсоналарнинг чуқур излари мавжуд. Миф ва афсоналар А. Навоийга қадар дастлабки, қадимги ҳолича эмас, балки қайта-қайта ишланиб, жуда катта ўзгариш ва янгиликлар билан етиб келди. Шоир миф ва афсоналар билан турли

манбалар орқали: қадимий китоблар, илмий асарлар, диний китобиёт ва бошқа манбалар орқали таниш эди. Бу борада у аниқ ва равшан маълумот беради. Масалан:»Тарихи мулуки Ажам»да Каюмарс ҳақида баҳс қилар экан, бундай дейди: «...Ўзга қабилалар Каюмарс дебетурлар. Маъниси ҳайи нотикдир, яъни тиригики сўз айтқай.»

Қисса, ривоят, эртақ, афсона айтувчиларни шоир «ровий», «ҳикоятчи», «қиссагўй», «қиссахон», «қиссапардоз» номлари билан атайдилар.

Алишер Навоийнинг «Хамса»си қаҳрамонлари тарихий ёки ярим тарихий-ярим афсонавий шахслар ном билан боғлиқ, шу билан бирга, улар соф афсонавий, фантастик бадиий тўқима тимсоллардир. Улуғ шоир асарни яратишда халқ афсоналари, қўшиқлари, эртақлари, мақол ва ҳикматли сўзларидан моҳирлик билан фойдаланди.

«Ҳайратул-аброр»да фақат халқ мақолларидан эмас балки, халқ оғзаки ижодиётининг бошқа жанрларидан ва усулларидан ҳам фойдаланган. Масалан, «Ҳотами Той», «Шер билан Дурроҷ», «Искандар» каби ҳикоя ва масалларида халқ оғзаки ижодига хос усулда баён этиб, шу билан бирга халқ қўшиқларидан намуналар ҳам келтиради. «Фарҳод ва Ширин» достонини яратишда тарихий асарларга айнақса, халқ оғзаки ижодига мурожаат этиб, халқ орасида турли ватанпарварлик ғоясидаги эртақ ва афсоналардан фойдаланган. Достонда Фарҳоднинг аждарга қарши кураши, Аҳрамоннинг енгиши, Искандар тилсимини очиши, денгизда қароқчиларга қарши кураши каби воқеалар тасвири халқ эртақлари ва афсоналаридаги воқеаларга ўхшаб кетади.

«Хамса»да берилган «Лайли ва Мажнун» достонидаги Мажнун тимсолини келтирилиши 8-аср бошларида пайдо бўлган Мажнун ҳақидаги айрим ривоятлар сабаб бўлган. Лайли ва Мажнун ҳақида биринчи марта 1188 йилда улуғ Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий достон яратди. Навоий эса халқ ривоятлари, ҳикояларини қайта ишлаб ўзига хос кўринишдаги бу достонни яратди

Кўп сўз ясоди Лайли Мажнун сўзида халқ,

Эрмас начуқки ҳуснунгу ишқким афсонаси.
А.Навоий лирикасида ҳам, достонларида ҳам халқ оғзаки ижодиётига мурожаат қилади. Айрим асарлар, айрим асар қаҳрамонларининг номини зикр қилади., халқ ижодининг сеҳрловчи хусусиятларини таъкидлайди, ўз асарлари билан қиёс этади;

Ровиё бахрларидин манга йўқтур кеча уйқу,

Қиссаи Ҳамза дегил гоҳию гаҳ қиссаи Юсуф.

ёки

Дема ровиё эрур Фарҳоду Мажнун қиссаи муҳлик,

Ани алқисса бир «долу алиф» бил достонимдин.

ёки,

Шоми ҳажрим шарҳи элни беҳуд этса не ажаб,

Уйқу келтирмакдурур хосият афсонанинг.

«сабъаи сайёр»нинг 7-ҳикояти. Хоразмлик машшоқ Кофур уйқусиз Баҳром хузурида. У Дилором ҳақида ҳикоя бошлайди, Баҳром «ғойибдан нишон» топади.

Сўзга бергунча қиссагўй анжом,
ўйибдин нишон топиб Баҳром.

Хуллас, халқ қиссалари ва эртакларига эътибор, улардан ижодий фойдаланиш адабий ҳаётда ижобий бир ҳодисадир А.Навоий қиссагўйларларни қадрлайди.

А.Навоий халқ поэтик ижодиётини билмаган ёки уни менсимаган, халқ шеъриятидан таълим ва баҳра олмаган нозимларни қаттиқ қоралайди, танқид қилади. Бу жиҳатдан хусусан «Ҳайратул аброр»нинг муқаддима бобларидан бўлган 15- боби диққатга сазовордир. Боб шундай номланади: «Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаки маъни жони дудурким, сўз қолиби онсиз қолибе дурур жонсиз» деб қиссагўйларларни қадрлайди.

А.Навоий халқ поэтик ижодиётини билмаган ёки уни менсимаган, халқ шеъриятидан таълим ва баҳра олмаган нозимларни қаттиқ қоралайди, танқид қилади. Бу жиҳатдан хусусан «Ҳайратул аброр»нинг муқаддима бобларидан бўлган 15- боби диққатга сазовордир. Боб шундай номланади: «Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаки маъни жони дудурким, сўз қолиби онсиз қолибе дурур жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши топилмас ва аҳли газоф ноинсофлиғига мунсиф бўлмоқ, балки ўз газофига инсоф бериб, аларни узрини килмоқ».

А.Навоий «Мезонул-авзон»да халқ шеърияти, маросим қўшиқларининг энг қадимий турларидан бўлган «чанг» (ёр-ёр) ҳақида шундай ёзади:

«Яна «чанги»дурким, турк улуси зуфоф ва қиз чиқаур туйларида ани айтурлар, ул суруддедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъи бир байт айтилурким, мунсарихт матвийи бахридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрнига, мазкур қилурлар, андоқдурким, байт:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр.

Ким, дамидин тушти ёт жоним аро, ёр-ёр.

«Садди Искандарий» достонида Искандарнинг тўйи муносабати билан шоир лирик хотимада соқийга мурожаат қилиб «ёр-ёр» айтади;

Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,

Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг.

Десанг сенки: жон қардошим, ёр-ёр.

Мен айтайки: мунглуғ бошим, ёр-ёр.

«Садди Искандарий» достони Навоий яшаган даврнинг энг муҳим масалаларига бағишланган дostonлиги сабабли шоир бу асарини юксак баҳоланишига ишонади. Чунки, Навоий асарни яратишада айниқса, халқ мақолларига, халқ таъбирига, ҳикматли сўзларга эътибор беради. Шоир

халқ мақолларидан айримларини айнан келтиради ёки уларни мазмунини сақлаган ҳолда шаклан шеърӣ мисраларга мувофиқлаштиради.

«Ҳай-ҳай ўланг» янги моҳиятга эга бўлиб шу кунга қадар яшаб келмоқда. Мана шу кунда айтилаётган ёр-ёрлардан намуналар:

...Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,,,
Сочиқ келди, ёр-ёр,
Сочиқ келди.
Ўқимишли келин болам
Очиқ келди, ёр-ёр,
Очиқ келди.

Бу халқ шеърӣяти ва санъатининг замонлар оша яшаши ва анъаналарини янги мазмун ва шакл билан тўлдириб, бойитиб боришини кўрсатади.

Улуғ шоир халқнинг ижодий куч-қудратига, унинг санъаткорлик даҳасига чексиз меҳр қўйди, ундан маънавий, бадиий илҳом олди. Халқ тилининг сеҳрли кучи, халқ оғзаки ижодининг бойлиги А.Навоий асарларини бойитди. Шоир ўз асарларида ўзбек тилининг лексик бойлигидан матал ва мақолларидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берди. У халқ тили, унинг бойликлари ва гўзаллигини тўлароқ мужассамланган фольклор тилидан, унинг анъаналаридан кенгроқ фойдаланди. Шу сабаб, унинг асарлари асрлар оша ўқилиб, ўрганилиб келинмоқда.

7-МАВЗУ: МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ.

Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш тарзи, урф-одатлар, маросимлар, билан боғлиқ равишда жуда кўп қўшиқлар яратилган. Маросимлар, одатлар турли туман бўлганидек, буларга бағишланган қўшиқлар ҳам хилма-хилдир. Қўшиқлар халқнинг оилавий байрамларини. Маросимларини безаб келган. маросим байрамларида кишилар ўйин-кулгу қилганлар., дам олишган, янги меҳнат фаолиятига илҳомланганлар.

Киши ҳаётидаги биринчи қўшиқ, бу меҳрибон она алласидир.

АЛЛА

Аллалар-бешиқ қўшиқларининг кенг тарқалган анъанавий жанри ҳисобланади. Жаҳонда бирор халқ ёки миллат йўқки, уларни тилида алла куйланмаса. Русларда «байки», «баюшки», туркманларда «хувдилар» озарбайжонларда «лай-лай», татарларда «алли-балли», атамалари билан машҳурдир. Алла қўшиқлари ижтимоий-эстетик қимматига кўра икки вазифани бажаради: биринчиси болаларни ухлатиш, («алла» сўзининг луғавий маъноси ҳам аллалаш-овутиб, авайлаб ухлатиш)дан иборат. Бундай аллалаб овутиш ёки ухлатиш куйлаш жараёнида намоён бўлади. Худди шу аснода иккинчи вазифаси-тарбиявий-эстетик моҳияти намоён бўлади. бу

болани куй оғушида ҳаёт билан таништириш. Алла кўшиқлари бола тарбилашда фақат Марказий Осиёдагина эмас, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшовчи халқлар орасида муҳим аҳамият касб этган.

Туркий халқлар ўртасида «балу-балу» номи билан юритилганлигига оид маълумотларни М.Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида ҳам келтириб ўтади. Алишер навоий ҳам Фарҳоднинг бешикдаги аҳволини шундай тасвирлайди:

Аруси чарх тун-кун доя кирдор,
Бўлиб ҳар таври ҳолидин хабордор.
Бешик даврида чинию хитойи
Бўлуб юз нўш лаб дoston саройи.
Кўзининг нози элдин элтиб уйқу,
Анга уйқу кетурмакка навоғў.

Шоир алла айтувчини «навоғў» дея таърифлаётир. Чунки, ўша даврда олий табақаларда бола тарбияси алоҳид энагалар томонидан амалга оширилганлиги туфайли улар орасида аллагўйлик-навоғўйлик маълум даражада такомиллашганлигини эътироф этади..

Аллалар одатда бола уч ёшга етгунча айтилади. Аллаларда онанинг меҳри дарёлиги, бағри кенлиги, меҳрибонлиги акс этиб туради. Баъзи аллаларда болани ўраб олган мўҳитнинг ифодаси бўртиб туради., рус халқи аллаларида болани уни ўраб олган муҳит билан таништиришга кўпроқ эътибор қаратилади ва турли-туман кушлар, ҳайвонлар поэтик мақтовиди уларнинг ҳам салбий, ҳам ижодий хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилинса, ўзбек халқи аллаларида эса, асосан, бешик ёки беланчакнинг мақтови билан чекланганлар ҳайвонлар, кушлар ва ҳашоратлар поэтик таърифидан таркиб топган аллалар йўқ ҳисоби. Аммо, ўзбек аллаларида ҳайвонларнинг болалари, кушлар номи билан алоқадор эркалаш оҳанги бор: болалар қўзичоққа, тойчоққа, бўталочқа, булбулга, лочинга қиёсланиб эъзозланади. Бундай қиёслаш аслида ўша жониворларга бўлган самимий муносабатлар замирида табиийлик касб этган.

Булбул кушнинг боласи,
Алла, қўзим, алла.
Дарахт бўлар уяси,
Алла, болам, алла.

ёки: Булбул сайрар ёзина, алла-ё алла.
Қуллуқ куш овозина, алла-ё алла.
Маним булбул шу ўғлим, алла-ё алла.
Қулоқ қўйсин овозима, алла-ё алла.

Аллачиликнинг энг такомиллашган намунаси воқеабанд аллалар бўлиб, бундай аллалар ягона сюжетга бўйсунган, ҳаётий воқеаларнинг бирор лавҳаси натижасида вужудга келган кайфиятлар тасвирини беради.

Воқеабандлик хусусиятларини юмористик аллаларда, шунингдек, йиғи аллаларида ҳам кўриш мумкин

Паст-пастгина тепадан
Тойдим тушдим-о, алла,
Қўлимга қайчи олиб-о,
Сенга қўзичоғим-о,
Чопон бичдим-о, алла.

Пароканда аллалар ўзбек оналари алласида кўп учрайди. Уларнинг муҳим хусусияти- ягона сюжт асосида қурилмаганлиги. Ҳар бир пароканда банд ўзича мустақил тугал мазмунга эга. Лекин бундай мустақиллик фақат ташқи белги, чунки мазмун мантиқи, барибир болага қартилганлиги бандларни ягона бир ипга тизади, буни вазн, қофия, радиф ва ҳатто нақарот каби бадиий-тасвирий компонентлар кучайтиради.

Сахарлар ўйғонарман,
Туриб санга суяарман.
Суянганим сан ўзинг,,,.
Раҳм қил манга, қўзим,
Алла-ё алла.

Бола учун алланинг сўзи эмас, куйи ёқимли. Чунки у ҳали сўз англамайди. Алладаги сўзлар эса она учун муҳим улар- она қалбининг нидолари. Алла қўшиқларининг бир кўриниши ҳэялар бўлиб, уни асосан эркаклар куйлашади. Шу сабабли ҳэялар эркаклар алласи дейишади. Ҳэялар чорвачилик билан билан шуғулланувчи ўзбеклар орасида кенг тарқалган. Зотан аёллар уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлганда болани овутиш, ухлатиш эркаклар зиммасига тушган. Шундай кезларда оталар ёки бободар болани тиззалари олиб, тебратиш мувозанатига мос оҳангда ҳэя айтиб ухлатганлар, овутганлар.

Ҳэя, болам, ҳэянг қани?
Буванг берган туянг қани?
Буванг берган туянг бўлса,
Боқиб юрганларинг қани?

ёки: Болам, сенам ботирим,
Чопиб келаётирим,
Чўпон бўлсанг қўйларга,
Боқарсан ўтлоқ-сойларга,
Ҳэя, болам, ҳэя.

Ўзбек аллалари халқ этнографияси ва этнопедагогикасини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Уларда болалик билан боғлиқ қатор расм-русумлар ифода этилган.

Ё, РАМАЗОН

Турли урф-одатлар, маросим ва иримлар билан боғлиқ бир канча кушиқлар яратилганки бунга «Ё, рамазон», «Барот келди», «Сафар кочди», «Бадик», «Бука-букавой», «Суст хотин», «Бойчечак» кабиларни курсатиш мумкин. Шулардан «Ё, рамазон» эски йил календаридagi рамазон ойидagi болаларнинг (илгариги замонларда катталарнинг ҳам) ховлима-ховли юриб айтадиган кушиқлар эди. Сиртдан караганда, «Ё, рамазон» диний мазмундаги кушиқларга ухшаса-да, уларга хонадон эгасига фарзанд куриш истаклар, уларнинг сахий булиши ёки бахиллиги каби мотивлар устунлик қиладилар. «Ё, рамазон» кушиқлари ижро этилганда, унинг таҳлили равонлиги, енгил юмор билан кўпчилик бўлиб айтилиши кўзга ташланади. болалар уйма-уй юриб, борган хонадонларига яхши ниятлар билдирилган кўшиқлар ижро этиши бугунги кунда ҳам учрайди.

ТЎЙ КЎШИҚЛАРИ

Тўй жуда қадим замонлардан бери кишилар ҳаётида муҳим воқеа бўлиб келган. Халқнинг маънавий бойлиги тўй-томошаларда намоён булган. Тўй маросимлари- бешик тўйи, хатна тўйи, ёш тўйи, уйланиш тўйи сингари хилма-хил бўлганидек, унинг кўшиқлари ҳам турли тумандир

«ЁР-ЁР» КЎШИҚЛАРИ.

Киз узатар кечасида айтиладиган кўшиқлардан бири «ёр-ёр»лардир. «Ёр-ёр» кўшиқлари муסיқийлиги, маълум чўзиқ оҳангда кўпчилик бўлиб куйланиши, нақоратлари билан ажралиб туради. «Ёр-ёр» кўшиқларида асосан қиз ўстирган ота-онанинг таъриф, орзулари, узатилаётган қизнинг мадҳияси- гўзаллиги, чеварлиги,. Қизга турмуш ҳақидаги насиҳатлар, ўниб-ўсиши, серфарзанд бўлиши ҳақидаги тилаклар ташкил қилади. «Ёр-ёр» кўшиқлари республикамизнинг ҳамма ерида ҳам кенг тарқалган ва асосан аёллар ижро этишади. Айрим жойларда эркаклар томонидан ҳам айтилиши мумкин. Келин салом. Келинчакни куёвнинг якин қариндош-уруғлари билан таништириш маросимида келинсалом ёки беточар кўшиқлари айтилади. Анъанага кўра кайвони (дастурхончи) келинни тушадиган уйга

дарвозадан олиб киришдан бошлаб айтади. Уй эгалари, тўйга келганлар эса «алик салом» деб жавоб қайтарадилар. Бухоро ва Самарқанд вилоятида анъанавий «саломнома»лар ўқилади. «Келин саломда» кайвони куёвга қайната, қанана ҳамда тоғалари, аммалари, холаларига салом берганда таъриф-тавсифлар орасида ҳазилнамо гапларни қўшиб чатиб юборади. «Келин салом»га қатнашган аёллар бундан роҳатланиб, куладилар. Танқидий ҳазил ҳам, кулги ҳам беғубор, бундан ҳеч ким хафа бўлмайди. Аслида «Келин салом»да айтиладиган қўшиқлар аввалдан ижод қилинган эса-да, кайвони тилидан гуё янги келиннинг қариндошлари табиатига мос тушадиган қилиб, ҳозиргина ижод қилингандай туюлади. Кўп ерларда «Келин салом» уч сатрдан, Фарғона водийсида тўртликлардан ташкил топади. Асосан, аввалги икки сатр ўзаро кофиядошдир.

Кайвони: Боғ орқасидан йўл берган,
Хамёнидан пул берган
Қайнатасига салом.

Аёллар: Алик салом.

Кайвони: Сув кечгани эринган,
Уғил туғиб керилган,
Қайнанасига салом.

Аёллар: Алик салом.

Кайвони: Арикдаги зулукдай,
Қоши-кўзи пиликдай,
Қоқиб қўйган иликдай,
Овсинига салом.

Аёллар: Алик салом.

Кайвони ҳазиломуз келин саломларни бирваракай тўкиб, одамларни кулдириб, айтаверади. Берилаётган тавсифлар номи тилга олинган кишини тўла тасаввур этишга ёрдам беради:

Томга босган буйрадай,
Ўўзадаги печакдай,
Юришлари тўрадай,
Қайрилмачоқ гажакдай,

Куёв йигитга салом.

Очилган гул печакдай
Қайнэгачисига салом.

Айрим ерларда келинга қариндош бўлмиш кишиларнинг, шунингдек, тўйда астойдил хизмат қилганларнинг номлари бирма-бир айтилади:

Боқувдан чиккан отдек,

Икки бети банотдек,
Ҳабибуллога салом.

Яна халқ орасида куёв томонидан келин томонга атаб, шунингдек, келинникига куёв навкарлари билан келганларида қиз томонидан айтиладиган «хуш келибсиз», шунингдек, «Тўй муборак» қўшиқлари ҳам бўлиб, улар ҳозир ҳам кенг тарқалган.

ЙИҒИ-ЙЎҚЛОВЛАР

Қадрдон кишисининг вафоти муносабати билан аёллар томонидан йиғлаб айтиладиган аза, йиғи, йўқлов, айтим, бўзлов кикларида марҳумнинг энг яхши сифатлари йўқланади, шафқатсиз ўлим туфайли бошга тушган мусибат, жудолик дарди ғам-алам билан изҳор этилади. Йиғиларни бошловчилари бўлади. Буларни гўянда ёки йиғичи дейилади. Ҳар бир тўртликдан сунг аёллар бир оҳангда «ув» тортиб

ЛАПАР

Ўзбек маросим фольклорида оилавий маиший маросимлардан бири никоҳ тўйи билан боғлиқ фольклор намуналари ташкил этади. Никоҳ тўйи маросимлари ва унинг фольклорини бойдир. Никоҳ маросимлари билан боғлиқ равишда жар (чорловлар), улан, лапар, ёр-ёр, келин салом, куёв салом, тўй олқишлари каби мустақил фольклор жанрлари мавжуд. Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида ижро этиладиган, лапар жанрлари ва унинг хусусиятлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Лапарлар никоҳдан бир-икки кун олдин келин бўлиб тушадиган қизнинг уйида ижро этилган. Бу маросим турли ерларда «Киз окшоми», «Кизлар мажлиси», «Киз оши», «Лапар кечаси», «Кизлар базми», «Лапар туйи» каби турли туман номлар билан юритилади. Лапар тўйи тадбири тўй маросиларининг никоҳларгача бўлган таркибий қисми ҳисобланади. Одатда кизнинг (келиннинг) янгаларидан бири махсус ясатилган отга миниб, орқасига 11-12 ёшли болани мингаштириб, ёки пиёда ҳолда қишлоғи ва тўйдош яқин қишлоқларни айланиб, лапар кечасига хабар қилади. Бунда ашулачи, ўйинчи, лапарчи қиз жувонларни таклиф қилишга алоҳида эътибор берилади. Йигитлар ва ёш яланлар қизлар базмининг охирида, яъни унинг лапар айтишиш қисмида иштирок этадилар. Қиз билан йигитлар тарафма-тараф туриб, ошиқона ғазал-байтлар айтишганда, худди сўз билан тортишмачоқ ўйнагандай бўлади. Бу базмда қизлар ва йигитлар томонидан икки киши сал олдинга чиқиб лапар айтишади. Одатда, туйга атаб, қизнинг отаси икки-уч жуфт кавуш олиб қўяди. Лапар айтувчи шулардан бир пойини ушлаб туриб лапар бошлайди ва қизлар тўдасидаги лапарчи қизга узатади. Улар ҳам ўз навбатида лапар билан жавоб бериб, ҳалиги бир пой кавушни рўпарадаги лапарчи йигитга олиб келиб беради. шу тариқа янгидан-янги лапарчилар уртага тушаверади.

Лапар билан қиз ва йигитлар бир-бирларига муҳаббат изҳор этиб, танишган ва аҳди-паймон қилишган. Ўз юрак дардларини музикасиз маълум оҳангда ашула қилиб айтишган. Борди-ю лапар айтаётган йигит билан қиз бир-бирин ёқтириб қолса, лапар айтиб туриб бир-бирларига совға беришган. Масалан, йигитлар кўпинча кавуш билан бирга танга, сўм берсалар, қизлар қийикча, даструмол, атир, совун ва шу каби нарсаларни кавушнинг ичига солиб қайтаришган.

Қиз базмида кўпдан бери айтилиб келинган лапарлар такрор айтилар ва янгилари ҳам ижод қилинади. Одатга кўра, базмдан аввал зиёфат берилади, машъала ёқилади, сунг ўйин бошланади, кейин лапарга ўтилади.

Лапар Тошкент атрофи туманларида, Жанубий Козоғистон ўзбеклари орасида кенг тарқалган. Лапарни кўп билувчиларни лапарчи деганлар. Айрим тўйларга махсус лапарчилар ҳам чақирилган.

Лапарчиларда кўпинча ҳазил-мутойиба, пичинг, қочирик,

8-МАВЗУ; МЕҲНАТ, МАРОСИМ ВА ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ. МЕҲНАТ ҚЎШИҚЛАРИ

Меҳнат қўшиқлари халқ шеърятининг энг аввалги турларидан бири бўлиб, уларнинг яратилиши ва ижро этилиши кишиларнинг меҳнат жараёни билан боғлиқдир. Дехқонлар, ҳунармандлар ишлаб туриб қўшиқ айтганлар. Қўшиқ уларнинг меҳнатларини енгиллатган, айрим сўзлари, ундов нидолари кўпчилиқни баравар ҳаракат қилишини уюштирган. Шу сабабдан қўшиқдаги сўзлар, вазн, қофия ихчам, аниқ бўлган. Айрим сўзлар вақти-вақти билан такрорланиб, ҳайқирик, чақирик, шикоят ва мамнунлиқни билдирувчи нидолар алоҳида оҳангда айтилиб турилган.

Меҳнат қўшиқлари мазмунан деҳқончилик, боғ ва боғдорчилик, чорвачилик, овчилик, ҳунармандчилик ва бошқа касбларга хос хусусиятларни акс эттиради. Меҳнат турлари хилма-хил бўлганидек, меҳнат қўшиқлари ҳам турли-тумандир. Деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқларга қўшчи, ўрим, хирмон, янчиш, ёрғичоқ қўшиқлари киради.

ҚЎШЧИ ҚЎШИҒИ

Қаҳратон қишдан бола-чақаси билан толиқиб чиққан деҳқон баҳор келиши билан ер ҳайдашга киришади. Табиат жонланган, хушхаво, бироқ унинг ҳўкизи ишга ярамайди-улгудай оч, мадори куриган. Деҳқон илк баҳордаги ночор аҳволини ҳўкиз тилидан шундай тасвирлайди.

Шохларим қлоч-қулоч,
Йўқ мадорим, корним оч,
Тепамда кўнган калдирғоч,
Мен қайтиб қўшга ярайман.

Қўшчи қўшилари ёлғиз қўшчининг ўзи томонидан баланд овоз билан, баъзан хиргойи қилиб ижро этилади. Уларда деҳқоннинг ҳаёти, иш ҳайвонга муносабати тасвирланган.

ЎРИМ ҚЎШИҒИ

Ўрим қўшиқлари ҳосилини ўриб-йиғиб олаётган деҳқон ўроқчилар гуруҳи томонидан ижро этилиб, қўшиқда деҳқоннинг умиди рўёбга чиқаётгани, кўтаринки руҳ билан ишга киришаётгани баён қилинади. Деҳқоннинг юрагида куч-ғайрат жўш уради. У ғаллани тезроқ уриб, ғарам қилиш ниятида:

Ўроғим олмос,
Уришдан қолмас,
Сира ҳам толмас,
Урмасам бўлмас.

Ўроқчи қўшиғида нақарот ўрнида келадиган қўйидаги тўртлик деҳқон тилидан такрорланиб, тўқлик, маъмурчиликнинг кадр-қиммати, меҳнаткаш инсон улуғлиги таъкидланади, ҳалол меҳнатнинг унумидан ғам-ғусса, муҳтожлик, қашшоқлик унутилгандай бўлади.

Ўужмоқи буғдой,
Донгинанг тўқ-ай.
Тўп бўл, ўрайлик,
Хўпда кўрайлик.

Ўроқчи қўшиқларига меҳнат жараёнига билвосита алоқаси бўлган қўшиқлар ҳам киради. Масалан: деҳқонлар арпа, буғдой ўраётганда, ҳашар қилишганда ўроқчилар орасига бир ашуланини ўтказиб қуйишган. У лирик дostonлардан парчаларни баланд овоз билан айтиб турган. Шундай асарлардан бири «Ёзи билан Зебо» дostonидир севги ва садоқатдан баҳс этувчи, бошдан охиригача киз билан йигитнинг савол-жавобидан ташкил топган, ҳазил-мутойибадан иборат бу лирик халқ дostonи тингловчиларни ғоят завқлантирар, саратондаги оғир қўл меҳнاتини енгиллаштиришда маънавий озиқ берар эди. Бунда «Ёзи билан Зебо» дostonи тўла ижро этилмаган, балки ундан лирик парчалар қуйланган. Дostonдан олинган

парчаларни куйловчиларни «Ёзичи», «ёзигуй» дейилган. Ёзигуйлар ўрим майдони ўртасида уўириб, баланд овозда созсиз куйлаганлар, нақаротларига ўроқчилар жўр бўлиб турган.

ХЎП МАЙДА

Хирмон янчиш вақтида деҳқонлар томонидан айтиладиган қўшиқлар «хўп майдаё» ёки «майдагул» деб юритилади. Хўп майда баланд овоз билан чўзиб айтилади. Уларда деҳқоннинг ҳосилини йиғиштириш, рўзгор тирикчиликни таъминлашга интилиш, хўкизнинг - ишчи ҳайвоннинг деҳқон ҳаётида ғоят катта ўрин тутиши унга бўлган муҳаббатини тасвирлаш билан кўрсатилади: шунинг учун хўп майда қўшиқларида хўкизнинг тавсифи, унинг туёғидан шохигача бўлган тасвири бурилади.

Айри-айри туёққа, майда-ё-майда
Айри наҳал ярашар, майда-ё-майда
Жилвираган қулоққа, майда-ё-майда
Тилла сирға ярашар, майда-ё-майда

«Кўзлари ёнган чироқ», «кўзлари бор ойнадай», «шоҳларининг бор чамбарак» каби жонлантирилган тасвирларнинг деҳқон тилида айтилишича ажиб ҳикмат бор, иш ҳайвони унинг мададкори, суянган тоғи; тирикчилиги; рузгорнинг бутлиги, очлиги ва туклиги-бари шунга боғлиқ. Ҳайвоннинг таъриф-тавсиф этилишининг қувноқ руҳий ҳолати, меҳнат қилиш иштиёқи, иккинчи томондан, хирмон янчиш ритми, иш жараёни акс этади. Хирмон қўшиқлари кўп айтилганидан сўзлари қуйма, пишиқ бўлади.

Хўп майда қўшиқлари ижтимоий мотивлари билан ажратиб туради. Одатда «уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» бўладиган текинхўрлар-оқсоқоллар, бойлар, солиқчилар, судхўрлар, мулла эшонларнинг айни донни сомондан айириш вақтида хирмон устида келиб камбағал деҳқоннинг шўрини қуритганлигини, бор ҳосилни талаб олиб кетганлигига нисбатан халқнинг ғазаб-нафрати чексиз бўлади.

Қора-қора қарғалар, майда-ё-майда
Кўрни кўрса йўрғалар, майда-ё-майда
Уйинг куйгур дарғалар, майда-ё-майда
Хирмонни кўрса йўрғалар, майда-ё-майда
Майда қилгин уватиб, майда-ё-майда
Сенсан менинг қувватим, майда-ё-майда
Келаётир эшонлар, майда-ё-майда
Дасторини чуватиб, майда-ё-майда

Хўп-майда кўшиқларини ижро этишда кўпинча «ҳей майда, ҳей», «майда-ё майда», «ҳа, хўп, хайда» сингари нидолар ҳар мисра охирида ёки икки мисрадан кейин шундай нидоли сатрлар нақорати қилиб айтилади. Булар тўртликни бир-бирига муҳим роль ўйнайди. Кўшиқда учрайдиган «сакраб-сакраб хайдагин», «йўртиб-йўртиб хайдагин» сатрларида иш хайвонининг илдам юриши, хирмонни тезроқ янчиши деҳқонни севинч туйғулари билан қўшилиб, руҳий кўтаринкилик ҳосил қилади. Хирмон кўшиқларида умид ва хурсандчилик бағишловчи сатрлар кўп. Негаки, деҳқон оғир ва машаққатли кунлар орқада қолганлигини кўриб турибди. Шундай пайтда деҳқон ўзининг хирмон барака тилайди. Афсонавий Бобо деҳқонни ўзининг хирмонига барака чорлайди:

Майда-майда маросим, майда-ё-майда
Дон самондан арисин, майда-ё-майда
Айни саҳар бўлганда, майда-ё-майда
Бобо деҳқон дорисин, майда-ё-майда

ЁРҒИЧОК КЎШИҚЛАР

Ёрғичоқ кўшиқлар деб аталган қўл тегирмонини куни буйи айлантериш машаққатли меҳнат. Бугдой, арпа, жўхори, тариқни ун қила туриб айтиладиган кўшиқ меҳнат кишисига ҳамроҳ. Оғир тошнинг гулдираб, бир жойда айланиб туриши оҳангида тўкилган кўшиқлар ҳам вазмин, ҳам чўзиб айтиладиган бўлади:

Ёрғичоқ торта-торта толди қўлим
Икки тош орасида қолди қўлим.

Ёрғичоқ кўшиқларида меҳнат унумининг пастлигидан нолиш мотивлари маъюслик билан баён этилади.

Ёрғичоқ ялпоққина
Ун қилар оппоққина
Ёрғичоқ хир-хир этар
Муштдакқина хамир этар.

Чўл даштларда, қир адирларда яшаган чорвадор, деҳқон халқимиз, хусусан, мазлум хотин-қизлар қўл тегирмонида ишлаб туриб, муҳтожликда яшаши, кун кечиришнинг оғирлиги ҳақидаги мунгли қўшиқлари тукилган. Ёрғичоқ қўшиқларда ҳам меҳнат аҳлининг дард-ҳасратлари, тақдирдан, золимлар зулми азобларидан кучли норозилик кайфиятлари баён этилади.

СОҒИМ ҚЎШИҚЛАР

Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар ичида соғим қўшиқлари кенг тарқалган.

Соғим қўшиқлари: Сигир, қўй, эчки, бия, туяларни соғишда эркалаш оҳангида айтиладиган қўшиқларни соғим қўшиқлари дейилади. Сигир соғиш билан боғлиқ қўшиқлар - «хўш-хўш» ёки «хўшим» дейилади. Улар ҳам бошдан-оёқ говмиш сигирга мурожаат шаклида тўқилган бўлиб, сутли сигир меҳнат аҳли рўзгорини тукин қиладиган хазина деб ардоқланади, соғиш пайтида силаб-сийпаб айтилган қўшиқ говмишни ийдиради:

Саралаб единг ўтингни, хўш-хўш
Ийиб бергин, сутингни, хўш-хўш
Олмазор булоқ ўтинг бор, хўш-хўш
Оқар булоқ сутинг бор, хўш-хўш
Тура қолгин жонивор, хўш-хўш
Ия қолгин жонивор хўш-хўш

Сигир соғишда айтиладиган қўшиқларда такрорланадиган хўш-хўш сўзлари, «Отли молим хўш-хўш», «Зотли молим, хўш-хўш» сатрлари алоҳида урғу билан айтилади. Сигир соғувчи қўшиқ айтиш билан бир вақтда молнинг бошини, ён верини силаб сийпаб қўяди.

Ола сигир ол дейди.
Иссиқ жойга сол дейди.
Ола сигир сутини
Асал билан бол дейди.
Говмиш молим хўш-хўш

Қўйларни соғиш ва қўзиларни эмдириш айтиладиган қўшиқларни «турей-турей қўшиқлари» ёки «фурр-хайпуй» дейилади.

Уларда одатдагидек совлиққа мурожаат этиш асосий ўрин тутди. Қўшиқларни чорвадорлари ҳаёти қўйларни бўрилардан омон сақлайдиган итлардан тортиб, куй боқувчиларнинг руҳий олами, ям-яшил далалар тасвиригача она қўйларни эркалаш йўли билан берилади. Тўртликларни ҳар бир сатрида «турай-турай» ёки «Турей-турей», «пufей-пufей» сўзлари қўшиб айтилади. Бу эса уни маълум оҳангда чўзиб айтишга имкон беради:

Болангни ол жонивор турай-турай,

Сен болангни олмасанг, турай-турай.
Ола итни ечарман, турай-турай,
Оёғингни тушарман, турай-турай.
Ола итни кўшарман, турай-турай
Тоғда олқар ўтинг бор, турей-турей
Ол болангни, жонивор турей-турей
Ола бўйноқ итинг бор, турей-турей

Тўл (кўзилатиш) даврида баъзан кўзилар бир-бирига аралашиб, ҳиди уради.
Шунда совлиқ кўзини олмайди. Шу ҳолат кўшиқларда акс этган. Чўпон
тушунчаси, гуё шу кўшиқни айтса, кўй кўзини олар эмиш.

Болалилар бозорда, турай-турай
Боласизлар мазорда, турай-турай
Ол болангни жонивор, турай-турай
Сол меҳрингни жонивор, турай-турай

Кейинги икки сатр кўпинча нақорат ўрнида ҳар бир тўртликдан
кейин айтилади. Баъзан нақорат шаклида бир сатрнинг ўзи «ол болангни
жонивор, турай-турай» ёки «турай-турай»нинг ўзи такрорланади.

Эчкиларни соғиш ва улоқларни эмизиш пайтида айтиладиган
кўшиқларни «чурей-чурей» ёки чириялар дейилади. Улар «турей-
турей»ларга нисбатан чузикрок айтилади. Баъзан соғувчи кўшиқсиз «чурей-
чурей»ни қайта қайта айтиб туриш билан кифояланади. Соғувчи аёлнинг
кўшиғида ҳам эчкига мурожаат этиш усули қайтарилади:

Молда билинар қашқанг-а, чурей-чурей,
Борми бундан бошқанг-а, чурей-чурей
Ана ерда ётганингда, чурей-чурей
Ёнингда ўйнар жон боланг-а, чурей-чурей

Умуман, сигир, бия, туя, кўй, эчки соғиш кўшиқлари аёллар ва
чўпонлар тўкилган бўлиб, улар меҳнатини акс эттиради. Кўшиқларда
инсоннинг ҳайвонот оламига муҳаббатига, у билан бўлган муносабати
кўрсатади: аёл ўз фарзандларини эркалагандай мулойим сўзлайди, кўшиқ
куйлайди, мол ҳам шунга ўрганган, бинобарин, мол ийдирилади, яхши
соғилади, сути мўл бўлади. Соғим кўшиқлари ичида туя соққан аёлга
бағишланганлари ҳам бор. Лирик оҳангда бу кўшиқда қизнинг туя ёки бия
соғишдаги ҳатти-ҳаракати, иш унуми, қимиз ичиш баҳонасида йигитнинг
унга муҳаббат изҳор этмоқчи бўлгани тасвирланади:

Туя соққан вақтингда
Ий дебмидинг, Тулганой,
Икки кулинг бир-бирига,
Тей дебмидинг, Тулганой...
Козон-козон кимизини
Ич дебмидинг, Тулганой

Бу кўшиқда мол соғувчи қизнинг чаққонлигини, айти вақтда унинг севги ёшидаги баркамол қиёфасини тасаввур этиш мумкин.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

Ўзбек халқ кўшиқлари орасида ҳунаромандчилик кўшиқлари анчагина салмоқли ўрин эгаллайди. Бундай кўшиқларда ҳунароманд ёки косибнинг узоқ тарихий шароитлардаги моддий ва маънавий ҳаёти, ички руҳий кайфияти ибтидоий иш қуроллари туфайли туғилган меҳнат машаққатли билан кўшилиб тасвирланади:

Бўз тўқиймиз қирғоғини ўхшатиб,
Моки отаман дастгинамни қақшатиб,
Бозордаги шойилардан яхши этиб
Нафсдан ўхшаган бўзим яхшидир.

Аёллардан тилидан айтиладиган бундай кўшиқлар чарх йиғиришда («Чархим тониб ташлайди»), Олача, гилам тўқишда, сўзана, палак, дўппи тикишда ва шунга ўхшаган иш ҳаракат жараёнида яратилган ва тилдан-тилга ўтиб куйланган.

Бўзчи айтган кўшиқда жафоли, унумсиз меҳнат бўзчилик ҳунарининг ғоят оғирлиги, бунинг устига тўкилган бўзи сотилмай, бозори касод бўлиб, оиласидан мухтожлик аримаганлиги сингари мотивлар равшан кўриниб турибди. Халқда «бўзчи белбоққа ёлчимас» деган мақол беҳуда бўлмаган. Ҳақиқатда бўзчи бор йўғини бозорга олиб чиққан, бир парча нонга алмаштирган. Ана шу ҳаётининг деталлар, косибнинг руҳини қўрқув, ғамгинлик, шикоят мотивлар орқали берилади:

Дўкондан уйга кирсам танам қақшайди,
Совуқларда ўлмай қолсам яхшийда
Қариси тилладан кетса яхшийди,
Шундай менинг бўзим арзон кетарми.

Меҳнат жараёнини акс эттирадиган анъанавий кўшиқларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бажариладиган меҳнат ритми кўшиқ оҳанги билан ички боғлиқликка эга, ритми кўшиқ оҳангида белгилайди. Косибнинг келини ёки қизини чархда ип йиғира чархда ип йиғира туриб, қўл ҳаракати ритмига мувофиқ оҳангда куйлаганда, унинг ёшлиги, ички завқи, шу топда ишдан кўра ўйинга майли кўпроқ экани сезилиб туради:

Чархим гув-гув этади
Марғилонга этади
Марғилоннинг кизлари
Аччиқ олма экади
Аччиқ олма пишибди...

Кўшиқнинг барча сатрларидаги ҳам ўзгача шўхчанг оҳангдорлик касб этади. Шунингдек ип йиғирувчининг чеварлиги, ўз санъаткорлиги

билан хақли равишда суратда фахрланиши - тукувчилик ғурури таққослаш
йули билан очиб берилади.

Элак ичида кепак,
Менинг эшганим ипак,
Менинг ипимдай қилиб
Эшолмайди ўргимчак.

Бу каби қўшиқларда халқ оммасининг ҳалол меҳнат қилиб яшаши,
тириклик учун кураши, меҳнатга буюк муҳаббати унинг азалий одат
эканлиги чуқур ҳаётий фактларда кўрсатилган.

Бўзчи дастгоҳининг ҳар бир зарурий қисми ҳақида фикр юритилиши
ва уларнинг бир-бири билан ўзвий боғлиқликнинг қўшиққа солиниши
тасодифий эмас. «Ўтгин, қора моким энди» сатрининг бандлар нақорат
шаклида такрорланиши меҳнат ритмига ҳамоҳанг бўлиб, ишловчи рўҳий
кўтаринкилигини бадий ифодалашга хизмат қилади. Бўзчи қўшиқларида
меҳнат шароитининг оғирлиги, зах, қоронғи, дўконда ишлаши
тасвирланади.

Бўзчи ўз меҳнاتини самарасини кўриб қувонади, қаноат ҳосил
қилади. Бу устанинг маҳорати, дастгоҳни эпчиллик билан ишлата билиш
натijasидир. Қўшиқда тўқ қофиялар, саккиз бўғинли сатрларнинг ўзаро
манتيкий боғланиши меҳнат жараёнини енгил тасаввур этишга имкон
берган:

Гулладин илгари дастгоҳ,
Пошпуртларни урдим пастга,
Сиринг айтма ёру дўстга,
Ўтгин, қора моким энди.

ўарғага ундан юқори
Синачуп унинг нўқори .
Ҳай-хай устамнинг дўқони,
Ўтгин, қора моким энди.

Ҳунармандчилик қўшиқларида меҳнат аҳлининг моддий
қийинчиликлари, турмуш кечиришнинг оғирлиги тасвирида ижтимоий
ҳаётдаги тенгсизлик сабабларини очиқ равшан тушуниб олиш мумкин.

СУС ХОТИН

Қурғоқчилик муносабати билан ёмғир чақириш маросимида
айтиладиган «Сус хотин», «Талаби барон» «Ёмғир талаб» қўшиқлари турли
иримлар қадимдан қолган турли анимистик тушунчалар билан боғланган.
Бунга кўра иккита таёқни бир-бирига кўндаланг боғлаб, аёллар кийими
кийдирилади, бошига рўмол ўралади. Осмондан ёгин тилайдиган бу «Сус
хотин» тасвирини-қўғирчоқни аёллар юқорига кутариб уйма-уйюришади,
хаммалари биргалашиб қўшиқ айтишади. Хонадон эгалари «Сус
хотин» қўшиғини айтиб келган кишиларга челақларда сув олиб сепишади,

нон, дон, каби турли нарсалар бериб уларни «рози» қилишган. Қўрғоқчилик, сув танқис бўлган даврларда дала-даштларда яшаган декҳонлар табиатга илтижо қилиб, мўл ҳосил бўлишини орзу қилган. Бу нарса қўшиқда ўз ифодасини топган.

Сув хотин- султон хотин,
Кўланкаси майдон хотин.
Сув хотин- сувсиз хотин,
Кўйлаклари бўз хотин.

Ҳавони ёғдиргин, сув хотин,
Буғдойни бўлдиргин, сув хотин,
Элни тўйдиргин, сув хотин,
Сув хотин- султон хотин.

Бундай қўшиқлар халқ орасида «Сув хотин», «Суз хотин», «Сус хотин», «Чайла қазақ» номлари билан юритилади.

«Сус хотин» маросими Ўрта Осиё халқларининг ҳам зардуштизим-оташпарастлик динига хос ҳосилдорлик маъбудаси Нохит (Анахита)га сиғиниши бўлиб, ибтидоий одатлардан бири ҳисобланади.

Қўшиқларда айрим шахсларнинг ҳис-хаяжони, туйғулари, фикр-мулоҳазалари ифодаланса ҳам, уларда меҳнаткаш халқнинг ички руҳий кечинмалари, тирикчилиги, яшаш учун кураши, ижтимоий муносабатлари ва тушунчалари, дунё қараши акс эттирилади. Қўшиқлар турли жойларда турлича, кўпчилик ҳолларда созсиз, баъзан дутор, дўмбира, доира ва бошқа халқ чолғу асбоблари билан хилма-хил оҳангда куйланади. Бу жиҳатдан халқ қўшиқлари мусиқа фольклори, халқ ўйинлари, рақс санъати билан ҳам узвий боғлиқдир.

Ўзоқ ўтмишда синкретик санъатнинг намунаси бўлган қўшиқлар уни яратувчилар ва ижро этувчиларнинг меҳнат фаолияти-овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ишлари, халқ амалий санъати-кулолчилик, ўймакорлик ва бошқа санъатлар билан бевосита алоқада бўлиб, аynи чоқда халқнинг қадимий урф-одатлари, хилма-хил маросимлари ва эътиқодлари негизида яшаб келган. Қўшиқлар фақат тўй ва азадагина эмас, балки инсоннинг табиат ва жамиятнинг ёвуз кучларига қарши курашида унга ҳамроҳдир. Уларда халқ куч-қудратининг битмас-туганмаслиги куйланади, дов юрак, ўлим билмас, баҳодир, жанговар, курашчи, вафодор ошиқ, меҳнатсевар, тажрибали инсон тимсоллари гавдаланади.

«Қўшиқ» термини биринчи марта, XI асрда ёзилган, илмий адабиётларнинг бизгача етиб келган энг қадимийси ҳисобланган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қoшуғ шаклида берилаган бўлиб, бу сўзнинг изоҳи шеър, қасида деб кўрсатилган. Шунингдек, қўшиқ сўзини Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг.» асарида, XII асрда ёзилган Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддиматул-адаб» луғатида ҳам худди шу

маъноларда учратамиз. Хусусан, Алишер Навоийнинг «Мезон-ул авзон» ва Заҳириддин Бобурнинг «Рисолаи аруз» асарларида кўшиқ сўзи суруд, аёлғу, лаҳн, турки тарона, ашула, улан, чипка (чинга)номи билан ҳам тарқалган, улар кўшиқнинг турли жанрларини аташ учун қўлланилганлиги баён қилинади.

Ўзбек халқ кўшиқлари шу даражада кўп ва хилма-хилки, унинг барча намуналари ҳали тўла равишда ўрганилиши керак. Қуйида уларнинг мавсум-маросим ва урф-одат кўшиқлари, меҳнат кўшиқлари, лирик кўшиқлар ва термалар каби гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳ таҳлили давомида уларнинг ички турларини кўриб ўтамиз.

МЕҲНАТ КЎШИҚЛАРИ

Меҳнат кўшиқлари халқ шеърятининг энг аввалги турларидан бири бўлиб, уларнинг яратилиши ва ижро этилиши кишиларнинг меҳнат жараёни билан боғлиқдир. Дехқонлар, ҳунармандлар ишлаб туриб кўшиқ айтганлар. Кўшиқ уларнинг меҳнатларини енгиллатган, айрим сўзлари, ундов нидолари кўпчилиكنи барабар ҳаракат қилишини уюштирган. Шу сабабдан кўшиқдаги сўзлар, вазн, қофия ихчам, аниқ бўлган. Айрим сўзлар вақти-вақти билан такрорланиб, ҳайкирик, чакирик, шикоят ва мамнунлиكنи билдирувчи нидолар алоҳида оҳангда айтилиб турилган. Меҳнат кўшиқлари мазмунан деҳқончилик, боғ ва боғдорчилик, чорвачилик, овчилик, ҳунармандчилик ва бошқа касбларга хос хусусиятларни акс эттиради. Меҳнат турлари хилма- хил бўлганидек, меҳнат кўшиқлари ҳам турли-тумандир. Деҳқончилик билан боғлиқ кўшиқларга кўшчи, ўрим, хирмон, янчиш, ёрғичоқ кўшиқлари киради.

КЎШЧИ КЎШИҒИ

Қаҳратон қишдан бола-чақаси билан толиқиб чиққан деҳқон баҳор келиши билан ер ҳайдашга киришади. Табиат жонланган, хушҳаво, бироқ унинг ҳўкизи ишга ярамайди-улгудай оч, мадори қуриган. Деҳқон илк баҳордаги ночор аҳволини ҳўкиз тилидан шундай тасвирлайди.

Шохларим қлоч-қулоч,
Йўқ мадорим, корним оч,
Тепамда кўнган қалдирғоч,
Мен қайтиб кўшга ярайман.

Кўшчи кўшилари ёлғиз кўшчининг ўзи томонидан баланд овоз билан, баъзан хиргойи қилиб ижро этилади. Уларда деҳқоннинг ҳаёти, иш ҳайвонга муносабати тасвирланган.

ЎРИМ КЎШИҒИ

Ўрим кўшиқлари ҳосилини ўриб-йиғиб олаётган деҳқон ўроқчилар гуруҳи томонидан ижро этилиб, кўшиқда деҳқоннинг умиди рўёбга чиқаётгани, кўтаринки руҳ билан ишга киришаётгани баён қилинади.

Дехқоннинг юрагида куч-ғайрат жўш уради. У ғаллани тезроқ уриб, ғарам қилиш ниятида:

Ўроғим олмос,
Уришдан қолмас,
Сира ҳам толмас,
Урмасам бўлмас.

Ўроқчи кўшиғида нақарот ўрнида келадиган кўйидаги тўртлик дехқон тилидан такрорланиб, тўқлик, маъмурчиликнинг кадр-қиммати, меҳнаткаш инсон улуғлиги таъкидланади, ҳалол меҳнатнинг унумидан ғам-ғусса, муҳтожлик, қашшоқлик унутилгандай бўлади.

ўужмоқи буғдой,
Донгинанг тўқ-ай.
Тўп бўл, ўрайлик,
Хўпда кўрайлик.

Ўроқчи кўшиқларига меҳнат жараёнига билвосита алоқаси бўлган кўшиқлар ҳам киради. Масалан: дехқонлар арпа, буғдой ўраётганда, ҳашар қилишганда ўроқчилар орасига бир ашулачини ўтказиб қуйишган. У лирик дostonлардан парчаларни баланд овоз билан айтиб турган. Шундай асарлардан бири «Ёзи билан Зебо» достонидир севги ва садоқатдан баҳс этувчи, бошдан охиригача киз билан йигитнинг савол-жавобидан ташкил топган, ҳазил-мутойибадан иборат бу лирик халқ достони тингловчиларни ғоят завқлантирар, саратондаги оғир қўл меҳнатини енгиллаштиришда маънавий озиқ берар эди. Бунда «Ёзи билан Зебо» достони тўла ижро этилмаган, балки ундан лирик парчалар куйланган. Достондан олинган парчаларни куйловчиларни «Ёзичи», «ёзигуй» дейилган. Ёзигўйлар ўрим майдони ўртасида уўириб, баланд овозда созсиз куйлаганлар, нақаротларига ўроқчилар жўр бўлиб турган.

ХЎП МАЙДА

Хирмон янчиш вақтида дехқонлар томонидан айтиладиган кўшиқлар «хўп майдаё» ёки «майдагул» деб юритилади. Хўп майда баланд овоз билан чўзиб айтилади. Уларда дехқоннинг ҳосилини йиғиштириш, рўзғор тирикчиликни таъминлашга интилиш, хўкизнинг - ишчи хайвоннинг дехқон ҳаётида ғоят катта ўрин тутиши унга бўлган муҳаббатини тасвирлаш билан кўрсатилади: шунинг учун хўп майда кўшиқларида хўкизнинг тавсифи, унинг туёғидан шохигача бўлган тасвири бурилади.

Айри-айри туёққа, майда-ё-майда
Айри наҳал ярашар, майда-ё-майда
Жилвираган қулоққа, майда-ё-майда

Тилла сирға ярашар, майда-ё-майда

«Кўзлари ёнган чироқ», «кўзлари бор ойнадай», «шоҳларининг бор чамбарак» каби жонлантирилган тасвирларнинг деҳқон тилида айтилишича ажиб ҳикмат бор, иш хайвони унинг мададкори, суянган тоғи; тирикчилиги; рузғорнинг бутлиги, очлиги ва туклиги-бари шунга боғлиқ. Ҳайвоннинг таъриф-тавсиф этилишининг қувноқ руҳий ҳолати, меҳнат қилиш иштиёқи, иккинчи томондан, хирмон янчиш ритми, иш жараёни акс этади. Хирмон кўшиқлари кўп айтилганидан сўзлари қуйма, пишиқ бўлади.

Хўп майда кўшиқлари ижтимоий мотивлари билан ажратиб туради. Одатда «уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» бўладиган текинхўрлар-оқсоқоллар, бойлар, солиқчилар, судхўрлар, мулла эшонларнинг айна донни сомондан айириш вақтида хирмон устида келиб камбағал деҳқоннинг шўрини қуритганлигини, бор ҳосилни талаб олиб кетганлигига нисбатан халқнинг ғазаб-нафрати чексиз бўлади.

Қора-қора карғалар, майда-ё-майда
Кўрни кўрса йўрғалар, майда-ё-майда
Уйинг куйгур дарғалар, майда-ё-майда
Хирмонни кўрса йўрғалар, майда-ё-майда
Майда қилгин уватиб, майда-ё-майда
Сенсан менинг қувватим, майда-ё-майда
Келаётир эшонлар, майда-ё-майда
Дасторини чуватиб, майда-ё-майда

Хўп-майда кўшиқларини ижро этишда кўпинча «ҳей майда, ҳей», «майда-ё майда», «ҳа, хўп, ҳайда» сингари нидолар ҳар мисра охирида ёки икки мисрадан кейин шундай нидоли сатрлар нақорати қилиб айтилади. Булар тўртликни бир-бирига муҳим роль ўйнайди. Кўшиқда учрайдиган «сакраб-сакраб ҳайдагин», «йўртиб-йўртиб ҳайдагин» сатрларида иш хайвонининг илдам юриши, хирмонни тезроқ янчиши деҳқонни севинч туйғулари билан қўшилиб, руҳий кўтаринкилик ҳосил қилади. Хирмон кўшиқларида умид ва хурсандчилик бағишловчи сатрлар кўп. Негаки, деҳқон оғир ва машаққатли кунлар орқада қолганлигини кўриб турибди.

Шундай пайтда деҳқон ўзининг хирмон барака тилайди. Афсонавий Бобо деҳқонни ўзининг хирмонига барака чорлайди:

Майда-майда маросим, майда-ё-майда
Дон самондан арисин, майда-ё-майда
Айни сахар бўлганда, майда-ё-майда
Бобо деҳқон дорисин, майда-ё-майда

ЁРҒИЧОҚ ҚЎШИҚЛАР

Ёрғичоқ қўшиқлар деб аталган қўл тегирмони кун буйи айлантериш машаққатли меҳнат. Буғдой, арпа, жўхори, тариқни ун қила туриб айтиладиган қўшиқ меҳнат кишисига ҳамроҳ. Оғир тошнинг гулдираб, бир жойда айланиб туриши оҳангида тўкилган қўшиқлар ҳам вазмин, ҳам чўзиб айтиладиган бўлади:

Ёрғичоқ торта-торта толди қўлим
Икки тош орасида қолди қўлим.

Ёрғичоқ қўшиқларида меҳнат унумининг пастлигидан нолиш мотивлари маъюслик билан баён этилади.

Ёрғичоқ ялпоққина
Ун қилар оппоққина
Ёрғичоқ хир-хир этар
Муштдакқина ҳамир этар.

Қўл даштларда, қир адирларда яшаган чорвадор, деҳқон халқимиз, хусусан, мазлум хотин-қизлар қўл тегирмонида ишлаб туриб, муҳтожликда яшаши, кун кечиришнинг оғирлиги ҳақидаги мунгли қўшиқлари тукилган. Ёрғичоқ қўшиқларда ҳам меҳнат аҳлининг дард-ҳасратлари, тақдирдан, золимлар зулми азобларидан кучли норозилик кайфиятлари баён этилади.

СОҒИМ ҚЎШИҚЛАР

Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар ичида соғим қўшиқлари кенг тарқалган.

Соғим қўшиқлари: Сигир, қўй, эчки, бия, туяларни соғишда эркалаш оҳангида айтиладиган қўшиқларни соғим қўшиқлари дейилади. Сигир соғиш билан боғлиқ қўшиқлар - «хўш-хўш» ёки «хўшим» дейилади. Улар ҳам бошдан-оёқ говмиш сигирга мурожаат шаклида тўкилган бўлиб, сутли сигир меҳнат аҳли рўзгорини тукин қиладиган хазина деб ардоқланади, соғиш пайтида силаб-сийпаб айтилган қўшиқ говмишни ийдиради:

Саралаб единг ўтнгни, хўш-хўш
Ийиб бергин, сутингни, хўш-хўш
Олмазор булоқ ўтинг бор, хўш-хўш

Оқар булоқ сутинг бор, хўш-хўш
Тура қолгин жонивор, хўш-хўш
Ия қолгин жонивор хўш-хўш

Сигир соғишда айтиладиган кўшиқларда такрорланадиган хўш-хўш сўзлари, «Отли молим хўш-хўш», «Зотли молим, хўш-хўш» сатрлари алоҳида урғу билан айтилади. Сигир соғувчи кўшиқ айтиш билан бир вақтда молнинг бошини, ён верини силаб сийпаб кўяди.

Ола сигир ол дейди.
Иссиқ жойга сол дейди.
Ола сигир сутини
Асал билан бол дейди.
Говмиш молим хўш-хўш

Кўйларни соғиш ва кўзиларни эмдириш айтиладиган кўшиқларни «турей-турей кўшиқлари» ёки «фурр-хайпуй» дейилади.

Уларда одатдагидек совлиққа мурожаат этиш асосий ўрин тутди. Кўшиқларни чорвадорлари ҳаёти кўйларни бўрилардан омон сақлайдиган итлардан тортиб, куй боқувчиларнинг руҳий олами, ям-яшил далалар тасвиригача она кўйларни эркалаш йўли билан берилади. Тўртликларни ҳар бир сатрида «турай-турай» ёки «Турей-турей», «пufей-пufей» сўзлари кўшиб айтилади. Бу эса уни маълум оҳангда чўзиб айтишга имкон беради:

Болангни ол жонивор турай-турай,
Сен болангни олмасанг, турай-турай.
Ола итни ечарман, турай-турай,
Оёғингни тушарман, турай-турай.
Ола итни кўшарман, турай-турай
Тоғда олқар ўтинг бор, турей-турей
Ол болангни, жонивор турей-турей
Ола бўйноқ итинг бор, турей-турей

Тўл (кўзилатиш) даврида баъзан кўзилар бир-бирига аралашиб, ҳиди уради. Шунда совлиқ кўзини олмайди. Шу ҳолат кўшиқларда акс этган. Чўпон тушунчаси, гуё шу кўшиқни айтса, кўй кўзини олар эмиш.

Болалилар бозорда, турай-турай
Боласизлар мазорда, турай-турай
Ол болангни жонивор, турай-турай
Сол меҳрингни жонивор, турай-турай

Кейинги икки сатр кўпинча нақорат ўрнида ҳар бир тўртликдан кейин айтилади. Баъзан нақорат шаклида бир сатрнинг ўзи «ол болангни жонивор, турай-турай» ёки «турай-турай»нинг ўзи такрорланади.

Эчкиларни соғиш ва улоқларни эмизиш пайтида айтиладиган кўшиқларни «чурей-чурей» ёки чириялар дейилади. Улар «турей-

турей»ларга нисбатан чузикрок айтилади. Баъзан соғувчи қўшиқсиз «чурей-чурей»ни қайта қайта айтиб туриш билан кифояланади. Соғувчи аёлнинг қўшиғида ҳам эчкига мурожаат этиш усули қайтарилади:

Молда билинар қашқанг-а, чурей-чурей,
Борми бундан бошқанг-а, чурей-чурей
Ана ерда ётганингда, чурей-чурей
Ёнингда ўйнар жон боланг-а, чурей-чурей

Умуман, сигир, бия, туя, қўй, эчки соғиш қўшиқлари аёллар ва чўпонлар тўкилган бўлиб, улар меҳнати ақс эттиради. Қўшиқларда инсоннинг ҳайвонот оламига муҳаббатига, у билан бўлган муносабати кўрсатади: аёл ўз фарзандларини эркалагандай мулоим сўзлайди, қўшиқ куйлайди, мол ҳам шунга ўрганган, бинобарин, мол ийдирилади, яхши соғилади, сути мўл бўлади. Соғим қўшиқлари ичида туя соққан аёлга бағишланганлари ҳам бор. Лирик оҳангда бу қўшиқда қизнинг туя ёки бия соғишдаги ҳатти-ҳаракати, иш унуми, қимиз ичиш баҳонасида йигитнинг унга муҳаббат изҳор этмоқчи бўлгани тасвирланади:

Туя соққан вақтингда
Ий дебмидинг, Тулганой,
Икки кулинг бир-бирига,
Тей дебмидинг, Тулганой...
Козон-козон кимизини
Ич дебмидинг, Тулганой

Бу қўшиқда мол соғувчи қизнинг чаққонлигини, айти вақтда унинг севги ёшидаги баркамол қиёфасини тасаввур этиш мумкин.

ХУНАРМАНДЧИЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

Ўзбек халқ қўшиқлари орасида хунармандчилик қўшиқлари анчагина салмоқли ўрин эгаллайди. Бундай қўшиқларда хунарманд ёки косибнинг узоқ тарихий шароитлардаги моддий ва маънавий ҳаёти, ички руҳий кайфияти ибтидоий иш қуроллари туфайли туғилган меҳнат машаққатли билан қўшилиб тасвирланади:

Бўз тўкиймиз қирғоғини ўхшатиб,
Моки отаман дастгинамни қақшатиб,
Бозордаги шойилардан яхши этиб
Нафсдан ўхшаган бўзим яхшидир.

Аёллардан тилидан айтиладиган бундай қўшиқлар чарх йигиришда («Чархим тониб ташлайди»), Олача, гилам тўқишда, сўзана, палак, дўппи тикишда ва шунга ўхшаган иш ҳаракат жараёнида яратилган ва тилдан-тилга ўтиб куйланган.

Бўзчи айтган қўшиқда жафоли, унумсиз меҳнат бўзчилик хунарининг ғоят оғирлиги, бунинг устига тўкилган бўзи сотилмай, бозори

касод бўлиб, оиласидан мухтожлик аримаганлиги сингари мотивлар равшан кўриниб турибди. Халқда «бўзчи белбоққа ёлчимас» деган мақол беҳуда бўлмаган. Ҳақиқатда бўзчи бор йўғини бозорга олиб чиққан, бир парча нонга алмаштирган. Ана шу ҳаётий деталлар, косибнинг руҳини кўрқув, ғамгинлик, шикоят мотивлар орқали берилади:

Дўкондан уйга кирсам танам қақшайди,
Совуқларда ўлмай қолсам яхшийда
Қариси тилладан кетса яхшийди,
Шундай менинг бўзим арзон кетарми.

Меҳнат жараёнини акс эттирадиган анъанавий кўшиқларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бажариладиган меҳнат ритми кўшиқ оҳанги билан ички боғлиқликка эга, ритми кўшиқ оҳангида белгилайди. Косибнинг келини ёки кизини чархда ип йигира чархда ип йигира туриб, кўл ҳаракати ритмига мувофиқ оҳангда куйлаганда, унинг ёшлиги, ички завқи, шу топда ишдан кўра ўйинга майли кўпроқ экани сезилиб туради:

Чархим гув-гув этади
Марғилонга этади
Марғилоннинг кизлари
Аччиқ олма экади
Аччиқ олма пишибди...

Кўшиқнинг барча сатрларидаги ҳам ўзгача шўхчанг оҳангдорлик касб этади. Шунингдек ип йигирувчининг чеварлиги, ўз санъаткорлиги билан ҳақли равишда суратда фахрланиши - тукувчилик ғурури таққослаш йўли билан очиқ берилади.

Элак ичида кепак,
Менинг эшганим ипак,
Менинг ипимдай қилиб
Эшолмайди ўргимчак.

Бу каби кўшиқларда халқ оммасининг ҳалол меҳнат қилиб яшаши, тириклик учун кураши, меҳнатга буюк муҳаббати унинг азалий одат эканлиги чуқур ҳаётий фактларда кўрсатилган.

Бўзчи дастгоҳининг ҳар бир зарурий қисми ҳақида фикр юритилиши ва уларнинг бир-бири билан ўзвий боғлиқликнинг кўшиққа солиниши тасодифий эмас. «Ўтгин, қора моким энди» сатрининг бандлар нақорат шаклида такрорланиши меҳнат ритмига ҳамоҳанг бўлиб, ишловчи рўҳий кўтаринкилигини бадиий ифодалашга хизмат қилади. Бўзчи кўшиқларида меҳнат шароитининг оғирлиги, зах, қоронғи, дўконда ишлаши тасвирланади.

Бўзчи ўз меҳнاتини самарасини кўриб қувонади, қаноат ҳосил қилади. Бу устанинг маҳорати, дастгоҳни эпчиллик билан ишлата билиш натижасидир. Кўшиқда тўқ қофиялар, саккиз бўғинли сатрларнинг ўзаро

мантиқий боғланиши меҳнат жараёнини енгил тасаввур этишга имкон берган:

Гулладин илгари дастгоҳ,
Пошпуртларни урдим пастга,
Сиринг айтма ёру дўстга,
Ўтгин, қора моким энди.

Ўарғага ундан юқори
Синачуп унинг нўқори .
Ҳай-ҳай устамнинг дўқони,
Ўтгин, қора моким энди.

Ҳунармандчилик қўшиқларида меҳнат аҳлининг моддий қийинчиликлари, турмуш кечиришнинг оғирлиги тасвирида ижтимоий ҳаётдаги тенгсизлик сабабларини очиқ равшан тушуниб олиш мумкин.

Қўрғоқчилик муносабати билан ёмғир чақириш маросимида айтиладиган «Сус хотин», «Талаби барон» «Ёмғир талаб» қўшиқлари турли иримлар қадимдан қолган турли анимистик тушунчалар билан боғланган. Бунга кўра иккита таёқни бир-бирига кўндаланг боғлаб, аёллар кийими кийдирилади, бошига рўмол ўралади. Осмондан ёғин тилайдиган бу «Сус хотин» тасвирини-қўғирчоқни аёллар юқорига кутариб уйма-уйюришади, ҳаммалари биргалашиб қўшиқ айтишади. Хонадон эгалари «Сус хотин» қўшиғини айтиб келган кишиларга челақларда сув олиб сепишади, нон, дон, каби турли нарсалар бериб уларни «рози» қилишган. Қўрғоқчилик, сув танқис бўлган даврларда дала-даштларда яшаган деқхонлар табиатга илтижо қилиб, мўл ҳосил бўлишини орзу қилган. Бу нарса қўшиқда ўз ифодасини топган.

Сув хотин- султон хотин,
Кўланкаси майдон хотин.
Сув хотин- сувсиз хотин,
Кўйлаклари бўз хотин.

Ҳавони ёғдиргин, сув хотин,
Буғдойни бўлдиргин, сув хотин,
Элни тўйдиргин, сув хотин,
Сув хотин- султон хотин.

Бундай қўшиқлар халқ орасида «Сув хотин», «Суз хотин», «Сус хотин», «Чайла қазақ» номлари билан юритилади.

«Сус хотин» маросими Ўрта Осиё халқларининг ҳам зардуштизим-оташпарастлик динига хос ҳосилдорлик маъбудаси Нохит (Анахита)га сиғиниши бўлиб, ибтидоий одатлардан бири ҳисобланади.

ТҮЙ КҮШИҚЛАРИ

Тўй жуда қадим замонлардан бери кишилар ҳаётида муҳим воқеа бўлиб келган. Халқнинг маънавий бойлиги тўй-томошаларда намоён бўлган. Тўй маросимлари- бешик тўйи, хатна тўйи, ёш тўйи, уйланиш тўйи сингари хилма-хил бўлганидек, унинг қўшиқлари ҳам турли тумандир

«ЁР-ЁР» ҚЎШИҚЛАРИ.

Киз узатар кечасида айтиладиган қўшиқлардан бири «ёр-ёр»лардир. «Ёр-ёр» қўшиқлари мусиқийлиги, маълум чўзиқ оҳангда кўпчилик бўлиб куйланиши, нақоратлари билан ажралиб туради. «Ёр-ёр» қўшиқларида асосан қиз ўстирган ота-онанинг таърифи, орзулари, узатилаётган қизнинг мадҳияси- гўзаллиги, чеварлиги,. Қизга турмуш ҳақидаги насиҳатлар, ўниб-ўсиши, серфарзанд бўлиши ҳақидаги тилаклар ташкил қилади. «Ёр-ёр» қўшиқлари республикамизнинг ҳамма ерида ҳам кенг тарқалган ва асосан аёллар ижро этишади. Айрим жойларда эркаклар томонидан ҳам айтилиши мумкин.

ЛАПАР

, уйланиш тўйи сингари хилма-хил бўлганидек, унинг қўшиқлари ҳам турли тумандир

«ЁР-ЁР» ҚЎШИҚЛАРИ.

Киз узатар кечасида айтиладиган қўшиқлардан бири «ёр-ёр»лардир. «Ёр-ёр» қўшиқлари мусиқийлиги, маълум чўзиқ оҳангда кўпчилик бўлиб куйланиши, нақоратлари билан ажралиб туради. «Ёр-ёр» қўшиқларида асосан қиз ўстирган ота-онанинг таърифи, орзулари, узатилаётган қизнинг мадҳияси- гўзаллиги, чеварлиги,. Қизга турмуш ҳақидаги насиҳатлар, ўниб-ўсиши, серфарзанд бўлиши ҳақидаги тилаклар ташкил қилади. «Ёр-ёр» қўшиқлари республикамизнинг ҳамма ерида ҳам кенг тарқалган ва асосан аёллар ижро этишади. Айрим жойларда эркаклар томонидан ҳам айтилиши мумкин.

ЛАПАР

МАРОСИМ ВА УРФ-ОДАТ ҚЎШИҚЛАРИ

Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш тарзи, урф-одатлар, маросимлар, билан боғлиқ равишда жуда кўп қўшиқлар яратилган. Марсимлар, одатлар турли туман бўлганидек, буларга бағишланган қўшиқлар ҳам хилма-

хилдир. Қўшиқлар халқнинг оилавий байрамларини. Маросимларини безаб келган. маросим байрамларида кишилар ўйин-кулгу қилганлар., дам олишган, янги меҳнат фаолиятига илҳомланганлар.

Киши ҳаётидаги биринчи қўшиқ, бу меҳрибон она алласидир.

АЛЛА

Аллалар-бешик қўшиқларининг кенг тарқаладиган анъанавий жанри ҳисобланади. Жаҳонда бирор халқ ёки миллат йўқки, уларни тилида алла куйланмаса. Русларда «байки», «баюшки», туркманларда «хувдилар» озарбайжонларда «лай-лай», татарларда «алли-балли», атамалари билан машҳурдир. Алла қўшиқлари ижтимоий-эстетик қимматига кўра икки вазифани бажаради: биринчиси болаларни ухлатиш, («алла» сўзининг луғавий маъноси ҳам аллалаш-овутиб, авайлаб ухлатиш)дан иборат. Бундай аллалаб овутиш ёки ухлатиш куйлаш жараёнида намоён бўлади. Худди шу аснода иккинчи вазифаси-тарбиявий-эстетик моҳияти намоён бўлади. бу болани куй оғушида ҳаёт билан таништириш. Алла қўшиқлари бола тарбилашда фақат Марказий Осиёдагина эмас, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшовчи халқлар орасида муҳим аҳамият касб этган.

Туркий халқлар ўртасида «балу-балу» номи билан юритилганлигига оид маълумотларни М.Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида ҳам келтириб ўтади. Алишер навоий ҳам Фарҳоднинг бешикдаги аҳволини шундай тасвирлайди:

Аруси чарх тун-кун доя кирдор,
Бўлиб ҳар таври ҳолидин хабордор.
Бешик даврида чинию хитойи
Бўлуб юз нўш лаб достон саройи.
Кўзининг нози элдин элтиб уйқу,
Анга уйқу кетурмакка навоғў.

Шоир алла айтувчини «навоғў» дея таърифлаётир. Чунки, ўша даврда олий табақаларда бола тарбияси алоҳид энагалар томонидан амалга оширилганлиги туфайли улар орасида аллагўйлик-навоғўйлик маълум даражада такомиллашганлигини эътироф этади..

Аллалар одатда бола уч ёшга етгунча айтилади. Аллаларда онанинг меҳри дарёлиги, бағри кенлиги, меҳрибонлиги акс этиб туради. Баъзи аллаларда болани ўраб олган мўҳитнинг ифодаси бўртиб туради., рус халқи аллаларида болани уни ўраб олган муҳит билан таништиришга кўпроқ эътибор қаратилади ва турли-туман қушлар, ҳайвонлар поэтик мақтовиди уларнинг ҳам салбий, ҳам ижодий хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилинса, ўзбек халқи аллаларида эса, асосан, бешик ёки беланчакнинг мақтови билан чекланганлар ҳайвонлар, қушлар ва ҳашоратлар поэтик

таърифидан таркиб топган аллалар йўқ ҳисоби. Аммо, ўзбек аллаларида ҳайвонларнинг болалари, қушлар номи билан алоқадор эркалаш оҳанги бор: болалар қўзичоққа, тойчоққа, бўталочқа, булбулга, лочинга қиёсланиб эъзозланади. Бундай қиёслаш аслида ўша жониворларга бўлган самимий муносабатлар замирида табиийлик касб этган.

Булбул қушнинг боласи,
Алла, қўзим, алла.
Дарахт бўлар уяси,
Алла, болам, алла.

ёки: Булбул сайрар ёзина, алла-ё алла.
Қуллуқ қуш овозина, алла-ё алла.
Маним булбул шу ўғлим, алла-ё алла.
Қуоқ қўйсин овозима, алла-ё алла.

Аллачиликнинг энг такомиллашган намунаси воқеабанд аллалар бўлиб, бундай аллалар ягона сюжетга бўйсунган, ҳаётий воқеаларнинг бирор лавҳаси натижасида вужудга келган кайфиятлар тасвирини беради.

Воқеабандлик хусусиятларини юмористик аллаларда, шунингдек, йиғи аллаларида ҳам кўриш мумкин

Паст-пастгина тепадан
Тойдим тушдим-о, алла,
Қўлимга қайчи олиб-о,
Сенга қўзичоғим-о,
Чопон бичдим-о, алла.

Пароканда аллалар ўзбек оналари алласида кўп учрайди. Уларнинг муҳим хусусияти- ягона сюжет асосида қурилмаганлиги. Ҳар бир пароканда банд ўзича мустақил тугал мазмунга эга. Лекин бундай мустақиллик фақат ташқи белги, чунки мазмун мантиқи, барибир болага қартилганлиги бандларни ягона бир ипга тизади, буни вазн, қофия, радиф ва ҳатто нақарот каби бадиий-тасвирий компонентлар кучайтиради.

Сахарлар ўйғонарман,
Туриб санга суяраман.
Суянганим сан ўзинг,,,.
Раҳм қил манга, қўзим,
Алла-ё алла.

Бола учун алланинг сўзи эмас, куйи ёқимли. Чунки у ҳали сўз англамайди. Алладаги сўзлар эса она учун муҳим улар- она қалбининг нидолари. Алла қўшиқларининг бир кўриниши ҳэялар бўлиб, уни асосан эркаклар қуйлашади. Шу сабабли ҳэялар эркаклар алласи дейишади. Ҳэялар чорвачилик билан билан шуғулланувчи ўзбеклар орасида кенг тарқалган. Зотан аёллар уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлганда болани

овутиш, ухлатиш эркаклар зиммасига тушган. Шундай кезларда оталар ёки бободар болани тиззалари олиб, тебратиш мувозанатига мос оҳангда ҳая айтиб ухлатганлар, овутганлар.

Ҳая, бодам, ҳаянг қани?
Буванг берган туянг қани?
Буванг берган туянг бўлса,
Боқиб юрганларинг қани?

ёки: Болам, сенам ботирим,
Чопиб келаётирим,
Чўпон бўлсанг қўйларга,
Боқарсан ўтлоқ-сойларга,
Ҳая, болам, ҳая.

Ўзбек аллалари халқ этнографияси ва этнопедагогикасини ўрганишда кимматли манба ҳисобланади. Уларда бодадик билан боғлиқ қатор рас-русмлар ифода этилган.

Ё, РАМАЗОН

Турли урф-одатлар, маросим ва иримлар билан боғлиқ бир канча кушиқлар яратилганки бунга «Ё, рамазон», «Барот келди», «Сафар кочди», «Бадик», «Бука-букавой», «Суст хотин», «Бойчечак» кабиларни курсатиш мумкин. Шулардан «Ё, рамазон» эски йил календаридagi рамазон ойидagi болаларнинг (илгариги замонларда катталарнинг ҳам) ховлима-ховли юриб айтадиган кушиқлар эди. Сиртдан караганда, «Ё, рамазон» диний мазмундаги кушиқларга ухшаса-да, уларга хонадон эгасига фарзанд куриш истаклар, уларнинг сахий булиши ёки бахиллиги каби мотивлар устунлик қиладилар. «Ё, рамазон» кушиқлари ижро этилганда, унинг таҳлили равонлиги, енгил юмор билан кўпчилик бўлиб айтилиши кўзга ташланади. болалар уйма-уй юриб, борган хонадонларига яхши ниятлар билдирилган кўшиқлар ижро этиши бугунги кунда ҳам учрайди.

СУС ХОТИН

Кўрғоқчилик муносабати билан ёмғир чақириш маросимида айтиладиган «Сус хотин», «Талаби барон» «Ёмғир талаб» кўшиқлари турли иримлар қадимдан қолган турли анимистик тушунчалар билан боғланган. Бунга кўра иккита таёқни бир-бирига кўндаланг боғлаб, аёллар кийими кийдирилади, бошига рўмол ўралади. Осмондан ёгин тилайдиган бу «Сус хотин» тасвирини-кўғирчоқни аёллар юқорига кутариб уйма-уй юришади, ҳаммалари биргалашиб кўшиқ айтишади. Хонадон эгалари «Сус хотин» кўшиғини айтиб келган кишиларга челақларда сув олиб сепишади, нон, дон, каби турли нарсалар бериб уларни «рози» қилишган. Кўрғоқчилик, сув танқис бўлган даврларда дала-даштларда яшаган

декхонлар табиатга илтижо қилиб, мўл ҳосил бўлишини орзу қилган. Бу нарсга кўшиқда ўз ифодасини топган.

Сув хотин- султон хотин,
Кўланкаси майдон хотин.
Сув хотин- сувсиз хотин,
Кўйлаклари бўз хотин.

Ҳавони ёғдиргин, сув хотин,
Буғдойни бўлдиргин, сув хотин,
Элни тўйдиргин, сув хотин,
Сув хотин- султон хотин.

Бундай кўшиқлар халқ орасида «Сув хотин», «Суз хотин», «Сус хотин», «Чайла қазақ» номлари билан юритилади.

«Сус хотин» маросими Ўрта Осиё халқларининг ҳам зардуштизимо-оташпарастлик динига хос ҳосилдорлик маъбудаси Нохит (Анахита)га сиғиниши бўлиб, ибтидоий одатлардан бири ҳисобланади.

Ўзбек маросим фольклорида оилавий маиший маросимлардан бири никоҳ тўйи билан боғлиқ фольклор намуналари ташкил этади. Никоҳ тўйи маросимлари ва унинг фольклорини бойдир. Никоҳ маросимлари билан боғлиқ равишда жар (чорловлар), улан, лапар, ёр-ёр, келин салом, куёв салом, тўй олқишлари каби мустақил фольклор жанрлари мавжуд. Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида ижро этиладиган, лапар жанрлари ва унинг хусусиятлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Лапарлар никоҳдан бир-икки кун олдин келин бўлиб тушадиган кизнинг уйида ижро этилган. Бу маросим турли ерларда «Киз окшоми», «Кизлар мажлиси», «Киз оши», «Лапар кечаси», «Кизлар базми», «Лапар туйи» каби турли туман номлар билан юритилади. Лапар тўйи тадбири тўй маросиларининг никоҳларгача бўлган таркибий қисми ҳисобланади. Одатда кизнинг (келиннинг) янгаларидан бири махсус ясатилган отга миниб, орқасига 11-12 ёшли болани мингаштириб, ёки пиёда ҳолда қишлоғи ва тўйдош яқин қишлоқларни айланиб, лапар кечасига хабар қилади. Бунда ашулачи, ўйинчи, лапарчи қиз жувонларни таклиф қилишга алоҳида эътибор берилади. Йигитлар ва ёш яланлар қизлар базмининг охирида, яъни унинг лапар айтишиш қисмида иштирок этадилар. Қиз билан йигитлар тарафма-тараф туриб, ошиқона ғазал-байтлар айтишганда, худди сўз билан тортишмачоқ ўйнагандай бўлади. Бу базмда қизлар ва йигитлар томонидан икки киши сал олдинга чиқиб лапар айтишади. Одатда, туйга атаб, қизнинг отаси икки-уч жуфт кавуш олиб қўяди. Лапар айтувчи

шулардан бир пойини ушлаб туриб лапар бошлайди ва қизлар тўдасидаги лапарчи қизга узатади. Улар ҳам ўз навбатида лапар билан жавоб бериб, халиги бир пой кавушни рўпарадаги лапарчи йигитга олиб келиб беради. шу тариқа янгидан-янги лапарчилар уртага тушаверади.

Лапар билан қиз ва йигитлар бир-бирларига муҳаббат изҳор этиб, танишган ва аҳди-паймон қилишган. Ўз юрак дардларини музыкасиз маълум оҳангда ашула қилиб айтишган. Борди-ю лапар айтаётган йигит билан қиз бир-бирин ёқтириб қолса, лапар айтиб туриб бир-бирларига совға беришган. Масалан, йигитлар кўпинча кавуш билан бирга танга, сўм берсалар, қизлар қийикча, даструмол, атир, совун ва шу каби нарсаларни кавушнинг ичига солиб қайтаришган.

Қиз базмида кўпдан бери айтилиб келинган лапарлар такрор айтилар ва янгилари ҳам ижод қилинарди. Одатга кўра, базмдан аввал зиёфат берилади, машъала ёқилади, сунг ўйин бошланади, кейин лапарга ўтилади.

Лапар Тошкент атрофи туманларида, Жанубий Қозоғистон ўзбеклари орасида кенг тарқалган. Лапарни кўп билувчиларни лапарчи деганлар. Айрим тўйларга махсус лапарчилар ҳам чақирилган.

Лапарчиларда кўпинча ҳазил-мутойиба, пичинг, қочирик, рамз, шама килиш, ноз-карашма, араз, зарда, тенгсизликдан, шум такдирдан зорланиш, алам, изтироб, қувонч, хушчақчақлик, ғоят гўзал, теран, мураккаб рухий кечинмалар, ҳис-ҳаяжонлар серзавқ мусиқий сатрларда ифодаланган.

Кошингнинг қаросига қотгин мани,
Ошиқлик бозорида сотгин мани,
Ошиқлик бозорида олмасалар
Кипригингни ўқ қилиб отгин мани.

Аввал бошлаб айтганда қиз бошламас,
Қиз бошлаган лапарни эл хушламас,
Айтмайин деб бир хиёл қилиб эдим,
Ёру жўрам қўймади, энди бўлмас.

Демак, лапарлар ҳам асосан тўртликлардан ташкил топган воқеабандлиги, диолог шаклида икки томон бўлиб, ижро этилиши билан характерланади. Бу жиҳатдан улар ўланга ўхшаса-да, ғоявий-бадий хусусиятлари, тасвир объектлари, унда қуйланган ҳаёт тарзи, образли фикр юритиш даражаси билан бир-биридан ажралиб туради.

ЎЛАН

Никоҳ тўйлари, баъзан байрам кунлари, айрим йиғинларда, асосан чолғусиз, айтиладиган ўланлар кўпроқ чорвадорлар, деҳқонлар орасида тарқалган. Ўланларда чўпон йигит билан чўпон қиз севги дардларидан баҳс этиб, сўзамолликда, чечанликда, одамийликда бир-бирларини синагандай бўлади, мусобакадош томонлар бир-бирларига совға беради. Ўланлар

кўпинча 11 бўғинли тўртликлардан уюшган бўлиб, одатда биринчи, тўртинчи сатрлар, баъзан тўрт сатр қофияланиб келади. Масалан, йигит шундай ўлан айтади:

Ўйна туриб деганда, ўйна туриб,
Ўртанаман, қўяман сени кўриб,
Ўртанганда-куйганда сени кўриб,
Эрмаклайсан, куласан лабинг буриб.

Ўланларда қочириқ, севги ҳарорати, ёшлик шўхликлари гоёт самимий, келажакка умудворлик руҳи билан йўғрилган ҳолда тараннум қилинади. Даврларда улан айта билиш ўзича бир салоҳият, ижрочилик санъатини эгаллашни талаб этади. Ўланларни бадиий-эстетик дидли, хуш қилиқли, камтарин, очик кўнгилли, дўстга садоқат руҳида тарбиялашда, айниқса, катта аҳамиятга эгадир.

Келин салом. Келинчакни куёвнинг яқин қариндош-уруғлари билан таништириш маросимида келинсалом ёки беточар қўшиқлари айтилади. Анъанага кўра кайвони (дастурхончи) келинни тушадиган уйга дарвозадан олиб киришдан бошлаб айтади. Уй эгалари, тўйга келганлар эса «алик салом» деб жавоб қайтарадилар. Бухоро ва Самарқанд вилоятида анъанавий «саломнома»лар ўқилади. «Келин саломда» кайвони куёвга қайната, қанана ҳамда тоғалари, аммалари, холаларига салом берганда таъриф-тавсифлар орасида ҳазилнамо гапларни қўшиб чатиб юборади. «Келин салом»га қатнашган аёллар бундан роҳатланиб, куладилар. Танқидий ҳазил ҳам, кулги ҳам беғубор, бундан ҳеч ким хафа бўлмайди. Аслида «Келин салом»да айтиладиган қўшиқлар аввалдан ижод қилинган эса-да, кайвони тилидан гуё янги келиннинг қариндошлари табиатига мос тушадиган қилиб, ҳозиргина ижод қилингандай туюлади. Кўп ерларда «Келин салом» уч сатрдан, Фарғона водийсида тўртликлардан ташкил топади. Асосан, аввалги икки сатр ўзаро қофиядошдир.

Кайвони: Боғ орқасидан йўл берган,
Хамёнидан пул берган
Қайнатасига салом.

Аёллар: Алик салом.

Кайвони: Сув кечгани эринган,
Уғил туғиб керилган,
Қайнанасига салом.

Аёллар: Алик салом.

Кайвони: Ариқдаги зулукдай,
Қоши-кўзи пиликдай,
Қоқиб қўйган иликдай,
Овсинига салом.

Аёллар: Алик салом.

Кайвони ҳазиломуз келин саломларни бирваракай тўкиб, одамларни кулдириб, айтаверади. Берилаётган тавсифлар номи тилга олинган кишини тўла тасаввур этишга ёрдам беради:

Томга босган буйрадай,
ўўзадаги печакдай,
Юришлари тўрадай,
Қайрилмачоқ гажакдай,

Куёв йигитга салом.
Очилган гул печакдай
Қайнэгачисига салом.

Айрим ерларда келинга қариндош бўлмиш кишиларнинг, шунингдек, тўйда астойдил хизмат қилганларнинг номлари бирма-бир айтилади:

Боқувдан чиккан отдек,
Икки бети банотдек,
Ҳабибуллога салом.

Яна халқ орасида куёв томонидан келин томонга атаб, шунингдек, келинникига куёв навкарлари билан келганларида қиз томонидан айтиладиган «хуш келибсиз», шунингдек, «Тўй муборак» қўшиқлари ҳам бўлиб, улар ҳозир ҳам кенг тарқалган.

ЙИҒИ-ЙЎҚЛОВЛАР

Қадрдон кишисининг вафоти муносабати билан аёллар томонидан йиғлаб айтиладиган аза, йиғи, йўқлов, айтим, бўзлов кикларида марҳумнинг энг яхши сифатлари йўқланади, шафқатсиз ўлим туфайли бошга тушган мусибат, жудалик дарди ғам-алам билан изҳор этилади. Йиғиларни бошловчилари бўлади. Буларни гўянда ёки йиғичи дейилади. Ҳар бир тўртликдан сунг аёллар бир оҳангда «ув» тортиб йиғлайдилар «Йиғи- йўқловлар» рамзий тасвирий воситаларга бой бўлиб, уларда ғамгузорида айрилган кишининг куйиб, ўртаниб айтган қўшиқлари тингловчи кўнглини ғоят каттик ларзага солади, ҳаяжонлантиради. Ота-она вафот этса, «вой отам», «вой онам», эр ёки хотин вафот этса «вой тўрам», «вой уйим» деб йиғи берилади.

Дод ўлимнинг дастидан, вой отам,
Фарёд ўлимнинг дастидан, вой отам,
Баланд тоғлар паст бўлдим, вой отам,
Ўлганингиз рост бўлдим, вой отам.

«Йиғи-йўқловлар», айтим, марсиялар бугунги кунда ҳам яратилган. Ёзма адабиётда йиғи ғазалларини марсия дейилиб, жуда қадим замонлардан бери яратилиб келган.

ЛИРИК ҚЎШИҚЛАР

Халқнинг энг яхши орзуларини ифодалаган, юксак инсоний фазилатларни бой ва чуқур кечинмаларда акс эттирган, якка ҳолда ва жамоа бўлиб, маълум куй билан ижро қилинадиган қўшиқларга лирик қўшиқлар деб айтилади. Мавзу жиҳатдан ранг-баранг булган лирик қўшиқлар инсон қалбидаги туйғу ва ҳисларни кенг ёритади. Халқнинг лирик қўшиқларига хос хусусият шуки, уларда меҳнаткаш халққа хос камтарлик, поклик, самимийлик равшан акс этади.

Беқасам тўнлар кийиб,
Мунча мени куйдирасан.
Ҳар замонда бир қараб,
Ўлмай туриб ўлдирасан.

Бундай қўшиқлар ўзининг дилраболиги. ёқимли оҳанги, тасвирий усул ва воситаларнинг хилма-хиллиги билан инсон руҳий дунёсини акс эттиради.

Машҳур «Танавор» қўшғида эса ишқ ўтида ўртанган ёрнинг арз-додини эшитасиз. Кизнинг дардчил куйида, фарёд чекишида замоннинг бевафолигидан шикоят, ҳижрон, айрилиқ дардига даво тополмай куйиб кул бўлганлиги ўз ифодасини топади.

Қора сочим ўсиб қошимга тушди, дўст ёр,
На савдолар менинг бошимга тушди, дўст ёр,
Бориб айтинг ўшал бевафо ёрга, дўст ёр,
Танамдан ўт чиқиб, бағрим туташди, дўст ёр.

Фикрни савол-жавоб йули билан тимсолий шаклда ифодалаган «Гул ўйин» деб номланган қўшиқда севишган икки юракнинг бир-бирига арзи ҳол айтиши табиат гўзаллиги тасвири орқали берилади.

-Мен юрган овчи бўлиб,
Милтиқлаб отиб олсам,
Ёр, анда на қилгайсан?

Чорвадорлар орасида анча кенг тарқалган «Чўпон йигит билан қиз айтишуви»да ҳам инсон ҳаёти ва табиатнинг мураккаб ҳодисаларига ишора қилинади.

Киз: Сарала қоплон сен бўлиб,
Чайир мерган мен бўлиб,
Отиб олсам қайтасан?

Чўпон: Чайир мерган сен бўлсанг,
Капча илон мен бўлиб,
Чақиб олсам қайтасан?

Юқоридаги айтишувда халқ фикр-ўйлари, орзу-умидлари мантикий далилларда бой, гоят тийран ифодаланади.

Оддий халқ ўртасида ҳажвий қўшиқлар ҳам учрайди. Бундай қўшиқларда пичинг, захарханда кулгу, киноя муҳим ўрин тутаяди

Ўргимчакдай тўр ёйган,
Мих ютгандай ғўдайган,
Бўлиси «Омон бўлсин»!

Қўлида урма камчи,
Сур тулкидай алдамчи,
Мингбоши «Омон бўлсин»!

Лирик қўшиқлар кўпчилик ҳолларда биргина тўртликдан, баъзан эса, бир неча тўртликлардан ташкил топади. халқ қўшиқларида, айниқса, улар маълум куй билан айтилганда, купинча нақарот қўлланади. Нақаротлар ранг-барангдир:»Кадамингда гуллар очилсин», «Чаманда гуллар очилди-ё», «ўайро-ғайро дам бадам, оромижоним қайдасан» ва бошқалар.

Юкорида келтирилган қўшиқлар халқнинг нафосат ҳақидаги орзулари, тушунчалари, бадий ифодаланган. Ўзбек халқ қўшиқлари давр билан ҳам нафас бўлиб ривожланади, ҳаёт қомуси сифатида авлодларни тарбиялашда қимматли манба бўлиб келади.

ХАЛҚ ТЕРМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг мустақил жанрларидан бири-термадир. Терма атамаси ўзбек фольклоридаги бир жанрни англатади. Термаларнинг яртилишида бахшиларнинг хизмати катта. Терма атамасининг луғавий маъноси танланган, сайланган, териб танлаб тизиш демакдир.

Панд-насихат, одоб - ахлоқ, соз ва сўз ҳақида яратилаган, ижтимоий ҳаётдаги турли ходисалар, инсон ва жониворларнинг таърифи ёки танқидига бағишланган, бахшилар томонидан куйланиб, 12 сатрдан 200 сатргача бўлган лирик, лиро-эпик шеърларга терма дейилади.

Достончи бахшилар ўртасида «Нима айтай?» термаси кенг тарқалган бу термаларнинг ҳажми айтувчининг достончилик репертуари билан боғлиқ. Бахшилар достон бошламасдан олдин даврадагиларнинг диққатини ўзига жалб учун терма бошлайди. Бу термаларда бахши ўзининг достонлари рўйхатини баён қилади. шу тариқа достон куйлаш жараёни бошланади.

Термаларнинг каттагина қисмини таржимаиолни куйловчи асарлар ташкил этади. Бундай термаларда бахшилар дўмбираси, дутори баъзан қўбизига мурожаат этиб, уларни суҳбатдошдай жонлантириб, ҳаётининг айрим дақиқаларини, ўз достонларининг айрим хусусиятларини баён этиб боради, Масалан, Пулкан шоир шундай куйлайди;

Янги тор тортай торингни узиб,
Ундан сўнг сўйларсан суягинг кизиб,,,
Одамлар кетмасин мажлисни бузиб,
Москов, Нижний, Қозон, Нўғойин кезиб,

Шаҳарни қидириб юрган дўмбирам.

Шоирнинг наздида унинг сози товушига қувват, мажлисга косагул,
улфатларни кўнглини олувчи ёрдамчидир.

Уч-тўрт оғиз мақтаб қўяй ман сани,
Қовурғангдан қириб солган рандани,
Хониш қилсам ёлғиз қўймайсан мани,
Хонишимга ёрдам берган дуторим.

Термаларда халқимиздаги мардлик ғурури, садоқатлик ифтихори, ҳалол меҳнаи билан фахрланиш ҳис-туйғуси алангаланиб туради. Шундай асарлардан бири Гўрўғли тилидан айтиладиган «Кунларим» термасидир. Термада «Гўрўғли» туркумига кирувчи ҳар бир дoston воқеаларига чиройли бир ишора бўлиб, бунда халқпарвар Гўрўғли ва унинг босиб ўтган йўли тингловчи кўз ўнгида яққол намоён бўлади. Бахшилар куйлаб келган «Борми жаҳонда», «Армонинг қолмасин», «Гўрўғли», «Гўрўғлибек-зўр ботир» каби термалар шу мавзулардаги термалардир.

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Тил, фалсафа ва бадий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир. Соддароқ қилиб изоҳлаганда, мақол халқнинг кўп асрлар мобайнида ижтимоий иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тўплаган тажрибалари, кузатишлари асосида юзага келган ихчам, чуқур мазмунга эга бўлган оғзаки ижод жанрларидан биридир. Мақол атмаси арабча -«қавлун»- гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган, у айтиб юриладиган ибора, ифодалар, асосан, мақол жанрини ҳосил қилади. Мақол ҳар бир халқнинг оғзаки ижодида учрайдиган жанрдир. Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаси халқ мақолларида акс этган, Мақол халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларидан ажралиб туради, Масалан, достон, эртак, афсона ва ривоятлар, латифлар воқеликни ҳикоя тарзида акс эттирса, мақоллар халқнинг ана шу воқелик ҳақидаги худосалари, ҳукмлари орқали ифодалайди.

Ҳажман ихчам бўлган мақолда баёни достонларга жо бўлган воқеалар мужассамланган. Мақолда фикр аниқ, тугал хулоса, лўнда ҳукм тарзида ифодаланади. Мақоллар ўз маъносида ва кўчма маъноларда қўллана олади:

Ўз маъносида қўлланган мақоллар:»Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда».

Кўчма маънода қўлланган мақоллар; «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар»

Фақат кўчма маънода қўлланувчи мақоллар; «Балиқ бошидан чирийди»

Олимларимиз халқ мақолларини қуйидагича таснифлайдилар:

1. Алфавит тартиби.- Бунда мавжуд мақоллар тўпламда алфавит тартибида жамланади.

2. Мавзу бўйича тасниф. Таснифнинг бу турида эса тўпланган мақоллар муайян мавзулар бўйича гуруҳларга ажратилади.

3. Поэтик тасниф- Мақолларнинг кўпчилиги давлар ўтиши билан маъноси ўзгариб боради, илгари ўз маъносида қўлланган мақоллар кейинчалик фақат кўчма маънода қўлланиши мумкин.

4.Тарихий тасниф-Мақоллар жуда қадимий ва айни пайтда замонавий жанр. Мақоллар турли даврларга мансублиги билан ҳам бир-биридан фарқланади. «Қум йиғилиб тош бўлмас, қул йғилиб бош бўлмас», «Қул кутурса, кудукка туфлар»- бу мақоллар қулдорлик даври мақоллари, «Амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши», «Бекка етгунча белинг синар»- каби мақоллар ҳозир кўчма маънода ишлатилади

5. Мақолларни тузилишига кўра тасниф этиш. Бунда мақоллар таркибидаги мантикий марказлар миқдорига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади; икки қисмли мақоллар-«Айтилмаган ерга йўнилмаган таёқ», тўрт қисмли мақоллар:

Арғумоқда ёл йўқ деб,

Йўлга ташлаб кетманглар.

Эр йигитда мол йўқ деб,

Ёвга ташлаб кетманглар.

Мақолларда кўпроқ ТАЗОД (зид қўйиш) санъати қўлланади. Масалан: «Дўст ачитиб гапирар, душман қулдириб», «кўп ўйла, оз сўзла»

Мақолларда яна бир санъат ИСТИОРА (метафора) яъни ўхшатиш қўлланади. Масалан; «Эт билан тирноқни ажратиб бўлмас».

Ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккуримизмантикини ҳайратомуз бир қудрат билан намоёиш этган ва эта оладиган бундай бадиият қатралари халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Бу бадиий ойнада унинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлокий-эстетик ва фалсафий қарашлари, қисқаси, Ўзи ва Ўзлиги тўла намоён бўлгандир. Шунинг учун ҳам мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатларда, бадиий, тарихий ва илмий асарларда, сиёсий ва публицистик адабиётда доимий равишда қўлланилиб келган ва қўлланмоқда. Йиллараро, даврлараро уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг- жонли муомилада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. Хатто уларнинг муайян қисми унутилиб кетган.Чунки узбек халқининг бундай улкан фольклор мероси фольклористика нуктаи назаридан кейинги асрларгача деярли тупланмай ва урганилмай келган. бндан халқ мақоллари утмиш адиблари, шоирлари тарихчилари эътиборидан мутлоқо четда экан, деган хулоса чиқармаслигимиз керак. мақолга адабий нуктаи назардан кизиқиш, асар бадиийлигини ошириш ва бадиий тил равонлигини таъминлашучун ундан фойдаланиш ҳамма замон суз санъаткорларини диққат марказида булган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Рабғузий,

Лутфий, Алишер Навоий, Бобур. Абдулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Нодира, Фурқат, Чўлпон, Абдулла Кодирӣ, Ойбек, Ҷафур Ҷулом ва бошқа ўнлаб ижодкорларнинг асарлари синчиклаб урганилса, уларнинг таркибида канчадан-канча мақоллар баъзин айнан узгарган ҳолда мавжудлигига каноат ҳосил қиламиз. Тарихимизда ҳатто мақолга махсус, агар таъбир жоиз бўлса, фольклористик нуқтаи назардан, гарчи эпизодик характерда бўлса-да, муносабатда бўлган ҳолларга ҳам дуч келамиз. XI асрнинг улкан тилшунос олими, фольклоршунос ва этнограф Маҳмуд Қошғарийнинг тўпловчилик фаолияти ва унинг «Девону луғотит турк» асари бунга ёрқин мисол бўла олади. «Девон»да турли муносабатлар билан туркий халқлар орасида кенг тарқалган 400 га яқин мақол ва маталлар ҳам келтирилади. Уларнинг аксарияти бугун ҳам айрим ўзгаришлар билан тилимизда муваффақиятли равишда ишлатилмоқда. Бу ўринда адабиётимиз тарихида мақоллар асосида яратилган асарлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Масалан Муҳаммад Шариф Гулҳанийнинг «Зарбулмасал» асари таркибида 300 дан ортиқ мақол бор. ёки Сулаймонқул Роҳий ўзининг «Зарбулмасал» асарида 400 дан ортиқ мақолни шеърӣ вазнга солганлиги ҳам эътиборга лойиқ ҳодисадир. Ўзбек халқ мақолларига муайян бир тартиб берилиб мажмуаларга киритиш, улардан махсус тўпламлар тузиш ишлари эса, XIX асрнинг иккинчи яримдан бошланди. Масалан, венгер олими Х.Вамберининг 1967 йилда Лейпцигда нашр этилган «Чиғатой тили дарслиги» хрестоматия- луғатига ўзбек фольклори ва адабиётининг айрим намуналари қатори 112 та мақол киритилган бўлиб, уларнинг немис тилига таржимаси ҳам берилган. шундан кейин бирин-кетин Н.Остроумов (1895), Б.Раҳмонов, (1924), Ҳ.Зарипов (1939,1947), Т. Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусоқулов (1989) каби фольклоршунослар, фан ва маданият ходимлари томонидан тузилган турли характердаги ва турли ҳажмдаги мақоллар тўпламлари нашр этилди. М.Абдураҳимов, Х.Абдураҳмонов, М.Содиқова каби олимларнинг тилшунослик ва таржима шунослик йўналишидаги тўпламлари юзага келди. Шунингдек, Е.Чернявский, В.Рўзиматов (1959), Н.Ғацунаев (1983, 1988), А.Наумов(1985) каби таржимонларнинг меҳнати билан ўзбек халқ мақоллари рус тилида ҳам айрим-айрим тўпламлар сифатида босилиб чиқди.

Мақоллар кўп асрлик ҳаётӣ тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар ҳулосасини тугал фикр тарзида қатъӣ кутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма хиллиги, ибораларни турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади. Аммо кўлланиш ўрнига қараб уларнинг маъно доираси доимий равишда кенгайиб боради. шунинг учун мақолдаги ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш керак.уларда шундай сўзлар борки, бу сўзлар тарихан бутунлай бошқа маъноларни англатган. Масалан, туз сўзи бугунги кунда минерал моддани билдиради.тарихан бу сўз тўғри, одобли; дала, текислик маъноларини англатган ва факат

мақоллардагина сақланиб қолган. Қиз сақласанг, туз сақла. Туздаги билан эмас уйдаги билан бўл. Шунингдек, меҳнат сўзининг азоб-укубат, бахтсизлик маъносини ҳам факат мақолларда ёки айрим шевалардагина учратишимиз мумкин. «Меҳнат ҳам эгиз-эгиз, Давлат ҳам эгиз-эгиз».

Сўз санъатининг маҳсули сифатида мақоллар ҳам бадиият ходисалариди уларда бир сўзнинг юзлаб маъно қирралари, бадиий тасвир воситалари, поэтик кўчимларининг барча намуналарини учратиш мумкин.

Мақоллар сўз санъати маҳсули сифатида ўз маъносида, кўчма маънода ва ҳар иккала маънода қўлланиши мумкин шунинг учун уларда бадиий-тасвирий воситаларининг хилма-хил шакллариغا дуч келамиз. Аммо мақолларда ўхшатишнинг кам ишлатилишини унинг бу жанр учун характерли эмаслигини ҳам курамиз. Мақолларни ўзгартиришлар билан ўзгартириб қўлласак, одатда улар ўз мақоллик хусусиятларини йўқотади. Масалан: Булбул чаманни севар, Одам - Ватанни мақолини Булбул чаманни севгандай, одам Ватанни севар ёки Дехқон бўлсанг шудгор қил, Мулла бўлсанг такрор қил. Мақолини Дехқон шудгор қилгандай, мулла бўлсанг такрор қил деб кўрайлик-чи... бутун маъносизлик юзага келади. Масалан Устоз отангдан улуғ мақоли Устоз отангдай улуғ тарзида бузиб қўлланмокда. Бунда отани камситиш холати йўқ, шундай бўлганда халқ Ота рози-худо рози деган мақолни яратмас эди. Бу ерда устоз ҳурматини бўрттириш бор. Қолаверса, халқда барча одамзоднинг биринчи якка ягона устози Оллоҳдир деган тушунчалар ҳам бор. Иккинчидан устоз билан тенглаштириб қуйилса, мақол мазмуни бутунлай ўзгариб, халқ карашларига зид булиб қолади. Тугри, куп вариантлилиқ мақоллар учун хос ходиса. Аммо бу мақолларни истаганча ўзгартириш мумкин дегани эмас.

Мақоллар кетма-кет келганда, бири иккинчисини инкор этгандек, бир-бирига зиддек туюлиши мумкин. Аслида эса, кулланиш вазиятга қараб турли-туман маъно мазмунни ифодалаганлигини унутмаслик керак. Куйидаги мақолларга эътибор қилинг:

Купни ёмонлаган кумувсиз қолар.

Купни ёмонлаган кумилар.

Ёки:

Хисоблашган дуст эмас.

Хисобли дуст айрилмас.

Маълумки, халқимиз марҳумларга алоҳида ҳурмат қурсатади. Тириклигида қанчалик ёмон булишмасин, улар ҳақида ёмон сўз айтишдан, гарчи тугри булса ҳам тийилади. Мақолда эса бундай кишиларнинг азасига ҳам кишилар истар-истамас келиши, тилида айтмаса ҳам, дилида уларнинг аслида қим бўлганлигини унутмаслиги ўз ифодасини топган. Бундай қатъий ҳукмда ўзига хос огоҳлантириш тасвирланган.

Купни ёмонлаган кумилар.

Бу ерда ҳалок булар, эл назаридан қолар деган маъно ифодаланган.

Хисоблашган дуст эмас.

Баъзи кишилар арзимас хизматларини ҳам дустга миннат килишади. Бу ерда суз уша ҳақда кетмоқда.

Хисобли дуст айрилмас.

Бу мақолда эса дуст киши дустнинг яхшиликларини унутмаслиги, доимо ёдда тутиши керак деган маънони ифодаламақда.

Мақолларнинг жонли жараёнда, вазиятга қараб қулланилишидан мазкур тупламга ҳос яна бир хусусият келиб чиқади, яъни баъзи мақоллар мисралар урни алмашган ҳолда мавзуларда такрорланган. Бу туплам ҳажмини сунъий равишда қупайтириш учун тузувчилар уйлаб чиққан нарсаси эмас. Тупламдаги барча мақоллар халқдан ёзиб олинган ва уларни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва Адабиёт институтининг фольклор архивида сақланади.

Яна бир мулоҳаза: Юртимиз мустақилликка эришуви туфайли қуп нарсалар ижобий қутбга узгаради. Жумладан: диний қадриятлар тулалигича тикланди. Мақолларнинг ҳам қулланишида турфалиқлар юзага келди. Аммо диний қадриятларнинг тикланиши дин никобида юрган текинхурлар, ёвузлар бутунлай йуқолди дегани эмас. Мутаасиблик ҳозир ҳам мавжуд. Чаласавод мулла, Имомлар ҳозир ҳам топилади. Динни никоб қилиб, бутун дунё тинчлигига раҳна солаётган экстремистларни ҳам инқор қилиб бўлмайди. Тупламда дин билан боғлиқ мақоллар ана шулар ҳақида эканлигини қитобхон яхши билади деб уйлаймиз. Шунингдек, бундай мақоллар тарихан турли-туман муносабатларни ифодалаганлигини, тилимизда асрлар давомида ишлатилиб келиниб келиниб, бугунги кунда эса асосан қучма маънода қулланиши ҳам унутмаслик керак.

Мақоллар туплами бир забот билан уқиб чиқиладиган асар эмас. Унга барча соҳа қишилари турли муносабат билан ҳар доим, ҳар қуни муружаат қилишлари мумкин. Шу йиллар давомида ўзбек халқ мақолари бир неча марта «Тафаккур гулшани», «Ақл ақлдан қувват олар», «Донолар бисотидан», «Денгиздан қатралар» номли туплам бўлиб маънавий қадриятимизнинг шарқона, лунда ва ёрқин ифода этилган ҳолда қоп этилди..

АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР

Қичик ҳажмли, мазмунан содда баён вва ҳикоялар шаклида ташқил топган афсоналар ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг қадимги намуналаридан ҳисобланади. Афсоналар ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисаларни ҳаёлий шаклда ҳикоя қилади. Улар инсониятнинг табиат ва ҷамият ҳақида қилиш ва тушунишга бўлган интилиши жараёнида вужудга келган. шунинг учун ҳам афсоналар ижтимоий ҳаёт ва маданият, дунёқараш ва руҳий қечинмалар, урф-одат ва тарихий ҳодисалардан дарак беради.

Афсона форсча суз булиб, фантастика, сеҳр-жоду ҳамда ҳаётий уйдурмалар асос булган насрий хикоялар демакдир. Аристотель таъбири билан айтганда, афсоналар ҳақиқатдан дарак берувчи ёлғон хикоялардир. Афсоналар кўпроқ диний ҳодиса ёки воқеаларни тўқийдиган афсоналарга бўлинади. Бу хилдаги афсоналар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида саш сузи оркали ифодаланган булиб, жуда кенг маънони билдиради. Бу суз девонда хикоя ҳамда кисса деб изоҳланган. Маҳмуд Кошғарий хикоя билан киссани «утмиш воқеалардан хабар берувчи», деб таърифлайди ва уз фикрларини ривожлантириб: «Хикояларда факат утганлар ҳақида айтилиш шартмас», деб уктиради. Ҳақиқатдан ҳам утган воқеалар ҳақида хикоя килувчи огзаки киссалар ҳаёлий уйдирмадан ташкил топган воқеаларни ҳам четлаб утмаслиги шубҳасиздир. Хикоянинг бу хил формасининг бу хил формасида сеҳр-жоду, фантастик элемент ҳамда ҳаётий уйдирмаларнинг булиши уз-уздан маълум. Демак, сав фактик воқеа ҳам, ҳаёлан тукилган ҳодисаларни хикоя килади. Шундай экан, бу суз шакл ва мазмун эътибори билан турлича булган икки хил хикояни ифодалайди. Биринчи-узок утмиш воқеаларини факат ҳаётий уйдирмалар асосида талкин этувчи хикоялар, иккинчи - муайян тарихий воқеалар ёки ҳаёлан тукилган ҳодисаларни сеҳр-жоду, фантастик уйдирмалар қобигида талкин этувчи хикоялар.

Шуни айтиш керакки, биринчи тур хикоялар узининг шакл ва мазмунига кура ривоятларни, иккинчиси эса, купрок афсоналарни эслатади.

Афсоналарни тематик жиҳатдан уч хил турга булиб урганиш мақсадга мувофиқ. Биринчи - ҳаёлий воқеа ва ҳаёлий қаҳрамонлар ҳақида хикоя килувчи афсоналар иккинчиси - тарихий воқеа ва тарихий шахслар ҳақида хикоя килувчи афсоналар, учинчи жангнома типдаги афсоналар ёки қаҳрамонлик афсоналари.

Ҳаёлий воқеа ва ҳаёлий қаҳрамонлар ҳақида хикоя килувчи афсоналар ибтидоий дунёқараш, у ёки бу кучни муқадас билиб, унга сизгиниш, эътиқод қуйиш ҳамда севги-садоқат қаби кечинмалар таъсирида пайдо булган «Девқалъа», «Ширин киз», «Қалта минор», «Илон бузган» сингари тукима афсоналар мазкур туркумга оиддир. Бу афсоналар Урта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган. Улар инсонларнинг бекиёс кучи ва гузаллигини мадҳ этади. Бу афсоналар фантастик уйдирмалар заминида нақл этилган булиб, сюжети купрок ҳаёлий эпизодлардан ташкил топади ва маълум бир тарихий жойлар, тепаликлар, қалъалар билан боғлиқ равишда хикоя қилинади. Қорақум саҳросида «Ёрбақир», «Ширвон», «Шама», «Халаф» номи билан машҳур булган қалъаларнинг харобаралари мавжуд булиб, улар «Шохсанам ва Ғариб» афсонаси, «Девқалъа» эса, Шарқда машҳур булган «Фарход ва Ширин» афсонаси билан боғланади.

«Девқалъа» афсонасида мифологик тасаввурларнинг излари сақланганлиги унинг жуда қадим замонларда яратилганлигини кўрсатади.

Бирок у бизгача муайян узгаришлар билан етиб келган. Шунинг учун ҳам Девкальанинг курилиш сабаби соф севги-мухаббат, яхшилик ва ёмонлик хақидаги тушунчалар билан боглик холда вафодорликнинг рамзий ифодаси сифатида хикоя килинган.

Курамизки, афсонани ташкил этган воқеа ва ходисалар тизмаси хақиқатдан дарак беришга қаратлган. Хар бир ходиса ҳамда бош қахрамон талкинида эпик рух ҳукмрон. Бунда фантастик уйдирма сюжет асосини ташкил этиб, воқеалар тизмасини узаро боғлаш, ҳаракатлантириш, айна чокда бадиий безак вазиғасини бажаради, асар ечимида эса ҳал қилувчи роль уйнаб, таъсирчанликни оширади. Халқ Фарход сиймосида яхшилик, мислсиз қуч-қувват ва ижодий меҳнатнинг умулашма образини яратган. Жодугар эса ибтидоий ялмоғизнинг ҳаётий варианты, айна пайтда ёвуз қучнинг ҳаёлий образидир. Демак, афсона мардлик ва қахрамонлик, қуч ва қудрат, вафодорликнинг ажойиб ифодасидир.

«Ширин киз» афсонаси космогоник миф билан боглик булиб, халқ орасида кенг ёйилган. Бу афсонада Ширин гузаллик тимсоли сифатида талкин этилган булиб, ифғатли аёлларга ҳос ахлоқ намунаси уз ифодасини топган. Бирок ана шу маънавий гузаллик ибтидоий дунёқараш, миф уйсинисида берилган. У ой хақидаги содда тушунчани хикоя қилади.

Курамизки, афсона сюжети ҳамда қахрамонлар талкинида эртақларга ҳос ҳусусият мавжуд булиб, фантастик уйдирмалар воқеалар тизмасини ҳаракатлантиради, конфликт ечимида ҳал қилувчи роль уйнаб, мардлик ва гузаллик ва нағислик, назокатни тасдиқлади, таъсирчанликни оширади.

Афсонада чиқарилган ҳулоса муайян факт мисолида тасдиқланади. «Нима учун ойда доғ бор?», «Нима учун у осмонда?» деган ибтидоий саволларга жавоб берилади.

Ислом дини билан боглик булган афсоналар ҳам ана шу гуруҳга мансуб. Бу ҳил афсоналар динга алоқадор ғайри табиий, ғайри муқаррарий воқеа-ходисалар хақида хикоя қилади. Шунинг учун ҳам унда диний тушунчаларни тарғиб қилиш ҳусусияти ва панд-насихат асосий уринни эғаллайди. «Ҳазрат Али», «Қурқут ота», «Юсуф қиссаси» қабилар шундай афсоналардир.

«Бароктом», «Шохсанам ва Ғариб», «Ҳазорасп», «Искандар» ва «Афросиёб» қабил афсоналар тарихийжой ва тарихий шахслар билан боғланган. Уларда воқелик фантастик йуналишда хикоя қилинади. Бу ҳилдаги афсоналар қупрок муайян ходиса, қабил ва элат, географик жой-қалъа, макбара, қургон, сарой, минора, дарё, денғиз, шаҳарлар билан боглик булиб, уларнинг юзага қелиши ва хайрон булиш сабаблари, у ёки бу номнинг пайдо булиши тарихидан ҳабар беради. Шу жихатдан «Ҳазорасп»нинг афсонаси характерлидир.

Ривоятлар ҳаётий воқеаларни ҳаётий уйдирмалар воситасида акс эттирувчи оғзаки ижод жанрларидан биридир. Ривоятларда тарихий

вокеалар ва айрим шахслар билан боғлиқ бўлган воқеалар, кишилар турмуши, географик жойлар, сахро, кўл. денгиз. шаҳар қишлоқ қалъа. Сарой ва бошқаларнинг барпо булиши ва вайрон бўлиши ҳикоя қилинади. Ривоятлар у ёки бу воқеа ҳақида хабар бериши ва уни тасдиқлаш вазифасини ўтайди. ривоятлар мавзусига кўра тарихий ва жой номлари билан боғлиқ ривоятларга бўлинади

Ривоятларда айтишларича, бир жойда минг учар отни тутиб олиш учун уларнинг доим келиб сув ичадиган булогига беҳуш киладиган дори солиб қуядилар. Шу хийла билан учиб келиб отларни тутадилар, канотларини киркадилар ва уларни инсон меҳнатига мажбур этадилар. Шушу уша жойнинг номини Хазорасп (Минг от) деб юритганлар.

Баён шаклида етиб келган бу афсона мазкур номнинг юзага келиш сабабидан дарак беради. Хар икки афсонада ҳам исботловчи фактлар ишончлик манба эмас, уйдирмадан иборат. Шунинг учун ҳам топонимик характердаги афсоналарга доимо ишониб бўлмайди. Улар факат масаланинг у ёки бу белгиси, деталинигина аниклаши мумкин. Шунга қарамадан, «Бароктом» ва «Хазорасп» афсоналари қабила осойишталиги, эркин ва озод ҳаёт ҳақидаги орзуларни ифода этган.

Тарихий жанрлар ҳақида ёки унинг таъсирида яратилган «Тумарис», «Широк», «Зариадр ва Одатида», «Гулдурсун» каби афсоналар қахрамонлик ёки жангнома типигаги афсоналардир.

Қахрамонлик афсоналарини фактлар ва тарихий воқеалар асосида юзага келган дейиш мумкин. Лекин улар муайян тарихийликни тугри ва аниқ акс эттира олмайди. Хатто ҳақиқатга зид бўлган ахборотни талкин этган булиши мумкин. Чунки хар бир ҳикоя қадимий инсон дунёқараши, содда, ибтидоий тушунча ва билимининг ҳулосаси сифатида майдонга келган. Шундай экан, уларда реал воқеалар билан боғлиқ бўлган элементлардагина сақланган.

«Тумарис» афсонасида тасвирланган массагетлар қабиласи ва бу қабиланинг эрон босқичларига қарши олиб борган курашлари тарихий факт. Умуман, хар бир афсона узи ташкил топган манбадан қанчалик узоқлашса, уша вовоқеликни акс эттириш хусусияти шунчалик хиралашади, охир оқибат тарихийлик изи йуқолиб кетади. Натижада у факат эстетик функцияни адо этувчи бадиий асарга айланиб қолади.

Уч хил турдаги афсоналарнинг хар бири узига ҳос композицион форма, бадиий тасвир воситалари, образлар системасига эга. Улар турли хил тушунча, билим, эътиқодини тасдиқлаш учун хизмат қилади. Биринчи ва иккинчи туркум афсоналар ҳикоя қилиш услубига қура купрок сеҳрли эртакларга яқин туради. Чунки уларда купинча ҳаёлий образлар иштирок этади ва улар эртакларга ҳос фон яратиб, умумийликни ифода қилади, айти пайтда у ёки бу воқеаларнинг факт эканидан дарак беришга, уни тасдиқлашга ҳаракат қилади. Жангнома типигаги афсоналар эса,

кахрамонлик дostonларига якин туради. Бирок, улар эртак ва дoston сингари шакли катъий эмас, унда умумфольклор асарларига хос бадиий тасвир воситалари аралаш холда кела беради.

РИВОЯТЛАР

Ривоятлар ҳаётий воқеаларни ҳаётий уйдирмалар воситасида акс эттирувчи оғзаки ижод жанрларидан биридир. Ривоятларда тарихий воқеалар ва айрим шахслар билан боғлиқ бўлган воқеалар, кишилар турмуши, географик жойлар, сахро, кўл. денгиз. шаҳар қишлоқ қалъа. сарой ва бошқаларнинг барпо булиши ва вайрон бўлиши ҳикоя қилинади. Ривоятлар у ёки бу воқеа ҳақида хабар бериши ва уни тасдиқлаш вазифасини ўтайди. ривоятлар мавзусига кўра тарихий ва жой номлари билан боғлиқ ривоятларга бўлинади.. Ривоятларда лутф ва назокат, ақл ва тадбир, ишк ва вафо, яхшилик ва одамийлик каби илгор гоялар жамиятда учраган зулм ва зурлик, ҳақсизлик ва адоват сингари иллатларга қарши қўйилади.

Ривоятларни икки туркумга бўлиш мумкин. Бири муайян воқеа ва тарихий шахслар билан боғлиқ бўлган ривоятлар. Тарихий ривоятлар бирор шахс фаолияти ва халқ кахрамонлари билан боғлиқ бўлган ходисаларни ҳикоя қилади, ахлоқ ва одобнинг идеал нормаларини ташвиқ этиб, муайян фактлар ҳақида ахборот беради. Алишер Навоий, Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Машраб каби олим ва шоирлар, Амир Темур, Султон Махмуд сингари тарихий шахслар ҳақида яратилган ривоятлар шулар жумласидандир.

Ривоятлар ихчам, пухта сюжетли, икки-уч эпизоддан ташкил топган бўлади. Аммо узгармас, катъий композицияга эга эмас. Ҳикоя қилинган воқеалар гуё тугалланмагандек, давоми бордек сезилади. Шунинг учун ҳам ривоят катта асардан узиб олинган бир лавҳа сингари туюлади.

Ривоятларни у ёки бу тарихий шахс ёки тарихий ходисалар гувоҳи бўлганларнинг, қурган билганларнинг эсдаликлари асосидаюзага келган бейиш мумкин. Бундай ходиса ривоят жанрининг узига хос хусусиятини бўлгилайди. Баъзи ривоятларда фактик воқеалардан асар ҳам қолмай, факат шахс номи ёки уни бирор белигисигина сакланиб қолиши ҳам мумкин.

Навоий билан боғлиқ бўлган бир ривоятда Хусайн Мирзо шинга қараб ётиб, вазирларига «олиб келинг» дебди. Саройда Алишер Навоий шу қуни йук экан. Вазирлар нимани олиб қелишни билмабдилар. Охири улар Алишерни топиб, бўлган воқеани айтдилар. Алишер уларга шох олдиға арра, теша билан уста олиб қиринглар, дейди. Шунда Хусайн устаға қараб «мана бу тоқини тузат!», -дебди. Қурамизки, бу халқ орасида қадимдан машҳур бўлган эртак сюжетиدير. «Эрқисиз фолчи», «Аёз» номли эртаклар ҳам ана шу сюжет асосида қурилган. Мазкур сюжет вазир Алишер Навоийнинг донишмандлигини, унинг тадбиркорлигини ҳикоя қилиш учун

зарурий восита булган. Демак кахрамонлар тарихий шахс, уларнинг муносабати-фактик ходисаларга мос, асар воқеалари эса тукимадир. Маълум буладики, эртак ёки латифага хос булган анъанавий сюжет ёки мотивлар тарихий фактларга монелик қилмак қилмайди, аксинча, уни тулдириб, бurtтириб, муҳим бўлиб белгиларни ёрқин қизиш, уларга аниқлик қиритиш, ташвиқ қилиш учун хизмат этади. «Олтин узук», «Ибн Сино билан қасал йигит», «Мир Алишер билан Султон Хусайн», «Навоий билан Чупон» ва бошқа ривоятлар бунга мисол була олади.

Беруний Улугбек, Жомий, Навоий номлари билан боғлиқ ривоятларда мазкур тарихий шахслар халқ орзусидаги, идеалидаги донишманд кишилар образидир. Уларга қарши қуйилган томонлар эса адолатсиз кишилар, золимлар сифатида қораланади. Демак ҳаётда мавжуд булган ухшаш характер, белги, хусусиятлар ана шу образлар атрофида жамланиб, умумлаштирилган.

Топонимик ривоятларда жой номларининг қилиб чиқиши билан боғлиқ ҳикоялар ифодаланади. Масалан: Андижон номини қилиб чиқиши ҳақидаги ривоят, тошкент номи билан боғлиқ ривоят. Ривоятлар халқ тарихи. унинг эстетик қарашларини ўрганишда зарур бўлган оғзаки ижод жанридир.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛОФЛАРИ

Латифа - арабча лутф, латиф¹ сузларидан олинган бўлиб, нозик, нафис маъноларини англатади. Латифа айтувчиларни латифагўй дейилади. Латифа халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, Халқ оғзаки прозасининг воқебанд, ҳажман кичик, юмористик характердаги халқ ҳажвиёти жанридан ҳисобланади. Латифалар жуда қадимий бўлишига қарамай, уларнинг Насриддин номи билан боғланиши нисбатан кейинги даврларга ҳосдир.

XIX асрнинг 2-ярмида Озарбайжон ёки Турк тилидан қилинган латифа таржималарининг тарқалиши билан ўзбек латифалари қахрамони номини Хужа Насриддин номи қилиб чиқарган ва барча латифалар унинг номи билан боғланган. Шундан кейин барча латифалар «Афанди латифалари», «Насриддин Афанди» ёки қисқагина қилиб «Афанди» деб юритила бошлаган.

Латифалар коллектив ижод махсулидир. Латифаларнинг хикоя килиш услуби мураккабликдан холи, ижобий кахрамон табиатида меҳнат кишиларининг хулк-атвориға хос соддалик мавжуд. Бу соддалик тағида серфаҳм, уткир заехли, «содда мугамбир», ҳамиша ақл кузи билан иш тутадиган, сузамол кишининг золимларнинг зулмидан, меҳнат аҳлининг хурликдаги ҳаётнинг барча кабоҳат ва иллатлари устидан захарҳанда кулгуси, ғазаб-нафрати, киноя ва пичинги яширинган айни чокда бу хушчакчак, очик кунгил дустнинг самимий, бегубор хангомаси, ичакни узукдек хандон қаҳқаҳаси, ҳазил-мутуйибасидир. Латифаларда мантик кучи зур булади. Латифалар гарчи эрмак шаклида куринса ҳам, халқ оммасининг овози сифатида унинг дунёкарашини ифодалайди. Шунинг учун улар огиздан-огизга кучиб юрган, шакл ва мазмунда тобора сайкал топган, халқнинг энг севимли асарларидан булиб келган. Ўзбек халқи орасида яратилган ва бизгача етиб келган Афанди латифаларининг талай қисмини ўзбек фольклористлари томонидан тупланди ва нашр этилди. Тахминий маълумотларга қараганда, халқимиз орасида икки ярим мингдан ортиқ латифалар мавжуд.

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам латифалардан кенг фойдаланилган. Буни Яқинийнинг «Ук ва ёй мунозараси», Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси», Алишер Навоийнинг «Хайратул Аброр», «Махбул ул кулуб», ва бошқа асарларида, кейинчалик Гулҳаний, Махмур, Гозий, Мунис Хоразмий, Оғахий ҳажвияларида учратиш мумкин. Замонавий латифаларда енгил, ёқимли, ҳазил мутуйиба етакчилик қилади, ҳаётимизда учраб турадиган айрим камчиликлар танқид этилади.

Афанди - меҳнатқаш халқ қаҳрамони. У, бир томондан муҳтожликдан бечора ҳол киши бироқ у шунчалик саботли, иродалики, узининг кашшоклигидан бировга ҳасрат қилмайди, сир бой бермайди.

Насриддин Афанди тимсоли аския, халқ оғзаки драммасидаги ижобий қаҳрамонларга - масҳарабоз, кизикчиларга донолиги, хушчакчак табиати кишиларни ҳозиржавоблик билан кулдириши жихатидан жуда яқин туради. Афанди халқ қаҳрамони сифатида ақлли, зийрак, ҳар қандай ноқулай ҳолатдан осонлик билан қутула оладиган тадбиркор киши. У дафъатан берилган саволга ҳамма вақт ҳозиржавоб. У турли латифаларда турлича - гоҳ мулозим, гоҳ хизматкор, гоҳ қосиб, гоҳ дехқон булиб куринмасин, ҳамиша қамтарин, меҳнат кишиси сифатида талқин этилади. Афанди латифаларида қулғу асосий уринни эгаллайди. Ижтимоий ҳаётда руй берган турли воқеалар мисолида бу қулғи ёрқин, мажозий тус олади. Латифаларда Афанди тимсолини типиклаштиришда унинг тили гоёт муҳим роль уйнайди. Афанди жавобларида халқ тилининг қуч қуввати жозибадорлиги, маънодорлиги, гузаллиги равшан қуринади. Афанди латифаларида халқ қаҳ-қаҳаси минг турли ранг билан тувланади. У қадирдонлари билан дустона ҳазил қилганида ҳам, рақибларини мот

килганида ҳам, нозик таъб, юксак ахлокли, виждонли одамшаванда, хамдард, олийжаноб инсон булиб гавдаланади. Латифагуйлик булган давраларда утиришга узгача бир хуррамлик, файз киради. тингловчиларда рухий кутаринкилик, бардамлик сезилади.

Афанди латифалари хозир ҳам яратилмоқда. Улар турмушдаги, кишилар ахлокидаги айрим камчиликларни, ишёкмаслик, дангасалик, хушомадгуйлик, иккиюзламачилик, маишатпарастлик сингари эскилик саркитларини аямасдан танкид килади. Латифалар бадиий таъсирчанлиги билан кишиларимизда эстетик завк уйғотади, яхши кайфият багишлайди.

ЛОФЛАР

Лоф - халк огзаки ижодининг хажвий ва юмористик жанрларидан. Узбек халк огзаки ижодиётида лоф ва лофчилик алохида урин тутлади. Лофчилик лоф уруш, лоф айтиш, лофбозлик характер эътибори билан халк санъатининг аския, кизикчилик, масхарабозлик турларига жуда якин туради. Лофларда ижтимоий хаёт ходисалари ута оширма муқояса йули билан акс эттирилади. Лоф айтишаётган икки киши тарафкашлик килиб, бир бирини хозиржавоблик ва чечанликда синар экан, хар кандай кийин масалани фавкулотда осойишталик билан хар кандай вахима, дабдабасиз, оддий гап тарзида босик охангда айтади-қуяди. Иккинчи томон ҳам гуё ҳеч гап булмагандек. Шундай боплаб жавоб берадики, бу томошабинда ёкимли, хушчакчак, кулги кутарилишига сабаб булади. Ракиби эса, доғда қолади.

Лоф купинча дostonларда, огзаки драмада, эртақларда, лофларда учрайди. «Уч ёлгондан кирк ёлгон» эртагида лофнинг ажойиб намуналаридан фойдаланилган. Гайри табиийдек туюлган лофдаги фикрлар аслида хаётий лавҳаларни бурттириб тасвирлашдан иборатдир. Лоф кишиларнинг узаро суҳбутида тез-тез ишлатилади. Лофда гап тагини гап очади дейилганидек, бахислашучи томонларининг ута муболагали сузига хайратомуз фикр тукнаш келади. Мусобақада бир томон албатта голиб келади. Лофларда диолог жуда киска булса, айримлари эпик мазмунда булиб, латифа каби тортишувлвр давом этади.

Латифа ва лофчилик санъати бугунги кунда ҳам изчил ривожланмоқда., янгидан янги лофлар яратилмоқда.

ЎЗБЕК ХАЛК ЭРТАКЛАРИ

Эртақлар халк огзаки ижодиетининг энг кадимий. Оммавий ва кенг тарқалган жанрларидан биридир. Эртақларда халкнинг энг яхши сифатлари. Инсонпарварлик. Ватанпарварлик. Дустга садокат. Жасорат курсатиш каби фазилатлар хикоя килинади.

Эртақлар кишиларда ҳаётга муҳаббат уйғотади. Келажакка умид кузи билан қарашга. Энг яхши турмуш. Фаровон ҳаёт учун қурашга чақиради. Ер юзида

адолат ва инсофнинг тантана қилишига чақиради.

Эртақлар қадимдан бор. Уни шакли жуда пухта ишланган. Ундан ҳозирги вақтга ҳалқ педагогикаси томонидан муваққият билан фойдаланиб келинган эди. кейинги вақтда илмий педагогикага ҳам ўтди.

Эртақ термини Махмуд Қошғарийнинг XI асрда ёзилган «Девону луготит турк» асарида этук шаклида учрайди ва бирор воқеани оғзаки тарзда ҳикоя қилиш маъносини билдиради. Ҳозир фольклористик термин сифатида эртақ сузи қабул этилган бўлсада, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона ўзбеклари орасида матал деб юритилади. Бухоро атрофидаги туман - қишлоқларда, шунингдек, бошқа ерлардаги икки тилда (Ўзбек ва тожик тилларида) сузлашувчи аҳоли орасида ушук деб аталади. Хоразмда варсаки, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида чупчақ термини ҳам ишлатилади. Ўзбеклар орасида эртақ, матал, чупчақ терминларидан бошқа яна ҳикоя, афсона, утирик, тутал қаби атамалар учрайди.

Эртақлар ҳалқ ижодининг эпик турига қиради. Унинг узига ҳос хусусияти - воқеабандлиги бирор воқеалар муқаммал ҳикоя тарзида баён қилишидир. Эртақлар турмуш воқелигини ажойиб ва гаройиб, жозибали қилиб, қишиларда бадиий завқ уйғотадиган ҳолда акс эттиради. Эртақ фольклор асари. Шунинг учун ҳам ҳалқ оғзаки ижодига ҳос барча сифатлар: коллективнинг ижодий маҳсули бўлиб, қупчилик томонидан айтилиши, оғзаки йул билан тарқалиши, анъанавийлик, ижодчисининг номаълумлиги-анонимлик, бир сюжетнинг ҳалқ орасида бир қанча вариантларда ижро этилиши - эртақларга ҳам ҳосдир.

Фантастика эртақ мезони, унинг жони ва қонидир. Эртақлар фантастиканинг тутган урни, меъёрий ва функциясига қараб икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга фантастика элементлари ўстун бўлган эртақлар, иккинчисига эса фантастика элементлар қучсиз, элемент шаклида қеладиған, ҳаётий ўйдурмалар асосида эртақлар қиради. Ҳайвонларга ҳақидаги эртақлар билан эртақлар сюжети қупрок фантастик воқеалар асосига қурилған. Маиший ва ҳажвий эртақлар сюжети асосида эса, ҳаётий воқеалар ётади. Биринчи қуппадаги эртақлар («Ёрилтош», «Қултоқ бўри», «Олтин сандиқ» ва бошқалар)том маънода ибтидоий тушунчалар мазмунини акс эттиради. Иккинчи қуппадаги эртақлар («Маликаи Ҳуснобод», «Ўқ оғайни ботирлар», «Ўқ ёлғонда қирқ ёлғон») эса, асосан ижтимоий мазмун ифода ётади.

Эртақларда воқеалар асосан муъжизали тарзда ифодаланади. Бинобарин, муъжиза ёки фантазия воқеа ва ҳодисаларни ҳаёт билан боғлаб, ҳақиқат, озодлик туғрилиқ, одамийлик қаби дидактик гоёларни ташвиқ ётади, сюжет ривожига қуч бағишлайди, тингловчи ётиборини узига жалб

килиб, ажойиботлар оламига олиб киради, ширин туйгулар дунёсига гарк этади.

Хар бир эртақнинг сюжет состави, унинг гоёвий мазмуни, бадиий воситаларнинг узига хос томонлари у ёки бу даврни ҳамда у ёки бу турга хос хусусиятни курсатиб туради.

Турли халқлар ижодида ухшаш сюжетли эртақларни куп учратиш мумкин. Бундай эртақларнинг тема ва образлар системаси узига хос айнанликка эга. Буларни купрок «сайёр сюжетли эртақлар» деб юритилади. Бирок улар канчалик ухшаш булмасин бадиий шакл, образлар талкини тил воситалари жихатидан узаро фарк килади. Уларда хар бир халқка хос анъана, миллий колорит, фалсафий эстетик карашлар намоён булади. Бу хилдаги ухшаш сюжетлар у ёки бу халқнинг бир хилдаги иктисодий, ижтимоий тарихий тараккиёт йулини босиб утганлигидан келиб чиқади.

Эртақлар узига хос композицияси билан ажралиб туради. Айникса, кириш кисм, бошлама, тугалламалар алохида кузга ташланади.

Кириш кисми, аввало, эртақчининг махоратини курсатади, колаверса, тингловчилар диққатини жамлаб, эртақ эшитишга хозирлайди.

Ўзбек халқ эртақчилари репертуаридаги хайвонлар хақидаги эртақларанчагина уринни ташкил этади. Хайвонлар хақидаги эртақлар кадим замонларда вужудга келган булиб, унда ибтидоий тузум давридаги инсоннинг хаёти, меҳнати, дунёкараши, табиат хақидаги тушунчалари ифодаланган. Хайвон билан боглик булган ибтидоий тушунча, фикрва мулохазалар, хаётий деталлар хайвонлар хақида юзага келган эртақ сюжети ва мативларнинг ташкил топишида асос булиб хизмат килган. Ижтимоий хаётнинг овчиликдан чорвачиликка утиш жараёни инсон хаётида кескин бурилиш ясади. Бу даврдаги инсонлар хайвондан фарк кила бошлаши мифологик тушунчаларнинг емирилишига сабабчи булади. Инсон узига ишондиси ва хайвонлардан кучли эканлигини сезди. Ана шу жараён ишонч тушунчасини вужудга келди. Тотем саналиб келинган хайвонлар секин-астасалбий персанажга айлана борди, одам учун купрок фойда келтирган уй хайвонлари ижобий, ёввойи хайвонлар эса салбий персанажга айланди.

Хайвонлар хақидаги эртақларда ибтидоий анимистик, тотемистик тушунчалар билан боглик равишда, от, куй, эчки. Сигир каби уй хайвонлари, йулбарс, айик, тулки сингари ёввойи хайвонларнинг характер хусусияти, уларнинг узаро ва одамлар билан булган муносабати хикоя килинади.

Лайлак, айик, илон, сигир култи ва бури, отни тотем саснаш Урта Осиё халқлари жумладан, ўзбеклар орасида кенг таркалган. Бу тотем кулътларнинг сигиниш «чулок бури», «меҳригиё», «олтин тарвуз», «нодон бола», «подачининг кизи», «кук кучкор», «айик полвон», «илон пари», «илон ога», «бури киз» каби бир канча эртақларнинг юзага келишига сабабчи булган. Хайвонлар хақидаги эртақларнинг персанажлари-тулки,

бури, шер ва бошқалар кадимий тасаввурнинг унутила бошлаши билан жамият тараққиётининг кейинги босқичларида мажозий маъно касб эта бошлади. Мажозий эртақлар ҳайвонлар ҳақидаги эртаёқлар заминиди вужудга келтиб, танқидий вазифага бўйсундирилди. Бир вақтлар тотем саналган ҳайвонлар ижтимоий-сиёсий акс эттирган кўчма маънодаги персонажларга айланади. Бундай эртақларнинг ғоявий мазмуни ва тимсоллар талқиниди мажоз асосий уринди туради..»бўри билан тулки», «тулкининг тақсимоти», «Икки бойқуш», кабилар мажоз асосиди курилган эртақлар ҳисобланади.Баъзи ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар масалнамо шаклда келади. Бундай эртақлар кўпинча диолог асосиди курилган бўлиб, мазмуни шартли. Тимсоллари мажозийдир. Эртақ якуниди қиссадан хисса чикади.

СЕХРЛИ ЭРТАҚЛАР

Ўзбек халқ эртақлари уртасиди сеҳрли эртақлар катта урин эгаллайди. Бу хилдаги эртақлар сеҳрли, фантастик уйдирмалар асосиди курилганлиги билан ажралиб туради. Сеҳрли эртақларнинг юзага келиши кадимий тарихга эга булиб, илдизи ибтидоий жамиятга бориб етади. Маълумки, ибтидоий одам табиат ҳодисалари олдида талвасага тушиб, унинг рухиятига таъсир курсатган. Ана шулар дунё ҳақидаги юзаки мулохаза юритишга ва ғайри табиий булиб куриган ҳодисаларни узича изоҳлашга мажбур килган. Ибтидоий дунё караш, дастлабки фикр-мулохазадлар, кичик-кичик афсоналар ва эртақлар, фантастик уйдирмаларнинг яратилишига сабаб булган.

Сеҳрли эртақларди персонажлар, воқеа ҳодисалар, одатдан ташкари, ғайри табиий холди тасвирланади. Бу каби эртақларнинг хар бир эпизоди кахрамонларнинг хатти харакатлари сеҳр, жоду, муъжиза, хаёлий тимсоллар боғланади. «Семурғ», «Илон пари»,»Кенжа ботир», каби эртақлар заминиди ибтидоий дунё караш-табиат кучларини илоҳийлаштириш,ҳайвонларни мукаддас билиб, уларга топиниш асосий урин тутади Жумладан, куёш, ой, тоғ,тош, сув кабилар талқиниди анимистик дунёкараш ётади. Бунди жонсиз нарсалар жонлантирилади.; ер, сув,тош, тоғлар тилга киради,,, кахрамонлар билан узаро муносабатди булади.. Инсон тошга айланади, сеҳр ечилганди эса яна асл холига кайтади.Айик, бури,бургут, илон,отди культ, тотемистик, аждар, дев, алвастиЮ, жин каби персонажлармисолиди мифологик тушунчаларнинг белгилари сакланиб колган. Шунинг учун хам эртақди хикоя килинган воқеалар ҳозирги кун тингловсчиси ва укувчиси томонидан «ёогон» деб каралади. Демак,эртақлардаги ғайри мукарррарий ҳодисалар ибтидоий хаёт хакикатидан келиб чиккан. Бинобарин,улар хаётий узакка эга булган уйдирмалардир. Осмонди учуш орзуси «учар гилам», «ёгоч от»ларни, узокни куриш истаги эса ойнаи жахон»ни келтириб чикарди. Ана шу

уйдирмалар ибтидоий тушунчалар мажмуигина булиб колмай, балки ижодкор халкнинг яхши тумуш, эркин меҳнат, ёркин келажак ҳақидаги орзу-истакларнинг рамзий ифодаси ҳамдир.

Сеҳрли эртақлар ичида алоҳида ажралиб турадиган туркум эртақлар мавжуд. Булар қаҳрамонлик типидпги эртақлар, ўғайлик ва камситилган кишилар ҳақидаги эртақлар ва «митти полвон»лар ҳақидаги эртақлар.

КАҲРАМОНЛИК ҲАҚИДАГИ ЭРТАҚЛАР

Қаҳрамонлик ҳақидаги эртақлар асосан қаҳрамонлик мадҳ этилади. Қаҳрамоннинг ҳар бир ҳаракати синов мотиви билан боғланиб кетади. Қаҳрамон аждар, дев, беҳисоб душман кушини билан тукнашади. Унинг ечимида мардлик ва бекиёс куч аниқланади ва улугланади. Қаҳрамонлик эртақларининг асосий белгиси- паҳловон кудратини синаб қуриш. Синаш мусобақа шаклида талкин этилади. У асосан ака-укалар, ёки қаҳрамон билан душман, рақиблар уртасида булиб утади. Паҳлавоннинг рухий кечинмаслари мураккаб эмас, У фақат куч ишлатиб галаба қилишни билади., устомонлик қилиш ҳақида фикр юритмайди..

«Паҳловон Рустам», «Қилич ботир», «Олмос ботир», «Бектемир ботир» каби эртақларда ибтидоий халқ оммасининг кудратли куч ҳақидаги идеал орзулари уз ифодасини топган.

Ўғайлик ва камситилган кишилар ҳақидаги эртақлар: «Ёрилтош», «Ақлли қиз», «Ўулиқахқах», «Зумрад ва Қиммат» сингари эртақлар халқ ҳурматиға сазовор бўлган аёллар ҳақидадир.

Сеҳрли эртақлардаги дев, ялмоғиз, пари, аждар, семург каби фантастик ва мифологик тимсоллар тизими мавжуд. Булар қупинча салбий хусусиятға эға. Парилар эртақларда қаптар, ут, илон, кампир, қийик қабитурли қиёфаларда қуринадилар афсонавий Эрам боғи, Қўҳи Қоф тоғида яшайдилар. Уларни даҳшатли джевлар қуриқлайди. У қаҳрамон билан тукнашувда қийин шарт, топшириқлар қуяди.

Эртақлардаги Ялмоғиз тимсоли мифрлогик тимсолдир. Унинг қелиб қикиши аёллар салтанати билан боғлиқ. У энг аввал муқаддас момо қульти таъсирида ташқилт топган.. Аёллар салтанти емирилиб эрқаклар ҳукмронлиғи урнатилғач, у салбий тимсолға айланган. Шу-шу ялмоғиз икки хил мазмунда: гоҳ ижодий гоҳ салбий тимсол сифатида намоён бўлади. Жодугар, шум кампир, мастон қабилапр ялмоғизнинг ҳар хил қуринишдаги варианти ҳисобланади. Эртақларда ялмоғиз ижобий қаҳрамонларға қарши қуилади.

Сеҳрли эртақлардаги салбий тимсоллардан яна бири-аждардир. Аждар эртақларда таърифланишича, қатта гавдали илон, оғзидан олов, тутун қикарадиган маҳлук. У сув ёқт қордан қикқанда ҳамма ёқни шамол, бурон босади. Аждар инсонни ёвуз душмани, У одам ёйди, мамлақатни вайрон қилади.

Сехрили эртақлардагт яна бир тимсол афсонавий кушлардан бири-Семурғдир. Семурғ узбек мифологияси ва эртақларида қахрамоннинг меҳрибон дусти, химоячиси, сафардаги ҳамроҳи, ҳалоскор куш тимсоли.Семурғ тимсоли «Рустам», «Кенжа ботир», «Қахрамон» сингари эртақларда кенг тасвирланади.

ҲАЁТИЙ-МАИШИЙ ЭРТАҚЛАР

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳаётий-маиший эртақлар алоҳида урин тутади. Улар реал, ҳаётий уйдирмалар асосида қурилган бўлиб, фантастика элементлари ёрдамчи мотивлар шаклида намоён бўлади. Ҳаётий-маиший эртақлар сеҳрли эртақлар асосидаги анъаналардан келиб чиққан ва қўп жиҳатлардан уларга ухшаб кетсада бироқ уларда реал ҳаёт воқеалари асосида қурилганлиги билан ажралиб туради.. Бу тур эртақларда бош қахрамон- инсон, у ҳаётдаги ҳамма душман тудаларини-подшоҳлар, бойлар, қозилар мулла-эшонлар, қалодларни ўз қўчи билан енгиб қўчади. Бу қўби эртақларда қўпинча адолатсизлик, тенгсизлик, зулм ва зўрлик қораланиб, эзгулик ва ҳақиқатнинг қалабаси ўлуғланади.. «Ўч оға-ини ботирлар», «Тоҳтр ва Зўҳра», «Хўршидой», «Аёз», «Зўлим подшо»шқалар шу турқумдаги эртақларга қўради.

Ҳаётий-маиший эртақларни мавзу йўналиши ва қўявий мазмўнига қўра жанқоварлик, ишқий сарғузашт ва топишмоқли эртақларга бўлиш мўмкин.

Жанқоварлик эртақларида асўсий мавзу элат ва юрт мўдофааси ҳисобланади. Уларда қўпроқ жанғу жадаллар билан бoғлик бўлган воқеа ҳодисалар урин олади.

«Тоҳир ва Зўҳра», «Ёзи билан Зебо», «Баҳром билан Гуландом» қўби дўстонларда ишқ-мўхаббат воқеалари лирик йўналишда, ниҳоят таъсирчан тасвирланади.

Топишмоқли эртақларда ўтқир зехн ва дўнишмандликни нақл этиш асўсий урин тутади. Уларда давомли, сарғузашт воқеалар ҳикўя қилинмайди, сўжет қисқа ва содда, топишмоқ асосида қурилган. Мазмўн лўнда ифодаланиб, ақлий синов етакчи роль ўйнайди. Эпизодлар асўсан диологлардан ташқил топади. «Аёз», «Давлатли қелин», «Дўнишманд аёл» қўбилар шўндай эртақлар бўлиб, уларда ҳикўя қилинган дўно, ақлли, идроқли қўшиллар халқ орзўсининг тимсоли сифатида намоён бўлади.

Хўллас ҳаётий маиший эртақлар, илм-хўнар, меҳнат, дўстлик, қахрамонлик, меҳр-мўхаббат, садoкат-дўнишмандликни тарғиб этади, дўстни дўшманддан ажратишга даъват этади.

ҲАЖВИЙ ЭРТАҚЛАР

Ўзбек халқ эртақчилигида ҳажвий эртақлар алоҳида урин тутади. Улар ҳўдди ҳаётий-маиший эртақлардек, ижтимоий ҳаётда реал асўслар бўлган ҳаётий ўйдурмалар заминига қурилган бўлиб, ўтқир сатира ва юмор

асосий хусусиятини белгилайди. Эртактларнинг сюжет тузилиши ихчам воқеа ва ҳодисалар лунда фойдаланади.

Ҳажвий эртактларда сатира ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларни, қарама-қаршиликларни очиқ ташлайди, фош этади. Шунинг учун ҳам бу хилдаги эртактлар маълум маънода қурашлар ифодаси ва маънавий қуроли бўлган.

Ижтимоий ҳаётда ҳажвнинг роли катта. У инсонни ақл ва заковатни қарқалаб турувчи қучли ва қабардаст омилдир. Бу қабил эртактларда фантастик уйдурмалар ҳам учрайди. Улар ёрдамчи детал, айни пайтда бадиий восита вазифасини бажаради, сатира ва юмор, ҳаракат ва ҳолат, ақл ва идрок эса ҳал қилувчи шаклни адо этади.

Сатирик эртактларда ёки ҳажвий эртактлар узига ҳос композицион қурилмага эга. У мазмунан ҳаётий қарама-қаршиликларни узига ақс этади. бу қабил эртактларда асосий тугун тасодифий тугилади.

Мазкур эртақда гаранглик - қулғу манбаи. У қаҳрамонларнинг узига ҳос хусусиятлари - қурслик ва қуполлик, жаҳолат ва жоҳиллик қабил ярамас одатларнинг қулғу бўлишига сабаб бўлади. Асарнинг юқори қуққиси фош этувчи ечими эса қулғили бўлиб, дидактив мазмунини ифодалайди.

Юмористик эртактларда данғасалик, уқарлик, ялқовлик қабил аҳлоқлик нормага зид одатларга қишилардаги бошқа бир, қарама-қарши бўлган сифатлар ишчанлик, оқиллик, вафодорлик, одоблилиқни қарши қуиш орқали қомик ҳолат пайдо қилинади.

Ўзбек ҳалқ эртақларининг ҳар бир реал воқеалиққа нисбатан узига ҳос муносабатда бўлиши билан ҳарактерланади. Шунинг учун ҳам фантастик уйдирмалар, бўлиши мумкин бўлмаган воқеа-ҳодисалар тасвири ҳаётни ақс эттиришнинг эртаққа ҳос поэтик йули сифатида намоён бўлган.

ЎЗБЕК ҲАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИ ВА ДОСТОНЧИЛИК МАҚТАБЛАРИ

Достон ўзбек фольклорининг қенг тарқалган ва йирик жанрларидан биридир. Унинг яратилиши ҳалқимизнинг маънавий-маиший қиёфаси, ижтимоий-сиёсий қурашлари, аҳлоқий-эстетик қарашлари, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги гоёлари билан қамбарчас боғлиқдир. Асрлар давомида ҳалқнинг турмуш тарзи, орзу умидлари достонлар мавзуини, сюжет ва композицияси моҳиятини белгилаб борди. Ўзбек достонларининг улугвор поэтик умумлашмалари, юқсак бадиий тимсоллари уларни дунё фольклорининг тенгсиз намуналари- рус билиналари, украин думалари, қозок ботирлар жири, қирғиз «Манас»и, қорақалпоқ «Қирқ қизи», ҳинд «Маҳабхарата»си-қиссаси, Герб ва Шарқнинг улқан эпослари қаторига қуйди

«Достон» сузи кисса, хикоя, саргузашт, шону шуҳрат, таъриф ва мактов маъноларида ишлатилади. Адабий термин сифатида бу ном халк огзаки ижоди ва ёзма адабиётидаги йирик хажмли эпик асарларни англатади. Бирок улар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуллари жихатидан бир-биридан жиддий фарк қилади. Халк огзаки ижодида достон утмиш замонлар тугрисида қаҳрамонлик идеализацияси қуламидаги хикоялардир.

Достонлардаги тарихий воқеалик халқ фантазияси асосида умумлашган тасвирларда уз ифодасини топади. унда умумлаштиришнинг узига хос қурлиши - эпик умумлаштириш ҳукмронлик қилади. Бундай умумлаштириш халқнинг ижтимоий адолат ҳақидаги идеаллари ва орзу умидлари билан йўлланган.

Ўзбек халқ достонлари жуда узок тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтган. Унинг қадимги намуналари сақланмаган. Қўп асарлар давомида оғиздан оғизга ўтиб халқ бахшилари орқали бизгача етиб келган.

БАХШИЛАР

Халқ огзаки ижодининг юксак санъат тури достон ва достончиликнинг пайдо бўлиши тараққиёти бахшилар номи билан боғлиқдир.

Атоқли олим Ҳоди Зарифовнинг ёзишича бахши мугилчи ва буриятча бахша сузларидан олинган бўлиб, устод маърифатчи деган маъноларини беради. Ўзбекларда бахши кенг маънода халқ достончиси достонларни қўйловчи, ёдда сақловчи ва наслдан-наслга ўтказувчи санъатқордир. Халқ орасида бахши сузи икки маънода қўлланган. Баъзи жойларда достон қўйловчи, айрим жойларда афсунгарлик, фолбинлик, шаманлик қилувчи шахсга нисбатан ишлатилган. Узок ўтмишда бу икки вазифани бир шахс бажарган. Қўпчилик ерларда эса иккинчи вазифани бажарувчи шахс қўшноқ, дуохон, қинначи, қасал боқувчи қаби турли туман сузлар билан ифодаланган. Масалан, туркманларда достон қўйловчи шахс қозоқ ва қирғизларда афсунгар, фолбинларга нисбатан бахши термини ишлатилган. Ўзбекистонда эса, бахши асосан бир маънода халқ достончиси, профессионал санъатқорга нисбатан кенг қўлланиладики, у ўзбек фольклоршунослигида асосий термин сифатида мустақкам ўзлашиб кетган. Мугиллар истилоҳи даврида будда динидаги қаландарларни, мугилларда жарроҳларни, турли ҳужжат ва ҳатларни ўйғур ёзувда қўчирувчи туркий халқлардан бўлган қотибларни, Чигатой улуси Олтин Ўрда, Қозон, Қирим хонлигидаги қотибларни, Бобурийлар давлатидаги ҳарбий қисмларнинг ҳисоб қитоб ишларини олиб қўрувчи ва уларга маош толовчи йирик амалдорларни, Бухоро хонлигида давлат биноларни қўришда маблағ ҳисобини олиб қўрувчи қишлоқларни, туркманларда ўруғ оқоқларни ҳам бахши деб аташган.

Ўзбекистоннинг айрим ерларида халқ дostonчисини бахши сузидан бошка яна турлича номларда юритилади. Масалан, Сурхандарё, Кашкадарё юзбоши, жанубий Тожикистон узбеклар орасида соки, Сурхандарё ва жанубий Тожикистоннинг айрим созанда Фаргона водийсида санновчи айрим туманларда жиров, жарчи, окин, охин, ва хоказо. Узбекларларда халқ дostonчисини шоир деб аташ ҳам кенг таркалган. Шоир арабча суз булиб, поэтик асарлар ижодкори булган ёзма ва огзаки вакиллари сифатида кулланилади. Узларининг янги янги дoston вариантларини хатто, янги дostonларни ҳам ярата оладиган бахшилар шоир деб ҳам аталади. Масалан, Фозил шоир Пулган шоир, Ислом шоир ва бошкалар.

Бахшилар халқ дostonларини бирор созда, куп ерларда думбира, айрим жойларда кубиз ёки дуторда куйлайдилар. Хоразм бахшилари эса, дostonларни асосан дуторда ижро этадилар, уларга гижжак ва баломонда созандалар жур булади. XX асрнинг 30-йилларидан Хоразм бахшилари эса дostonларни тор ва рубобда куйлай бошладилар. Шу муносабат билан айрим бахшилар ансамблида скрипкадан фойдаланиш, ансамблга доирачи, хатто уйинчи олиб кириш холлари булди Хоразмдаги Бола бахши ансамбли бунга мисол була олади.

Хоразмда эпик асарларни , улардан олинган парчалар ва айрим термаларни куйловчи ижодкорларнинг яна бир турини халфалар деб юритадилар. Халфачилик асосан аёллар орасида кенг таркалган. Халфачилик санъати асосан икки хил:

- ансамблли халфалар;
- якка халфалар.

Ансамблли халфалар уч кишtidан иборат- устоз халфа(гармон чалади ва кушик айтади), доирачи (ашулага жур булади, гохида раксга тушади.), ва уйинчилар (кайрок билан раксга тушади, ялла ва лапар айтади, баъзан доира чалади) Биби шоира, Ожиза, Онажон Сафарова, назира собирова кабилар шундай халфалардир.

Якка халфалар дoston ва кушикларни созсиз ижро этадилар Улар дostonларни ёддан ёки кулёзма ва китьобдан ёкимли охангда укиш, «Ёр-ёр», «Келин салом», «Муборак» каби туй кушикларини ижро этиш билан шухрат козонган. Хоразм халфалари купрок «Ошик Гариб ва Шохсанам», «Ошик Ойдин», «Киссаи Зебо», «Бозиргон» каби дostonларни ва Махтумкули шеърларини, турли маросим кушикларини ва узлари яратган кушикларни ижро этадилар. Халфачилик жозибали ва навкирон аёллар санъати сифатида Хоразм вохасида шу кунларда кенг давом этмокда.

ДОСТОН КУЙЛАШ ТАРТИБИ

Ўзбек дostonчилигида анъанавий дoston куйлаш тартиби бор. Одатда дostonчилик кеч куздан эрта бахоргача кечкуринлари

уюштирилади. Бахши таклиф килинган меҳмонхонага барча эшитувчилар шу ерда кур ташлаб утиришган. Бахши уйнинг энг турида утирган. Достон куйлаш кичик бир зиёфатлан кейин бошланган. Бахши аввал бир неча терма куйлаган, Хоразм бахшилари эса терма сифатида достонлардан парчалар ёки Махтумкули газалларидан, панд-насихат мазмунидаги кушиклар ижро қилганлар. Хоразмдан бошқа ҳудудларда «Нима айтай?» термаси билан эшитувчиларга мурожаат қилинган. Достонлар бир неча кунлаб куйланган.

Бахши достон куйлаш давомида достондаги ҳар бир тасвиргив мос суз вакуй топиб авжгив чиқиб борган, узларининг таъбири билан айтганда, «кайнайди». Урни-урни билан эшитувчиларга мурожаат қилиб уларни диққатини узига жалб этган. Достонни авж нукталарига етганда бахшининг гавда ҳаракатлари, бошини сарак-сарак қилиши, думбиранинг бир мувозанатда бориб қилиши куй ва сузга қушилиб яхлит ритмик ҳолатни юзага келтиради.

Достонни куйлаш жуда қизиқарли уринга, авж пардаларга етганда, ярим тунда дам олиш учун танаффус қилинган. Буни бахшилар «думбира тунтармок» деб айтадилар. Бунда бахши эшитувчиларга ёки думбирасига мурожаат тарзида бир неча мисралар айтади: ва ижрони тухтатади:

Сени уйдан олиб чиқдим буктириб,
Сен юрибсан улфатингни ахтариб,
Мен куяйин сени энди тунтариб,
Ярим кеча хадди булди, жонивор.

Йигиб опсан улфатингни жамини,
Эганг олсин-да бир оз дамини.
Дамин олиб айтиб берар камини,
Румол ёзар вақти булди, жонивор.

Шундан кейин бахши чопонини, белбогини ва думбирасини тунқарилган ҳолда қолдириб, ташқарига чиқади. Бу пайт даврадагилардан бири бахши белбогини уртана ёяди. Ҳар ким уз имкониятига яраша пул ёки бирор нарса ташлайди.. Бахши хонага киргунча, йигилган пул ва нарсаларни туниб куядилар. Сунг достонни қолган қисмини куйлаш давом эттирилади. Хоразм бахшиларияса, достон ижроси тугаши билан «Туйингда қайтсин» қуйини қалиб туради.

Махсус достончилик кечаларидан ташқари туй-хашамларда, оила тантаналарида, байрамларда бахшиларнинг иштирок этиши одатий ҳол эди. XX асрнинг бошларидан бошлаб шаҳарларда бахшилар хизматидан фойдаланиш йуқолди, уларнинг урнини ҳофизлар ва ашулачилар олди.

Бахши тайёрлаш узининг қатъий анъанавий тартибларига эга бўлган. Бахшилар қишлоқма -қишлоқ достончилик қилиб юрган пайтларида халқ орасидаги истеъдодли, қобилиятли, шеърятга қизиқувчан ёшларни

танлаганлар, сафар давомида уларни синаб борганлар, уларни уз ёнларига тортганлар.

Шогирд тайёрлашда барча укитиш, ургатиш ишлари думбира машини хам оғзаки равишда амалга оширилган. Ургатишнинг кейинги йилларида устоз шогирдини узи билан бирга цигинларга олиб борган. Шогирд купчилик олдида термалар, достонлардан парчалар куйлаган, гоҳида устоз эшитувчиларни рухсати билан узи куйлаётган достонни давомини шогирдига айттирган. Шогирд достон куйлашнинг муайян кисмини ва бахшичилик йулларини тула урганиб булгач устоз уни эл олдида утказиш учун зиёфат ташкил этади. Зиёфатга халк ижодининг билимдонларини, досион шинавандаларини таклиф этади. Шогирд улар олдида бирор достонни мустакил ижро этиб беради. Шогирд синовдан утгач, устоз унга бош-оёқ сарпо ва тн килиб, янги дутор ёки думбира хадя этади., купчилик олдида оқ йул тилайди.

Шу тарика халк бадий ижодида давомийлик юзага келади., қачонлардир устоз куйлаган достонни шогирд куйлайди ва бу достонлар авлоддан-авлодга утиб бизгача етиб келган.

ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ

Утмишда ҳар бир ҳудуднинг уз бахшилари ва уларнинг узларига ҳос достончилик мактаблари булган. Масалан: Чингизхон ҳузурида Улуг жирчи, Тухтамиш саройида Камолзода, Жаҳон Мирза, ива хони Муҳаммад раҳимхон 11 ҳузурида Риза бахши, Бухоро амири Насрулла саройида Эрназар бахшилар хизмат қилганлиги маълум Сарой бахшилари хон ва бекларни мактовчи асарлар яратганлар. Ҳозирги кунда узбек фольклор шунослигида Булунгур, Кургон, Шахрисабз, Камай, Шеробод, Жанубий Тожикистон, Хоразм каби поэтик достончилик мактаблари- бахшичилик санъатининг ажойиб марказлари аниқланган.

Булунгур достончилик мактаби қаҳрамонлик достонларини ижро этиш билан машҳур Бу мактабнинг сунгги истеъдодли вакили Фозил Йулдош угли (1872-1955 ҳисобланади. Унинг «Алпомиш», «Ёдгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Зулфизар», «Маликаи айёр», «Нурали», «Муродхон», «Ширин билан Шакар» каби ажойиб достонлар ёзиб олинган. Унинг Йулдош, Кулдош, Суяр шоир номи билан машҳур булган укалари хам достон куйлаганлар. Булунгур мактабини энг улуг бахшиларида бири XVIII-асрнинг 2-ярмида яшаган Муҳаммад шоир булиб, у Йулдош булбулга устозлик қилган. Бу мактаб Чини шоир, Раҳим булбул, Жура, Фозил шоир, Ёрлақаб каби унлаб достончиларни бирлаштиради.

Достончилик санъатининг яна бир мактаби Кургон достончилик мактабидир. Бу мактабга Мангиштовдан Нуротага қадар чузилган силсила тоғларнинг, айниқса Октовнинг шимолий ва жанубий этакларида яшаган ва шу ерларда етишган халқ шоирлари мансубдир. Уларнинг энг истеъдодли вакилларида бири Эргаш Жуманбулбул угли (1868-1937) ва Пулкан шоир

(1874-1941) хисобланади. Уларнинг «Алпомиш», «Якка Ахмад», «Ойсулув», «Кунтугмиш», «Гуруглининг тугилиши», «Юнус пари», «Мискол пари», «Авазхон», «Хасанхон», каби достонлари ёзиб олинган. Бу достончилик мактабига Эргаш Жуманбулбул углининг ота-боболари асос солганлиги тахмин қилинади. Бу мактаб Ёдгор, Лафас, Мулла Тош, Султон кампир, Тилла кампир, Жодмон бахши каби унлаб достончиларни бирлаштиради.

XIX асрда мавжуд бўлган яна бир эпик марказ Шахрисабз достончилик марказидир. Бу мактабнинг сунгги вакили Абдулла Нурали угли (1874-1957)дир. У қуйлаган достонлар шух, қувнок, кутаринки руҳда айтилиши, қуйларнинг ёкимлилиги билан ажралиб туради.

Атокли халқ шоири Ислон Назар угли (1874-1953) бир томондан Шахрисабз, иккинчи томондан Қургон достончилик мактаби билан боғлиқ бўлган. Унинг ижро усули ва ундан ёзиб олинган «Орзуғул», «Сохибқирон», «Эрали ва Шерали», «Кунтугмиш» каби достонларга назар ташлар эканмиз, уларда ҳар икки мактабга ҳос хусусиятларни қурамыз.

Ўзбекистоннинг жанубида яшовчи қўғшина бахшилар Шеробод достончилик мактаби билан боғлиқдир. XIX асрнинг 11 ярми ва XX аср бошларида яшаган бу мактабнинг машҳур вакили Шерназар Бекназар угли ва унинг шогирдлари- Мардрнкул Авлиёкул угли, Нормурод бахши, Нурали Боймат угли, Бурибой Ахмад угли каби бахши шоирлар шу мактаб вакиллари. Сурхондарё, Қашқадарё ва Жанубий Тожикистон бахшилари узаро доимо алоқада бўлганлига учун уларнинг қўғина достонлари Шеробод достончилик мактаби билан боғланган. Уларнинг репертуарида «Олтин қовоқ», «Оллоназар Олчинбек» ва бошқа достонлар учрайди. Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай бахшиларининг достоелари бадий тасвир воситалари жиҳатидан узига ҳос хусусиятга эга. Уларнинг репертуарларини бир қисмини «Гуругли» достони ташкил этади.

Хоразм достончилик мактаби санъати бошқа достончилик мактабларидан услуби жиҳатидан фарқ қилади. Хоразм достонлари ёзма манбага эга бўлиб, баъзан айтувчи қўлида қўл ёзма матни ҳам бўлади., мусика етакчи роль уйнайди. Хоразм бахшиларининг қўйлари хилма-хилдир. Достоннинг ҳар бир қўшиғи муайян қўйда ижро этилади. Достончилар буларни бахши йўллари ёқиб бахши наъмалари деб юритадилар. Хоразм достончилигини узига ҳос хусусиятларидан яна бири шундаки, бу ерда қахрамонлик достони «Алпомиш» учрамайди, аксинча, Хоразм бахшилари репертуарларидаги ишқий-романтик достонларнинг аксарияти республикамизнинг бошқа ерларида мавжуд эмас.

Юкорида таъкидлаб қўйилган бахшилик мактаблари қанчалик узига ҳослик қасб этмасин, уларда умумдостончилик анъаналари етакчилик қилади. Барча узига ҳосликлар индивидуал услуб белгилари, локал хусусиятлар умумдостончилик анъаналари доирасида ҳаётийдир.

ДОСТОНЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Ўзбек халқ достонлари нихоятда куп турларга булиниб, узок асрлар давомида яратилиб келинган ва турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда куйланиб келинган. достонлар, дастлаб В.М. Жирмунский ва Х.Т.Зарифов, кейинчалик М Саидов томонидан классификация килинди. Ўзбек халқ достонлари қахрамонлик, жангнома, тарихий,романтик ва китобий достонларга булинади.

Кахрамонлик достонлари. Ўзбек халқ достончилиқ тараккиётида қахрамонлик ва романтик достонлар алохида ажралиб туради. Бу достонлар яратилиш тарихи ва мухити билан ҳам бошқа достонлардан ажралиб туради.

Кахрамонлик достонлари кучманчилик ва ярим кучманчилик ҳаёти билан маҳкам боғлиқдир. Бир катор уруг ва қабилаларнинг муайян халқ сифатида ташкил топа бориши, илк давлатчилик куртакларини пайдо булиши ва шу муносабат билан халқлар ва элатларнинг уз мустикалликлари учун чел эл боскинчиларига қарши мардонавор қурашилари қахрамонлик достонлари учун бой материал булади. Қахрамонлик достонлари бизгача соф ҳолда «Алпомиш» тимсолида етиб келган.

Жангнома достонлар. Тарихий ва афсонавий урушларларда шасларнинг жасорати, қахрамонлигини тасвирловчи достонлар жангнома-достонлар деб юритилади.

Ислом дини Урта Осиё халқлари уртасида ёйилаётган даврда «Жангномаи Або Муслим», «Жангномаи Амир Хамза» қаби жангнома достонлар вужудга келди.Урта Осиёда кенг таркалган жангномаларнинг қадимги намуналарига Фирдавсийнинг «Шохнома»сини ва «Жангномаи Жамшид», «Хушанг», «Тумарис» қабиларни қурсатиш мумкин.

Тарихий достонлар. Тарихда булиб утган воқеа ва ҳодисалар, айрим тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган тарихий достонлар бахшилар репертуарларидан бошқа достонларга нисбатан кам урин эгаллайди. Уларда тарихий ҳақиқат билан афсона, факт билан бадиий туқима чатишиб кетган. Шу билан бирга, уларнинг мавзуси, тимсоллари, гоёлари аниқ тарихий шароитдаги қурашлар билан боғлиқдир.Тарихий достонлар хусусиятларига қура: а) тарихий-қахрамонли; б) тарихий-фантастик, в) тарихий-аниқ ёки янги достонлар; г) автобиографик достонлар қаби турларга булинади.

Тарихий-қахрамонлик достонларга- «Ойсулув» достони,

Тарихий-фантастик достонларга-«Шайбонийхон» достони қахрамонлари ярим тарихий, ярим афсонавий характерга эга булса, «Тулумбий»да айрим тарихий шахслар номидан булак ҳеч нарса қолмаган.

Тарихий- аниқ ёки янги достонларга XIX асрнинг 11 ярми ва XX аср бошларида яратилган асарлар қиради Бу достон қахрамонларининг ҳаётда

прототиплари мавжуд. «Намоз», «Жиззах кузголони», «Мардикор» каби достонларни курсатиш мумкин

Романтик достонлар. Ўзбек халк достонларининг энг катта тури романтик достонлардир. Бу турга кириувчи достонлар сюжетлари нихоятда бир-бирига ухшаш бўлиб, одатда кахрамон гузал кизга ошиқ бўлиб сафарга отланади ажойиб-гаройиб ходисаларни бошидан кечиради, кийинчиликларни енгиб, ўз мақсадига эришади.

Кахрамонлик-романтик достонларга «Рустамхон», «Якка Аҳмад», «Гуругли» туркумига кирувчи достонлар киради.

Ишкий- романтик достонларга «Кунтуғмиш», каби севги можаролари, саргузаштли воқеалар тасвири берилган достонлар киради.

Маиший-романтик достонларга «Соҳибкирон», «Орзуғул», «Эрали билан Шерали» достонлари киради ва бу достонларда инсоннинг маиший турмуши билан боғлиқ турли туман тафсилотларни батафсил тасвирлашга ҳаракат қилинади.

Китобий достонлар Ўзбек бахшилари репертуаридан мустаҳкам урин олган эпик асарларни махсус бир турини- мумтоз поэзия намуналарини бахшилар томонидан фольклорга ҳос равишда қайта ишланиши натижасида юзага келган ёки яратилиши жихатдан ёзма адабий манбага эга бўлган, шунингдек бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарлар- китобий достонлар дейилади. Масалан, «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом» Алишер Навоий достонлари, «Юсуф ва Зулайхо» сюжетидаги туркий ва форсий асарлар, «Рустами Достон», «Вомик билан Узро» достонлари форсчадан озарбайжончага қилинган таржималар асосида яратилган. Хоразм достончилигида, шунингдек, «Маликаи Дилором», «Тоҳир ва Зухра» каби бир қанча достонларда ҳас оғзаки ҳам ёзма адабиётнинг шакллари учратишимиз мумкин.

Халк достонлари, унинг жанр хусусиятлари ва турлари ҳақидаги бу фикрлар ўзбек эпоси жуда бой ранг-баранг эканлигидан далолат бериб турибди.

«Алпомиш» достони ўзбек халқи орасида икки версия ва куплаб вариантларда жуда кенг тарқалган. Унинг вариантлари 28 халқ бахшисидан 33 марта ёзиб олинган. Фозил Йўлдош ўғли, Пулкан шоир, Берди бахши, Берди Содик ўғли, Абдулла Нурали ўғли каби етакчи бахшиладан ёзиб олинган.

«Гуругли» туркум достонлари халқ достончилигида ҳар бири мустақил яшаган ва айрим-айрим номга эга бўлган асарлар силсиласи бир-бирига бирлашган каттақон туркум бўлиб, Яқин ва Урта Шарқда жуда кенг тарқалган. Бу туркум ўзбек, тожик, козок, қорақалпоқ ва татарларда Гуругли; туркманларда Гуругли, Куугли, Каругли; озарбайжон, грузин, турк ва бошқаларда Куругли номи билан машҳур. Хоразмда ва ўзбеклар орасида тарқалган бу достоннинг қирқдан ортиқ вариантлари мавжуд.

Унинг айрим тугалланмаган вариантларини Сурхондарё ва Жанубий Тожикистонда яшовчи узбеклардан 1945 йилда фольклоршунос олим М. Афзалов ёзиб олган.

Шундай қилиб, халқ достонлари миллий ифтихор ва ўз-ўзини англаш, миллатлараро дустлик, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда муҳим вазифани утайди.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИ

Ижодкор халқ бадиий сўзнинг ёш авлод тарбиясидаги кучи ва жозибасига қадим замонларданок ишонган. У ўзининг энг ноёб асарларини сўз мўъжизаси билан бунёд келтирган.

Болалар фольклори кичкинтойлар олами билан катталар дунёсини уйғунлашуви оқибатида юзага келган ўйинлар, қўшиқларнинг бутун бир тизими тарзида таркиб топган Болалар фольклори болаларда энг яхши фазилатларни- ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, кишиларга ишонч, дўстларга садоқат туйғуларини екатталар билан бирга табиат стихияларига қарши курашиш ва уларни енгиш малакасини тарбиялайди. Болалар фольклорини яратишда катталар ҳам болалар ҳам барабар ҳисса қўшишган. Катталар болаларни эркалаш шеърларини яратишганки, алла, айтим, олқиш, овутмачоқ, қизиқмачоққ, сингари эркалаш хусусиятларига эга бўлган бу жанрлар онлаик фольклари тарзида ифодаланган.

Оналик фольклори кенг маънодаги тушунча бўлиб, поэтик намуналарда эркалаш хусусияти етакчидир. Шу мантикка асосланиб, оналаик фолбъеклоирива поэтик асарлар силсиласини насрий асарлар гуруҳидан равшанроқ ажратиш ниятида оналарни эркаловчи шеърлари деб ҳам аташ мумкин. Ўз навбатида эркалаш шеъриятига мансуб намуналарнинг ижро мақсади, урни ва бола ёши, савиясига кўра гуруҳларга бўлтнади. Биринчи гуруҳга мансуб қўшиқлар боланинг бешикдаги даври билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун уларни бешик қўшиқлари дейишади. Аллалар, айтимлар, олқишлар, ана шундай хусусиятларга эга. Бешик қўшиқлари бола уч ёшга тўлгунга қадар айтилади. Аллалар-ижтимоий эстетик қийматига кўра биринчидан-болаларни ухлатишдан иборат., иккинчидан- тарбиявий эстетик моҳият касб этишдан иборат. Бешик қўшиқларида энг кўзга кўринадиган мавзу- бола таърифи. Она ўз боласина ўзибилган яхши сўзлар билан таърифлайди.

Кузи бокқан қўй этсин,
Топганимга тўй етсин .
Тўй-тўйларга улансин,
Давлат бошингга урнашсин.

Алла-ё, алла.

Иккинчи гуруҳга оид қўшиқлар бола туғилганидан то 10-11 ёшга тўлгунча ижро этиладиган аслида бешик билан боғланмаган оналик меҳри тароватидан юзага келган бадихалардир. Булар суйиш қўшиқлари бўлиб, эркалатмалар, овутмачоқлар, қизикмачоқлардан таркиб топган

Айтим-олқишлар эркаловчи руҳдаги расм-русум бўлиб, аксарияти, асосан, болаларнинг бешик даврига оид турлм туман маросимларда ижро этилади. Чақолоқ бешикка солинганда, чўмилтирилганда, биринчи қадамини босганда, сочи биринчи олинганда, бола шаънигасириқ тутутилганда, хуллас шундай расм русумларнинг мазмунига яраша айтим олқишлари мавжуд. Болага янги кийим кийдириш қутловигв айланган куйидаги айтим-*-олқишга эътибор бериш лозим.

Сан бир йиллик,
Ман минг йиллик,
Кия-кия тўздирайлик,
Дугоналаримдан уздирайлик.

ЭРКАЛАМАЛАР. Эркаламалар кичкинтойлар ғашланганда, бақириб-чинқириб йиғлаганда, бетоқатлиги ошганда айтилиб, кайфиятнинг кўтаринкилигини ошириш учун ижро этилади.

О., шугина, ширингина,
Мунчагина, тунчагина
Кунчагина, шунчагина,
Яшнаб турган кунчагина.

«Яша», «Балли», «Офарин», «Раҳмат», каби эркаловчи, олқишловчи сўзлар ҳам болага қувонч бағишлайди.

Овутмачоқлар. Онанинг бола билан бўлган муносабатларида жуда қадим зомонларлардаги одатларнинг изларини кўришимиз мумкин. Булар кишиларнинг тирикчилик шакллари, турли хил анъаналари билан бирга, уларнинг ўз даварида анимистик, тотемистик тушунчаларда бўлганлигларини тасдиқлайди. Биз бу тушунчаларни баъзи кексаларнинг ҳаракатлари вақтида кузатамиз Масалан: она болани бешикка белаётганида ўнг қўли билан қовузни текислаб, кейин болани ётқизаётиб, шундай сўзларни айтади:

Эгалари кирсин, бобовлари чиқсин.

Болани бешикдан ечиб олаётганда эса: Уйқуси бешикда қолсин.- дейди. Дикқатимизни икки нарса ўзига жалб қилади; бир- бешикнинг эгаси бола. Болани бешикка белагунча бу жойда, вақтинча, бошқа бир нарса эгаллаб турибди. Эгаси келганда у жойни бўшатиши керак. Иккинчи: Уйқу бодадан ажраб, бешикда қолиши керак экан.

Маҳмуд Кошғарийнинг назари ҳам бу фактни ҳам четлаб ўтмади:- Исирикқ, исирикқ дейилганда «Эй жин, эс-ҳушингни йўқот.» Дейилгани бўлади» деб изоҳ беради олим.

Овутмачоқларнинг маълум бир туркуми оналарнинг қилган ҳаракатларида ўлчовлик вазифаларини ҳам ўтайди. Масалан6 она бешикдаги болани ечиб олар экан, ўнг билагидан ғоз кўтариб, «Ўс, Ўс,»- дейди, яна чап билагидан кўтариб, «Ўс,.... Ўс,» дейди.

Овутмачоқлар яна боларнинг тинчлантириш эҳтиёжини қондирувчи мактовлардир.

Вуй-вуй, шугинани ким урди,

Вуй-вуй, шугинага ким лаб бурди.

Йиғлама оппоққинам,

Бошимдаги қалпоққинам.

Тез айтишлар ва топишмоқлар. Тез айтишлар ёки сўз ўйинлари ўзбек халқ оғзаки ижоди турларидан бири бўлиб, айрим нутқ товушларининг кўп қайтарилиши ёки товушларнинг сўз ва иборалар таркибида мураккаб жойлаштишига асосланади. Тез айтишлар воситасида болалар она тилидаги товуш ва сўзларни равон, бурро, аниқ талаффуз этишни, товушлар оҳангдорлигини, сўзларнинг нозик маъноларини ҳис ва идрок қилиш, аниқлаш ва илғаб олишни машқ қиладилар.

Қишда кишмиш пишмасмиш,

Пишса кишмиш қишмасмиш.

Ўзбек халқ оғзаки ижлдида тез айтишлар, сўзўйинлари қадим зомонлардан бери бор. Лутфий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида ҳам сўз ўйинларини учратишимиз мумкин. А.навоий туюқлари ҳақида сўз юритар экан, унинг илдизлари халқ поэзияси жанрларидан келиб чиқишига ишора қилиб., туюқларни- «ёр-ёр», «кўшиқ»лар билан бир ўринга қўяди. Тажнис ва ийҳом- икки ва ундан кўп маъноли сўз санъати деб таърифлайди. Аксарият тез айтишлар талаффузи бир-биридан катта фарқ қилдиган фонемалар асосида, жумладан, «Ш», «Л», «Р» ундошлари асосида тузаладилар. Масалан: «Лола арралайди, Сора аллалайди»

Бу биринчи туркумга кирган тез айтишлар ёрдами билан уч-тўрт ёшга кирган болаларнинг «Р», «Ш» товушларини тўғри талаффуз қилиши ёки «Л»ва «С»га алмаштириб юбориши маълум бўлади.

Иккинчи бир туркум тез айтишлар борки, унда болани айрим товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш билан бирга, боланинг хаёлини бир жойга йиғишга, жумланинг мантикий урғусини аниқлаб олишга жалб қилинади.

Масалан: Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир бир туп турп. Бир туп тут бир туп турпнинг томирини туртиб турибди, бир туп турп бир туп тутнинг томирини туртиб турибди

Кўриниб турибдики, мисолдаги «тут», «турп» сўзларини тўғри талаффуз қилишдан ташқари, жумладан тўғри такрорлаш, тутнинг ва турпнинг турган ўрни ва ҳолатларини ёдда сақлаб қолиш керак.

Тез айтишлар кичик ва мактаб ёшидаги болалар нутқида айрим нутқ товушларни бузиб талаффуз этиш ҳолларини тузатишга, тўғри сўзлайдиган болаларда эса адабий талаффуз нормаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Болага тиш чиқиши билан боғлиқ иримларда эса «ёрдамчи» сўзлар булмай, бунда халқ оғзидаги афсоналар айтилади., баъзи одатий ишлар қилинади: Оналар қозонда буғдой қовуриб, чвқолоқнинг устидан сочадилар, «чақалоқнинг тишлари худди буғдойдек чиройли чиқсин дейишади Тўпланган болаларни буғдой қовурмочи билан меҳмон қилинади. Баъзан бу одатни-буғдой сочилишиуб-«насибалик бўлсин» деб тушунтирадилар. Чорвадор жойларда чақалоқнинг тиши чиқиш вақтида отга миндириб олишади., «от тиши чиқади» дейишади.Агар қўйга миндирилса «қўй тиш» чиқар экан.

СЎЗ ЎЙИНЛАРИ. Ўзбек халқининг аския, туюқлар, қочиримлар, баҳри байт сингари оғзаки ижодларида сўз ўйинлари асосий роль ўйнайди.. Болалар жуда ёшлигидан бошлаб катталар оғзидан эшитган-она тили бойлигимизни жуда усталик билан намоёни қилишнинг гувоҳи бўладилар. Айни вақтда болалар бир сўзнинг бир неча маъносини тушунишга машқ қиладилар. Кейинчалик ўзлари ҳам сўз ўйинига сингари сў жумлалари тўқийдилар Масалан, болалар катталардан мана шу сўз ўйинларини эшитад:

Қизариб пишган олмади,
Олмадан нега олмади,
Олмагани хўб бубди,
Энди келса олма, ди.

Бу халқ оғзида айтилиб юрган тўртлик тажнис асосида қурилган, мумтоз адабиётда туюқнинг ўзи. Бола бунинг айнан ўзига ухшаш бошқа бар вариантини «тўқиб» бера олмади, балки, ўз кучига қараб, тўртлик эмас, балки икки йўлдан иборат сўз ўйини ижод қилди.

Олмахон олмани ол, ма!

Олмани олмахондан олма.

Бу ерда олма сўзи ааввал буйруқ, кейин инкор маъносида қўлланган. Мисраларда сўз ўйини ҳам шу икки хил маъно бериш асосида қўрилган бўлиб, унда боланинг шу сўз маъноларини фарқлай олиши талаб этилади.

БОЛАЛАР ҚЎШИҚЛАРИ. Кишилар ўз меҳнатларини, турмушдаги барча воқеаларни қўшиқ билан беаганлар. Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти бойликлари ичида катталардан болаларга мерос қоладиган қўшиқларнинг салмоқли тури меҳнат қўшиқлаоидир.

Оқ сигир , кўк сигир,
Қани тезроқ бўл сигир,
Дони менга,
Сомони сенга,

Хўп, тўп.

Кататаларнинг болларга айтиб берадиган, кейинчалик болаларга мерос бўлиб қоладиган яна бир кўшиқлар туркуми Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» дан то бизнинг давримизгача айтилиб келинган жонли ва жонсиз персонажлар баҳсидир.

Оқ шоли, кўк шоли,
Оқ шолини оқлайлик,
Кўк шолини кўклайлик,
Ниёзбекка сақлайлик.

Халқ ўртасида сув ҳақида жуда кўплаб афсоналар. кўшиқлар, эртаклар яратилган. Ўзбек халқининг энг яхши орзулари сув билан боғланган. БУ умумхалқ руҳидан болалар болалар ҳам четда қолмаганлар.. Уларнинг ўйин ва ашулаларида ҳам сув, табиат ҳодисалари мавзуи бор.улардан бири ёмғир ҳақидадир.

Ёмғир ёғалок,
Эчки соғалок,
Бойнинг ўғлини
Қорни думалок.

Кўшиқнинг бир неча вариантлари мавжуд:

Ёмғир ёғалок,
Ям-яшил ўтлок,
Энди экинлар,
Чиқарар кулок.

Бухоро вилоятининг ўзбек ва тожик тиллари асосида ширин-шакар қилиб;» Ёмғир-ёмғир боре боре ёққанингни кўрай»-дейишади. Фарғонада ёш қизлар «Ёмғир ёғ, Сочим ўс!» деб қичқиришади. Сурхондарёда эса ёмғир ёққанда айтиладиган шундай кўшиқ бор:

Ёмғир ёғсин,
Ўралар тўлсин,
Сур хотин,
Сур хотинга сув керак,
Қозон тўла ун керак.

Бунда ёмғирнинг «қозон- қозон ун» келтириши очикдан-очик айтиб кўйилади. Дон-ун, ун-нон. Болага эса нон екрак. Қор ҳақида ҳам кўшиқлар бор. Қадим замонда қор камбағаллик, очлик, юпинлик рамзи эди. Қорни ёғиши инсон иродасидан ташқари ҳодиса, одамнинг унга итоат қилишдан бошқа чораси йўқ деб тушуниларди. Шунинг учун Қор хатлар: «Қор ёғдирган худойимнинг ўзи» сўзлари билан бошланар эди. Қорда қолган одам ночор одам сифатида тасвирланади. Кўпинча, чол ва кампирлар тилга олинарди. «Қолган ишга қор ёғар» мақоллари эса омадсизликдан. Ишни юришмаслигидан дарак берарди. Кўшиқлардан бир мисол:

Қор ёғади гуппиллаб,
Аммам келар чўкалаб,
Кўрпача солинг ёнимга,
Аммам келса уйимга

Баҳор фасли келиши билан балалар ўйинларини бошлаб юборадилар. Ўғил болалар осмонга варрак учирадилар. Қиз болалар сочларига баргак такадилар. Болалар тол чивикларини қўл билан укалаб, аста пўстини шилиб, ўзларига сивизғалар ясайдилар. Кичкинтойлар хивичларни «той» қилиб минишадилар. Бойчечак болаларнинг биринчи қўшиғига сазовор бўлади. Улар бу қўшиқни баланд овоз билан баб-баравар айтадилар.

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайронди.

Каттик ердан казлаб чиккан бойчечак,
Юмшок ердан югуриб чиккан бойчечак.
Бойчечакни тутдилар,
Тут ёғочга осдилар.
Килич минан чопдилар,
Бахмал минан ёпдилар.

Ўзбек ва тожик этнографиясининг, фольклорининг тадқиқотчиси профессор Е.М. Пешчерева суҳбат вақтида нега «бойчечакни тутдилар, тут ёғочга осдилар» дейилишига диққатимизни тортди. Ҳақиқатдан хавм, қадим Шарқда тут дарахти муқаддас дарахтлар дан бири деб ҳисобланган. Ўзбекларда мазкур эътиқодга кўра дарахтнинг «эгаси бор» деб ҳисобланади., эҳтиёт қилинади, унинг танасидан хотинлар сочини тараш учун тароқ, бола белаидиган бешик қилинади. Бойчечак халк орасида рамзий тимсол булса керак. Негаки, у худди одам сингари тасвирланади. Уни «Тутадилар», «тут ёғочга осадилар», «килич билан чопадилар», «бахмал билан ёпадилар». Бундай ишлар бундан 2-3 минг йил илгари қадим Миср, Юнонда ҳам булганини этнограф тарихчилар биладилар.

Бойчечак болалар тушунчасида ижодий тимсол у, ёшлик, жушқинлик рамзи. У узбек болалари оғзидан ёзиб олинган бир вариантда бойчечакни килич билан чопиш «камлик қилади», уни «балгон» билан урадилар ва кейин килич билан чопадилар. Демак, у яна «исёнкор» ҳам экан. Узбек халқида бирор киши уз кучи билан кийналиб усган булса, «ахир, у каттик ердан каталаб чиккан бойчечакнинг узи-да!» дейишади. Бунинг ҳаммаси бойчечак меҳнаткаш киши тимсоли эканидан далолат беради. Тошкент вилоятида:

Бойчечагим, бойчечак,
Этагим тула бойчечак.

Ёки: Бойчечагим боласи,
 Кулогида донаси,
 Донасини олай десам,
 Югуриб чикди онаси.

Бахор фаслида «Чидти гул» кушиклари ҳам айтилиб, келинган. Бу кушик билан болалар кушикка мос ҳаракатлар билан уйнайдилар. Кушик оханги уйинга улчов мезон бўлиб уни етаклайди. Уйин эса кушикнинг мазмунини тулдиради. Унга ҳаракат бағишлайди. Бола бир вақтнинг уйиндан ҳам маънавий, ҳам жисмоний жихатдан роҳатланади. Кушик ижросини куз олдимишга келтириб курайлик. Кизлар жуфт-жуфт бўлишиб, қафтларини бир вақтда бир-бирига уриб, айланишиб, яна уриштириб, кушик айтадилар. «Читтигуло-читтигул», дейилганда кизлар юзма-юз турадилар. Куллари маълум тартиб билан бир-бирларига карсиллаб тегиб, чиройли оханг касб этади. «Хай-ю, читтигул, хай-ю читтигул» дейилганда кизлар бир хил маком билан турган жойларида гир айланадилар.

Чидти гул-о, читтигул,
Хай-ю читтигул,
Чидти гулга гул босай,
Бир ёнини ёнбосай,
Хай-ю читтигул,
Хай-ю читтигул,
Кулинг кулвоғдан бўлсин,
Белинг белбоғдан бўлсин
Хай-ю читтигул,
Хай-ю читтигул.

Ёз фаслида «Лайлак келди, ёз булди» кушиги купрок айтилади. Бу кушику кунларнинг исишидан, экинларнинг унишидан, кушларнинг келишидан, ариклардан сувларнинг тулиб оқишидан, бола кунглида кувонч уйғотади.

Болалар ота-оналаридан лайлак хакидан куп эртактлар, афсоналар эшитганлар. Улар лайлакни ёз фаслини элчиси сифатида тасаввур этадилар.

Лайлак келди, ёз булди,
Каноти когоз булди,
Лайлак боради токка,
Кулокларида халка.
Халкаси тушиб колди.
Утирди йигламокка.
Лайлак келди илон коч,
Бола чаканг олиб коч,

Янги тунинг кийиб коч.

Эски тунинг ташлаб коч.

Кушикнинг болалар кушигига хос яна бир томони бор: Кушик охири кутилмаганда «илон коч», туртлиги билан тугалланади. Аввало илонни бола ёмон куради, илон бор жойда чумилолмайди.

Иккинчидан лайлак илон ейди, шунинг учун кочиш керак. Учинчидан, ёз булиб, лайлак келиши вақтидан илон туллаб, пуст ташлайди. Бу кушик фасл изининг куринишидир. Кушикнинг вариантлари куп. Баъзи кушикларда лайлакни «опа» деб аталади ва унга хазил мутойиба билан мурожаат қилинади:

Лайлак опа,

Бошинга қапа,

Такиям сувга тушиб кетди.

Олиб беринг, жон опа!

«Офтоб чикди оламга» қўшиқлари бир туркум шеърларини ташкил қилади. Аслида қўшиқ офтобнинг чиқиши билан блалар, катталар қувончига бағишланган бўлсада, бора-бора у маиший тус олиб кетади. Бодаларнинг пишиқчилик-арпа, буғдой пишиши,янтоқ, қуврай, ажриқ куриб- ўтин бўлиши, қозон- тандирларда нон ёпилиши, боларнинг тўйиб нон ейиши имкони ҳақида қўшиқ айтилиши кутилади.

Офтоб чикди оламга,

Югириб бордим холамга,

Хол, хло кулча бер!

Холам деди:- Ўтин тер!

Ўтин тердим бир қучоқ,

Кулча ёпди бир ўчоқ.

Ўғлига берди ёғлиқ кулча,

Менга берди қуюқ кулча.

Шеър воқеаси қисқа: бола холасидан кулча сўрайди, холаси ўтин териб кел, деди. Бола ўтин териб келди, кулча ёпилди. Афсуски, пишган кулчадан ўтин термаган холасининг ўғли ёғлиқ, бутун кулча олади, у эса, «шунча ишлаб», атиги қўюқ олиб қолди. Бу ўринда бола «қорнидан ҳам қадрига» хафа. Қўшиқнинг айтилиши боиси шу. У деярли ҳамма вилоят, туманларда айтилади. Унинг элементлари ҳам маҳаллий тил, шароит, одатларга қараб ўзгараверади. Масалан: термизда болага-қўмоч тегади Фарғонада ноннинг қуйганини, бошқа жойларда- «менга берди зиғичча» ва ҳоказо. Бола адолатсизликдан хафа бўлади ва холаси қилган ишни «бирини ўн қилиб», болага хос муболаға билан тасвирлайди.

БОЛА ТЕРМАЛАРИ. Бола ҳаётида қўшиқ, ўйин, машғулотлардан танаффус бўлмайди. Юқорида келтириб ўтилагн қўшиқлардан ҳам мукамалроқ,, воқеалари мураккаброқ қўшиқлар бор. Биз уларни хусусиятларидан келиб чиқиб, афсонавий қўшиқлар, воқеабанд бало

термалари деб атасак ҳам бўлади. Негаки, болаларнинг жўшқинлиги ва изланувчанлиги, сабрсизлиги ва ҳаракатчанлиги тўлиб тошган луарнинг сермахсул фантазияси билан ҳам йўғрилган. Ўзбек болалари айтадиган «Осмондаги ой», «Асаканинг йўлида» сингари қўшиқлар диолог шаклидаги қўшиқлар сарасига киради.

-Осмондаги ой,
Сайдазим бой,
Нима еяпсан?
-Олма еяпман.
-Олмангдан ташла
-Ачам урушади.
-Ачанг ўлсин.
-Худо сақласин.
-Ҳовлингни супур,
Лўли ўйнасин,
Қозонингни юв,
Гўжа қайнасин.

Ўзи кичиг-у, ичида қанча халқ ҳикмати борлигига диққат қилинг: олма еяётган кишининг давлати Тошкентдаги машҳур савдогар Сайдазимбойникидан кам эмас, Қизғанчиқ «ача»нинг боридан йўғи яхши; ҳовли супурилса тўй бўлади, туйда лулилар уйин курсатишади; қозон ювилишининг ҳам ҳосияти бор - ичи тулиб, овкат қайнайди. Овкатнинг ҳам гужаси қайнасин (палов, шовла, ҳалим пишсин деяётгани йук!) Негаки, факат гужа қайнасагина болалар туйиб-туйиб ича оладилар.

«Тепдим сандик очилди» кушиклари воқебанд кисса тарикасида айтиладиган кушиқлардан биридир. Бу кушиқнинг бир неча вариантлари тупланиб, Элбек томонидан нашр этирилган.

Тилла сандик очилди,
Тагига бодом сочилди.
У бодомни теролмай,
Канотлари кокилди.
Канот беринг учайлик,

Ок саройга тушайлик

Кушиқ 24 йулдан иборат ва уйиннинг шарти ҳам баён қилинган. Кушиқда бола фантазияси эътиборга олинган. Бундай кушиқлар болалар кушиқчилигининг такомиллашмаган юкори даражадаги шакллар булиб, кушиқчиликнинг аввалги ёки кейинчалик куриладиган майда термалари боскичини утгандан кейингина юзага келган дейиш тугри бўлади.

БОЛАЛАР УЙИН ФОЛЬКЛОРИ

Халк ижоди намунаси ҳисобланган болалар уйинлари уз таркибида муайян ритмик изчилликка асосланган хатти-ҳаракат, рамзий маъно касб этувчи этнографик деталлар, поэтик фольклор намуналари, оханг ва томошавийлик элементларини яхлит ҳолда мужассамлаштирган синкретик ҳодисадир. Болалар уйинлари аجدодларимиз тафаккурининг энг қадимги элементларидан бири бўлган ибтидоий ритуаллар ва маросимларнинг таркибий қисми сифатида жуда қадим замонларда юзага келган. Даврлар утиши билан бундай маросимлар таркибидаги уйинлар узининг ритуаллик хусусиятини йукотиб, оддий томоша унсури ёки кунгил очар воситасига айланган.

Болалар уйинларининг муайян бир қисми бевосита қадимги одамнинг уз турмуш тарзини бадиий талкин этиш эҳтиёжи туфайли бевосита меҳнат қилиш жараёнида шаклланган. Овчилик, чорвачилик, дехкончилик, шунингдек, қадимги ҳунармандчилик, аجدодларимизнинг кундалик турмуш тарзи болалар уйинларининг келиб чиқишига асос бўлган дастлабки ва асосий ижтимоий банбалар сирасига қиради.

Аждодларимиз - қадимги туркий қавмларининг турмуш тарзи овчилик, чорвачилик билан бевосита боғлиқ бўлган. Қучманчиликка асосланган турмуш тарзи аждодларимиздан уз фарзандларини яхши чавондоз қарағай мерган қурағи ер қурмаган пахлавон қилиб тарбиялашни такозо этади. Шунинг учун от уйинлари, пойга, тирандозлик мусобақалари қураш, туя, қучқор, ҳурос уруштириш қадимдан кенг расм бўлган эди. Ана шу анъаналар асосида асрлар давомида ўзбек болалар фольклор уйинининг бадиий тизим шаклланган. Болалар уйин фольклорига оид манбалар туплаш

1. ХI асрдан ХIХ асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр.
2. ХIХ асрнинг охири ХХ асрнинг 30 йилларигача бўлган давр
3. ХХ аср 30 йилларидан то бугунги кунга қадар

Болалар уйинлари ҳақидаги илик маълумот ХI асрда яшаб ўтган машҳур туркийшунос олим М.Қошғарийнинг девону лугатит турк асарида қайд этилган. Туркий қавмлар орасида туп билан ўйналадиган қадимий уйинлардан бири Чавгон кенг расм бўлган. Болаларнинг уйин танлашдаги диди ва уйин турлари йиллар ўтиб ўзгариб бормокда. Бугунги кундаги уйинларда ватанпарварлик руҳи яққол қурина бошлади. Бу уйинлар халқ билим ва тажрибасини йиллар давомида муқаммаллашган қуринишидир.

Ўйинга қақириш. Шаҳар ва қишлоқ болалари одатда кечқурунлари тупланиб, гаплашиб ўтирадилар. Эртақлар айтадилар. Турли хил ўйинлар ўйнайдилар. Шундай пайтларда болаларни туплаш, ўйинларни ўюштириш, айрим болалар томонидан ташаббусқорлик қурсатиш талаб қилинади. Шаҳар жойларига ўйинга қўйидагича қақирилади.

Токчага бугдой сепувдим,
Ўндимикин-о, ўндимикин?

Машраббой уйдан чикмайди,
Ётдимикин-о, ётдимикин?

Кишлоқ жойларда эса кескинрок, мурасизрок равишда чакирилади:

Томда товук котарми,
Айронингдан тортарми?
Уйин ёкмас болалар,
Номозшомдан котарми,
Кел-хо!

Агар чакирилувчи киз бола булса, уни бир мунча мулойим чакирилади.

Ойлар ойдин булибди, дугона,
Уйнагингиз келибди, дугона,
Ёки онанг куймайдими, дугона,
Муштдек корнинг туймайдими, дугона.

Болалар фольклори навкирон авлоднинг психологияси хусусиятларини, бадий ижодкорлиги салоҳияти ва имкониятларини ифодалаган, унда болаларнинг воқеликка муносабатлари, эстетик қарашлари ва ранг-баранг туйғу-кечинмалари муҳрланган.

ТОПИШМОКЛАР

Халқ орасида топишмоқ, жумбоқ, баъзан матал, топар чупчак каби терминлар билан юритилиб келинган топишмоқ жанри ўзбек фольклорида қадим замонлардан ҳозиргача яшаб келмоқда ва ривожланмоқда. Ўзқўтмиш даврларда топишмоқ инсонни ўраб олган муҳит ва табиатнинг турли туманходисалар ҳақидаги тушунчаларининг бадий ифодаси сифатида майдонга келган. Тоғ ва ўрмонлар, дарё ва қўллар, қўлғу биёбон, ер ва осмон, қўёш ва ой, юлдуз ва қўллар зулмат ва ёруғлик, тошқинлар, қўқмоқ ва қўқоққироқ, ҳаёвонот олами, оила-рузғор жихозлари, дов-дарахт, меҳнат қўроллари ва бошқалар ҳақида қўллектив ижоднинг маҳсули булиб туқилган топишмоқлар авлоддан-авлодга ўтиб, қатта ва қичикка ҳаёт, табиат қирлари ҳақида ўйлашни, қилишни ўргатиб келганлиги билан қўят аҳамиятлидир.

«Топишмоқ» қўзи «топ» қўйруқ қўёлига «иш-моқ» қўсовчилари қўшилиши билан қигал, муракқаб, белги хусусиятти яширин берилган

бирор номаълум нарсани топиш мазмунини ифодаладиган ясама отга айланган. Табиат ва жамият ходисалари кишилар олдида куп мураккаб жумбоқлар, муаммолар куйган. Инсоннинг уша масалаларни топиши, сирли булиб куринган нарсаларнинг туб, хакикий мохиятини очиши учун акл идрок ва уткир дид талаб килинган.

Табиатнинг сирли ходисалари инсон такдирини асоссиз, тахминий фарзлар, турли эътикод воситасида пассив англаш, фолбинлик, астрология каби огзаки ижоднинг гайри илмий шакллари хам майдонга келтирган. Топишмоқлар булса, халк огзаки ижодида эшитувчилардан онгли равишда яширилган, беркитилган нарса, ходисаларнинг асосий мазмунини топиш, ечишнинг узига хос поэтик формасидир. Шунинг учун топишмоқни эшитувчилар уни табиат ёки турмаш сири деб эмас, яширилган муайян, аник бир нарса деб биладилар, шендай тушунадилар.

Топишмоқлар огзаки ижоднинг оммавий оммавий ва махсус жанрларидан бири. Уларнинг услуби метафора (истиора), кучим, киноя, кочирик йули билан сузларни кучма маънода ишлатиб, яширилган нарса, ходисаларнинг белгиларига иккинчи бир нарса, ходисаларнинг белгиларини киёслаш, имо-ишора килишдан иборатдир. Топишмоқларнинг шу хусусияти хакида кадимги юнон философи Аристотельнинг: «Жуда яхши метафора тузиш йули», дейиши бежиз эмас.

Топишмоқ айтиш кадимги замонлардан бошлаб турли халкларнинг хаёти, ижтимоий шарт-шароитлари, дунёкарашлари, урф-одатлари, мифологик тасаввурлари билан боглик булган. Рус халки орасида декабрь, январь ойларида, удмуртларда йигим-терим тугулланганч, бахор бошлангунча, туркманларда навруз байрами окшомларида топишмоқ айтиш расм булган. Узбек халки хам бошка кардош халклар каби куз ва киш кечалари гуза чувиш, чарх йигириш, олача тукиш каби кул меҳнати билан бажариладиган турли-туман ишлар давомида топишмоқ айтишган. Топишмоқ айтиш кайси бир халқда булмасин, у акл-зийраклик мусобакаси, кунгил очиш, уйин-кулгу воситаси. Топишмоқ айтиш, асосан, ёшларнинг суз бойлигини ошириш, хаёт ва унинг ходисалари хакидаги билим тушунчаси, идрок ва мулохазаларини кенгайтириш учун зарур тарбия воситаларидан бири булгани туфайли улар соддадан, мураккабга, осондан кийинга бориш усулида яратилган. Топишмоқлар орасида мактаб ёшгача булган болалар осонлик билан топа оладиганлари булгани каби катта ёшдаги болалар, хатто турмуш тажрибаси куп кишиларнинг хам бошини котириб, уйлашга мажбур киладиганлари хам бор. Масалан, «Отдан баланд, итдан паст», «Козик устида кор турмас» каби эгар, тухум хакидаги топишмоқлар халк орасида кенг таркалганлигидан топишмоқ айтилиб булинмай, эшитувчилар унинг жавобини топа оладилар. Аммо «Узундан узок, хавога тузок» (тутун) каби топишмоқлар анча уйлантириб куяди. Топишмоқни хамма - каттадан кичик айтади, уни топишга хам купчилик

иштирок этади. Халк орасида нисбатан куп топишмок биладиган кишилар топишмокчи, жумбокчи хам деб юритилади.

Топишмок айтишнинг муайян тартиб коидалари мавжуд. Топишмокнинг жавоби топилиши билан кетма-кет айтила берилади. Агар топишмокнинг жавобини топа олмаса, утмишдп «шахар» талаб килинарди. Топишмок айтувчи топишмок жавобини топа олмаган, «шахар берган» кишини маълум вазифасини бажаришга мажбур киларди. Сунг «Сен топмасанг, мен топай, унинг узи ...» деб жавобини айтарди. Бунда топишмок айтувчи билан топувчи уртасидаги «сотдим-олдим» типидagi савол-жавоб характерлидир. Топишмок жавобини топа олмаган шахсни изза килишдан иборат «сотдим-олдим» диологида, худди топишмокдагидек, предметларнинг бир-бирига маълум томонлари ухшатилади. «Сотдим-олдим» да кишиларнинг образли фикрлаши топишмокнинг узвий бир кисми булиб давом эттирилади.

- Сотдим.
- Олдим.
- Нимани?
- Кулингни.
- Нима киласан?
- Паншаха килиб хирмон совураман.

Топишмок айтиш оркали даврада ажойиб хушчакчаклик, рухий кутаринкилик пайдо булади. Топишмокларнинг яхши биладиган кексаларнинг гувохлик беришича, топишмок айтиш кечалари жуда марокли утган, айникса ёшларга тарбиявий-таълимий жихатдан катта фойда етказган.

Топишмоklar тузилиши жихатдан баъзан насрий, купчилик холларда шаърий шаклда булиб, уларда номаълум бир мусикийлик, зарб, тупрок, вазн, кофия каби шеъриятнинг шакл талабларига амал килинган.

Кофия, вазн топишмокнинг силлик, ихчам, охангдор, эсда коладиган булиб тузилишини таъминлашга хизмат этади. Масалан;

Турт оёкли,
Темир туёкли. (От)

Топишмоklarнинг бир нечаси назм ипига тизилгандек булади ва уларнинг жавоблари хам шу тарзда булиши талаб этилади:

Камиш учи калтирок, уни топинг, дилбарим,
Игна учи йилтирок, уни топинг, дилбарим.
Сассик кулда ит хурар, уни топинг, дилбарим,
Такир-тукур такравон, унинг топинг, дилбарим,
Ичидаги мехрибон, унинг топинг дилбарим.

Бу топишмокнинг жавоби, шеърий шаклда куйидагича булиши керак:
Камиш учи калтирок - шамол деган эмасми,
Игна учи ялтирок - ут дегани эмасми,

Сассик кулда ит хурар - сув бакаси эмасми,
Такир-тукур такравон - бешик деган эмасми,
Ичидаги меҳрибон - бола деган эмасми...

Турти - лоп-лоп, эгри соп-соп,
Икки - дингилдинг, бир - шипилдинг.
Боради лук-лук, келади лук-лук,
Хамиша лук-лук, томоша лук-лук.

Туя хакидаги бу икки топишмоқда туянинг юрши, бесунакай, купол гавда тузилиши, кичик ва калта кулоклари, думи, юришининг таърифи берилиб, асосий предмет - туя яширилган. Бундаги тавсиф хазил - мутойиба, кулгига сабаб булади.

- У нимадир, хаводаги дуланган?
У нимадир, ер юзини сув олган?
У нимадир оркасида огзи бор?
У нимадир уртасида магзи бор?
У нимадир сув ичида жони бор?
- Булут булар хаводаги дуланган
Ёмгир булар ер юзини сув олган,
Тегирмондир оркасида огзи бор.
Бугдой булар уртасида магзи бор,
Балик булар сув ичида жони бор.

Бу турдаги савол жавобли топишмоқлар «Ошик Ойдин», «Ошик Алванд», «Хирмон дали», «Ёзи билан Зебо» дostonларида, Махматкули ва Дурди Килич айтишувларида тез-тез учраб туради. «Алпомиш» дostonининг Пулкан шоир айтган вариантида Барчиннинг жумбогига Алпомишнинг берган чиройли жавоби мавжуд.

Кечаси офтобдек, кундузи коптокдек (лампочка)
Гапирса Масквадан, эшитасиз Кувадан (радио).

Товук десам пат йук,
Оёк-кули, каноти йук,
Минг-минглаб очар жуза,
Буни топинг, Холхужа (инкубатор).

Топишмоқларнинг моҳияти, маърифий-тарбиявий аҳамияти олам сирларидан кишиларнинг воқиф қилиш, билишга ундан билан бирга, инсониятнинг табиат ва ҳайвонот дунёси билан қадимдан узвий боғлиқлигини таъкидлаш, уларни севиш, ардоқлаш туйғуси ҳам яширинганидир.

Топишмоқлар халқ оғзаки бадиий ижодининг қадимги тури сифатида ёзма адабиётга баракали таъсир қурсатди. Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётида қистон, тарих, муаммо, мувашшах қаби лирик жанрларнинг

пайдо булишида лирик топишмоқлар муҳим роль уйнайди. Уз навбатида ёзма адабиёт ҳам жуда куп топишмоқларнинг пайдо булиши ва эл орасида кенг тарқалишига сабаб булди.

Топишмоқлар бугунги кунда ҳам ёшлар зехнини уткирлаштиришда, муҳокама доирасини оширишда муҳим маърифий-таълимий, тарбиявий аҳамиятга эга.

ОЎЗАКИ ДРАМА

Масҳарабоз, кизикчи ва қугирчоқбозлар томонидан яратилган улар ижросида анъанавий халқ театри спектакллари сифатида авлоддан авлодга оғзаки равишда утиб келган драматик асарлар оғзаки бадиий ижоднинг махсус турини ташкил этади. Гоявий мавзу жихатдан сатирик ва юмористик йуналишда бўлиши, тузилиши жихатдан диалог ва монологларга булиниши, сахнада уйнаш учун мулжалланганлиги оғзаки драманинг асосий хусусиятларидир. Оғзаки драмалар анъанавий халқ театрининг асосий репертуари ҳисобланади, кизикчи ва масҳарабозлар эса бу театрининг ижрочи ва ижодкор актерларидир.

ЎЗИЎҚЧИ ВА МАСХАРАБОЗЛАР ТЕАТРИ

Оғзаки драмалар кизикчи ва масҳарабозлар томонидан анъанавий халқ театрида ижро этилади. Халқ театри синкретик характерга эга бўлиб, бадиий суз, кифо ҳамда ҳаракат ёрдамида сахнавий характерлар ва шу характерлар тукнашувида спектакль яратиши билан ажралиб туради. Халқ театрининг актерлари-кизикчи ва масҳарабозларнинг аксарияти турмуш шароити тақозаси билан санъатнинг бир неча туридан яхшигина хабардор бўлганлар. Чунончи, найрангбознинг дор устида уйнаши, дорбознинг қарнай-сурнай чалиши, сурнайчининг қугирчоқ уйнаши, қугирчоқбознинг ёғочоёқда юриши қабилар табиий ҳол бўлган. Шунингдек яхши масҳарабоз ва кизикчи ҳажвий сахналарни ижро этиш билан бир қаторда соз чалар, уйнар, ҳофизлик қилар, ҳикоя айтар, аскияга қушилар, қуз боғловчи булар, умбалок ошар, қугирчоқ уйнатар эди. Аммо бунга қарамадан ҳар бир санъаткорнинг ўзи танлаган, севган ва ихтисослашган, натижада уни халққа манзур қилган санъати бўлган. Ҳар бир санъаткор ўзи танлаган соҳага яқин санъатларнинг яхши билган. Масалан: дарбознинг мақомчиҳофиз, мақомчи машшоқнинг масҳарабоз бўлиши қийин эди. машҳур Юсуфжон ака Шакаржонов (1869-1959) доира қалиб, қушиқ айтиши, аския пайровларига иштирок этишига қарамай, кизикчилик, масҳарабозлик, латифақуйликда шухрат қозongan ва «кизикчи» касби лақабига айланиб қолган.

Халқ театрида бош ижодкор масҳарабоз, кизикчи ва қугирчоқбоздир. Улар ҳам яратувчилик, ҳам ижрочилик, ҳам ташкилотчилик вазифаларини бажаради. «Кизикчи», «Масҳарабо» терминлари ҳар жойда ҳар хил маънода қўлланади. Бу икки термин орасида узаро яқинлик бўлсада, уларнинг ўзига

хос маънолари бор. Нутки, хажвий хатти ҳаракатлари билан одамларни кулдириб юрувчи, оддий, шух ва ҳазилкаш кишилар купинча кизикчи деб юритилган. Одамларни кулдиришни узиға ҳунар килиб олган ва махсус кийиниб, юзларини бўяб, сайл, туй-базм, байрамларда томоша курсатиб юрувчи кишилар, асосан, масҳарабоз деб аталган. Баъзи жойларда ҳар иккаласи бир мазмунда ишлатилган.

Масҳарабозлик, кизикчилик тушунчалари халқ театридан ташқари санъатнинг ракс, пантомима, цирк, латифагуйлик каби турларига таалукли бўлган ҳамда хажвий, таклидий шаклда ижро қилинадиган асарлар ҳам қиради.

Масҳарабоз ва кизикчилар орасида уз санъатини пухта эгаллаган ва уни халққа манзур қилган машҳур усталар билан бир қаторда ушбу ишга онда сонда аралашадиган хавскорлар ҳам бўлган. Шуниси характерлики, уларнинг ҳар иккисихам, асосан деҳқон, чупо ва бошқа касб-ҳунар эгалари орасидан етишиб чиққан кишилардир. Қукон кизикчиларидан Зоқир эшон-заргар, Мумин кишлоқи- деҳқон, Абдулҳасан-туқувчи, Усмон кизикчи-этиқдуз, Қашқадарё воҳасининг машҳур масҳарабозларидан Мизроб ва унинг шогирдлари-чупон, Халим тайёр- атторлик қилган. Бухоролик Тула масҳара ва унинг угли Гадоқ масҳара деҳқончилик билан шугулланган.

Кишлоқда яшовчи кизикчи ва масҳарабозлар эса машшук, уйинчи, ҳофизлари билан бирга «даста», «туда», «туп» дейиларди. Уларнинг ташкилотчилари «корфармон» деб аталган. Корфармон халқ театрида режиссёрлик вазифасини бажарган.

Ўзбек халқ орасида анъанавий хотин-қизлар театри ва унинг узиға хос драматургияси ҳам бўлган. Самарқандда «Жоду олиш», «Она ва қизнинг туйға бориши», «Замбур», Ттошкентда «Бугдой сотувчи савдогарлар», «Ота улими», «Чолнинг уйланиши», Фаргона водийсида «Қайнана ва келин», «Қундошлар» каби комедиялар маҳорат билан ижро этилган. Хотин-қизлар театрида ижрочилар ҳам, ижодкорлар ҳам хотин-қизлардир. Хотин-қизлар театрида эрқаклар ролида хотин-қизларнинг чиқиши, эрлар театрида хотин-қизлар ролида эрқакларнинг чиқиши одат бўлиб қолган эди. Чунки эрқаклар билан хотин-қизларни биргаликда томоша курсатиши, қунгил очишлари у ёқда турсин, ҳатто бир уйда юзма-юз утириши ҳам тақикланар эди. Хотин-қизлар томошаларни купинча уй ичида, эрқаклар қуздан панада, бог, сайилгоҳ ва бошқа жойларда курсатганлар. Ҳар бир томоша олдидан сарқарда раҳбарлигида бирор хонада ёки пана жойда қиска машқ утқазилган. Уйинга мос қийим-кечак тайёрланган, грим қилинган.

Оғзаки драмаларда ижтимоий ва ахлоқий масалалар ақс этирилган. Золим ва ўзбошимча амалдорлар, қузбуямачи ва мунофиқ кишилар қош қилинган, Соф муҳаббат, бегараз дустлик, ёруғ дунё, эркинлик улугланган.

ОҒЗАКИ ДРАМАТУРГИЯ

Халк театри оғзаки драматургиясида драматик харакат, сахнавий уйин матн билан чамбарчас боглик булиб, уларни бирини иккинчисиз тасаввур килиш кийин.

Халк театрида кишлок кучаси, шахар бозори, ховли юзаси, гулхан атрофи, уй ичи «сахна» булса, табиат манзараси; дала, дарахтзор, сахро, ой, юлдузлар бу «сахна» нинг безаклари вазифасини бажарган. Халк драмасининг мана шу «сахна»да, турт томондан жой олган томошабин даврасида уйналиши ижрочилардан маълум услуб ва тасвирий воситалар, бадий махорат талаб килган. Бунда хамма нарсa- диолог, ишора, хракат, костюм, грим, декорация аник ва ёркин булмоги керак

Ўзбек халк оғзаки драмаси хаётий вокеликнинг айрим томонларини сатирик юмористик шаклда акс этиради. Ундаги асарлар хажми турлича булган комедиялардир. Улар асосан наср шаклига эга. Баъзан шеърий шаклда хам учраб турган. 1922 йилда Гулом Зафарий томонидан ёзиб олинган оғзаки комедиялар бунга мисол була олади.

ҚЎГИРЧОҚ ТЕАТРИ

Кугирчокбозлик энг кадимги даврдан бошлаб халк оасида кенг таркалган драматик шакл булиб, унда турли тимсоллардаги ёғоч уйинчоклар, уни уйнатувчи ва ургатувчи, уйин бошловчи корфармонлар иштирок этади. Кугирчок уйин гарчи малакали кугирчокбозлар томонидан ижро этилсада, у асосан болалар, усмир ёшлар орасида намоиш этилади.

Хозирги кунгача етиб келган «Қачал полвон», «Саркардалар», «Тегирмончининг уйланиши» каби кугирчок уйинлардир. Кекса кугирчокбозларнинг айтишича, кугирчок уйинини ташкил этиш анча кийин ва мураккаб булиб,. Куп меҳнат талаб килади. Хар бир томошанинг кизикарли чиқиши кугирчокбозларнинг махоратига боглик булади.

Хуллас, кугирчокбозларнинг уйинларида хаёт ходисалари, кишиларнинг узаро муносабатлари ёғоч кугирчоклар тимсоли оркали корфармон ташаббуси билан акс этади.

Шундай килиб, ўзбек халк оғзаки драмаси гоаявий, мавзу жихатдан хима-хил, бадий жихатдан пишик асарлардир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истикло ва маънавият. Т-1994.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук.
«Мулоқот» журн. 5-сон. 1999 й.
3. Каримов И.А. Миллий театримиз-ифтихоримиз.
Т.2001.
4. Каримов И.А. Энг қадимий, асл миллий, гоят
ардоқли байрам. Т.2002.
5. Узбек фольклори очерклари. Т.1989.
6. Раззоков Х ва бош. Узбек халқ оғзаки поэтик
ижоди.Т.»Укитувчи» 1998.
7. Имомов К ва бош. Узбек халқ оғзаки поэтик
ижоди Т. «Укитувчи» 1990.
- 8.Имомов К Узбек халқ прозаси Т.1981.
9. Узбек халқ эртаклари. Т.2000.
10. Узбек халқ топишмоклари.Т.»Укитувчи» 1991.
11. Маллаев Н. Узбек адабиёти тарихи. Т.»Укитувчи»
1976.
12. Алавия М. Узбек халқ маросим қушиклари.
Т. 1974.
13. Сафаров О. Алла-ё алла. Т.»Чулпон»2000.
14. Насриддинов К. Узбек дафн-таъзия маросимлари.
Т.1976.
15. Умаров С. Тарих ва ривоят Т.1986.
16. Узбек халқ мақоллари.
17. Узбек халқ достонлари 2 том.»Фан»1969.
18. Умаров С.Тарих ва достон.Т. 1985.
19. «Алпомиш» достони Т.1998.
20. «Гуруглининг тугилиши достони» Т. 1985.
21. Жаҳонгиров Г. Узбек болалар фольклори. Т.1975.
22. Косимов Н. Узбек халқ лапарлари (номз.дисс)1998
23. Косимов Н.Мусика фольклор ижрочилиги.Т.2000.
24. Давлатов С. Кашкадарё воҳаси туй-маросим
фольклори.(номз. дисс.) 1998.
- 25.Собирова Н. Хоразм «ошиқ» туркуми достонлари.
Т. «Минхож» 2005

Мазкур ўқув қўлланма ўзбек фольклоршунослиги қўлга киритган ютуқлари ва тажрибаларига суянган ҳолда унинг ўзига хос хусусиятларини кенг талқин этиб, мазкур фаннинг ҳозирги ижтимоий-ғоявий аҳамияти тўғрисида чуқур маълумот бериш ва халқ оғзаки поэтик ижоди жанрларида ўзбек халқининг этник хусусиятларини ўзига хослигига ҳам эътибор қаратилди.

Ушбу қўлланма маданият ва санъат йўналишидаги олий ўқув юр்தларининг талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек, республикамиздаги фольклор-этнографик жамоалар катнашчилари ҳамда мазкур фанга қизикувчиларга ҳам тавсия этилади.

Масъул муҳаррир:

Н.К. Қосимов

Фил. фанлари номзоди,
доцент.

Тақризчилар:

С.Н.Йўлдошева

Фил. фанлари номзоди,
профессор.

Ш. Турдимов

Фил. фанлари номзоди,
доцент.

Ушбу қўлланма Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат
Маданият институти Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.